**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 681.142.37:372.30

**ШЕРАНОВА МАРЯМ БАЗАРБАЕВНА**

# МЕДИАТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогиктаълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар**:**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,**

**педагогика фанлари доктори, профессор**

**Жиззах– 2022**

## МУНДАРИЖА


**КИРИШ**……..........…………………………………………………….. 4

**I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**...……………… 13

1.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш педагогик муаммо сифатида.......................... 13

1.2. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларинингмаънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари............................................................ 30

1.3. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга қўйиладиган талаблар……………………….. 45

Биринчи боб бўйича хулосалар ………………………………… 56

**II БОБ. МЕДИАТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯ-ЛАРИ** ............................................................................................ 59

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларининг имкониятлари ........................................................................... 59

2.2. Бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбиясини шакллантиришнинг медиатаълим технологиялари.................... 74

2.3. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологиясидан фойдаланиш воситалари ва модели ............................................................. 92

Иккинчи боб бўйича хулосалар ………………………………… 115

**III БОБ. МЕДИАТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРА-ДОРЛИК ДАРАЖАСИ**...................................................... 117

3.1. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш кўрсаткичлари .....................................................…………….. 117

3.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари ва натижалари. 127

3.3. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари натижалари......................................... 138

Учинчи боб бўйича хулосалар ………………………………… 147

**ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР**...…………………………...... 149

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** ................ 152

**ИЛОВАЛАР** ………………………………………………….. 163

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати**. Жаҳонда информацион ва ғоявий курашлар жараёни кескинлашган мураккаб даврда ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш уларда ижтимоий ҳаётга онгли муносабатни таркиб топтириш орқали маънавий тарбиясини шакллантириш долзарб бўлиб турибди. Россия, АҚШ, Франция, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби ривожланган давлатлар таълим муассасаларида креатив технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш, таълим ва тарбия жараёнларини лойиҳалаштириш, янги таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш, таълим парадигмалари ва технологияларини интеграциялаш жараёнларини медиатехнологияларнинг концептуаллик, тизимлилик, бошқарувчанлик ва самарадорлик талабларига мослаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этишга доир кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказларида ёшларни тарбиялашнинг инновацион ва прагматик муаммолари, замонавий таълим-тарбия жараёнларини ахборатлаштириш, ахборотларни қабул қилишнинг педагогик ва психологик асослари ҳамда таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқувчилар маънавиятини шакллантириш, масофавий таълимни амалга ошириш, медиатаълим технологияларининг дидактик ва тарбиявий имкониятларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг медиа саводхонлигини ва таълим муассасаларининг стандарт медиа таъминотини ривожлантириш, уларнинг Web-браузерлар, илмий матн билан ишлаш компетентлигини такомиллаштириш, медиатаълим технологиялари воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга доир масалалар ечимини ҳал этилиши билан бевосита боғлиқдир.

Республикамиз олий таълим соҳасида ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларга асосланган ҳолда инновацион технологиялар, хусусан медиатаълим технологиялари орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базаси яратилди. Айнан, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини медиатехнологиялар асосида шакллантириш бўйича тарбиявий материалларни тизимлаштириш, умумий, хусусий ва локал тарбиявий технологияларни шакллантириш, ўқувчиларнинг психологик ривожланишининг биоген, социоген, психоген технологияларини таълим-тарбия жараёнларига тадбиқ этишнинг меъёрий асослари яратилди. «Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш»[1] муҳим вазифа сифатида белгиланганлиги фан ва таълим, ёшлар сиёсатини такомиллаштириш каби соҳаларини ривожлантиришда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш устивор вазифа этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 28 сентябрдаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3151-сон «Умумий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида»,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2018 йил 13 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3-майдаги ПҚ-4307-сонли «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги**. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маъданий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда маънавий тарбиянинг асослари, шахсни миллий тарбиялашда маънавиятнинг ўрни масалалари Р.Ҳ.Жўраев [67], Ж.Ғ.Йўлдошев [88], О.Мусурмонова [30], Б.С.Абдуллаева [43], М.Қуронов [185], У.И.Маҳкамов [108], Ш.С.Шодмонова [174], А.Т.Нурманов [120], Ш.Қ.Мардонов [103], Н.Ҳ.Кушвақтов [28]лар томонидан ўрганилган бўлса, шахс маънавиятини шакллантиришда ахборот-коммуникацион ва медиатехнологияларнинг аҳамияти ҳамда улардан фойдаланиш омиллари А.А.Абдуқодиров [47], Н.И.Тайлоқов [23], У.Ш.Бегимқулов [57], Х.А.Тўрақулов [190], С.С.Бабаджанов [55], Ҳ.Ш.Қодиров [90], Х.Х.Некбоев [118], О.Х.Тўрақулов [149], А.Ҳайдаров [188], Ж.А.Ҳамидов [187], Ш.С.Шарипов [173], Ў.К.Ўтанов [183]ларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Медиатаълим технологияларидан фойдаланиш, аудиовизуал медиатаълим, медиатарбияни такомиллаштириш муаммолари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимлари А.В.Федоров [163], А.А.Журин

[76], А.А.Новикова [110], А.В.Спичкин [139], В.В.Довган [69], И.А.Фатеева [161], И.В.Челышева [39], И.В.Кирия [93], М.В.Жижина [73], М.Г.Львов [98], М.И.Беляев [59], Н.И.Гендина [22], С.С.Федорцова [164], Ю.Н.Усов [158] ва бошқаларнинг изланишларида ўрганилган.

Ривожланган хорижий давлатларда медиатаълим, медиатарбия, медиадидактика, медиапедагогика сингари масалалар C.Bazalgette, D.Buckingham [64], Herbert Marshall McLuha [21], L.Masterman [104], Elizabeth K [176], I.H.Fuchs [35] каби педагог-психологларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда «Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш» мавзусидаги (2015-2017 йиллар) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш самарадорлигини педагогик, психологик ва фалсафий адабиётларни интегратив таҳлил этиш орқали аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини медиатаълим технологиялари асосида шакллантириш усулларини таълим олувчиларнинг руҳий ва ақлий имкониятларини таҳлил қилиш асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш жараёнини медиатаълим технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини мувофиқлаштириш асосида такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини медиатаълим технологиялари

ҳамда таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тафаккури ва дунёқарашини ривожлантириш асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини медиатаълим технологиялари асосида шакллантириш жарёни танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг мазмуни, смарали шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини олиб боришда муаммога оид сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анализ ва синтез, ижтимоий сўровнома, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат), педагогик эксперимент натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат**:**

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш самарадорлиги миллий қадриятлар, интегратив педагогик қарашлар, шахснинг руҳий ва ақлий оламини таркиб топтириш ҳамда соғлом дунёқараш ва ижтимоий бунёдкорликка сафарбар этиш динамиклигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари, миллий қадриятларнинг мазмуни билан қуроллантиришга, бугунги глобаллашув шароитида ёшларни ўзига тўғри йўл танлай олишга бевосита йўналтириш ҳамда руҳий ва ақлий шаклланишнинг иррационал ҳамда рационал имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш жараёни оммавий коммуникация, ахборот воситалари ва мабуот материаллари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ижтимоий

аҳамиятли ахборатларни репродуктив ўзлаштириш, компьютер тринажёрлари ва универсал дидактик қурилмалардан фойдаланиш кўникмаларини рационал мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари медиатаълим технологияларнинг электрон дарсликлар, компакт дисклар, аудио-видио касеталардан ҳамда масофали ва компютерли ўқиш технологияларидан фойдаланиш босқичларини аниқлаш ҳамда таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тафаккури ва дунёқарашини мақсадли ривожлантириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

маънавиятнинг педагогик хусусиятлари таҳлил қилинди ва шахс маънавиятини шакллантириш педагогик муаммо эканлиги ижтимоий-назарий жиҳатдан асосланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш тизими такомиллаштирилган ва таълим тизимига жорий этилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш методлари ва педагогик шарт-шароитлари белгиланган ҳамда амалиётга жорий этилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг медиатаълим технологиялари ёрдамида ўрганишга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражаси аниқланган ва ундан фойдаланишга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, психологик, методологик, методик ва педагогик ёндашувларга ҳамда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга оид республикамиз ва хорижий олимлар, шунингдек, респондентлар ишини ташкиллаштирувчи мураббийлар фаолиятини ташкил этишга доир тажрибаларга асосланилганлиги; тадқиқот вазифаларига мос

келувчи, бир-бирини мантиқан тўлдирувчи методлар қўлланганлиги; замонавий ёндашувлар асосида ижтимоий фаоллик кўникмасини шакллантириш имкониятларига эгалиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, сон ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш орқали уларнинг касбий-педагогик фаолиятга замонавий ёндашувлар орқали йўналтирилганлиги; бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; маънавий тарбиянинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари қамраб олинган технология ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, фан дастурларини ишлаб чиқишда таълимий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашга доир компетенцияларнинг аниқлаштирилганлиги; дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда таълимий-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда замонавий ёндашувларнинг самарали механизмлари такомиллаштирилганлиги; бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг электрон қўлланма яратилганлиги ҳамда бошланғич синфларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича илмий натижалар:

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш самарадорлиги миллий қадриятлар, интегратив педагогик қарашлар,

шахснинг руҳий ва ақлий оламини таркиб топтириш ҳамда соғлом дунёқараш ва ижтимоий бунёдкорликка сафарбар этиш динамиклигига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган А-1-123 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш» номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги 89-03-2212-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлиги ривожланиши аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш жараёни оммавий коммуникация, ахборот воситалари ва мабуот материаллари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ижтимоий аҳамиятли ахборатларни репродуктив ўзлаштириш, компьютер тринажёрлари ва универсал дидактик қурилмалардан фойдаланиш кўникмаларини рационал мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар «Умумий педагогика» дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-115 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш имкони кенгайтирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот компетентлигини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришга оид таклиф ва хулосалардан «Педагогик компетентлик» номли дарсликни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи, 237-205 рақамли гувоҳнома). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик компетентлигини, маънавий-ахлоқий салоҳиятини шакллантиришга, ахборот компетентлигининг ўсишга, маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, учрашувлар ва баҳс-мунозаралар уюштириш,

танловлар ва тарбиявий тадбирлар, тренинглар ўтказишда медиа таълим технологияларидан фойдаланиш мантиқий-тузилмавий модели амалиётга татбиқ этилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари медиатаълим технологияларнинг электрон дарсликлар, компакт дисклар, аудио-видио касеталардан ҳамда масофали ва компютерли ўқиш технологияларидан фойдаланиш босқичларини аниқлаш ҳамда таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тафаккури ва дунёқарашини мақсадли ривожлантириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар «Умумий педагогика» дарслиги мазмунига сингдирилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-115 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий шакллантириш самарадорлиги ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 2 та дарслик, 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

# I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1-§. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш педагогик муаммо сифатида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида барча соҳалар қаторида таълим тизимининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилган [4]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрлар тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январ №25-сонли «Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиштартиби тўғрисида»ги Низомида «Ўқувчи маънавиятини янги асосда шакллантириш, ўқувчиларни жисмоний, эстетик, ахлоқий, руҳий жиҳатдан ривожлантириш» вазифаси ҳам қўйилган [8]. Шу жиҳатдан миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизни ўрганиш ва уни асраш, ёш авлод онгига маънавият тушунчаларини сингдириш, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини жамият эҳтиёжи даражасида шакллантириш масаласидолзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз таълим-тарбия тизимида мустақиллик йилларида ёш авлодни ақлий, ахлоқий, ғоявий ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишни мужассам этувчи маънавият қайта тикланди. Бунда айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган ПҚ-5040 сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг ўрни беқиёсдир. Чунки бу таълим жараёнида боланинг илк ижтимоий тарбияси амалга

оширилади ва дастлабки маънавият тушунчалари шакллана бошлайди [3]. Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг бешинчи бўлимида таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим ва тарбия жараёнини кучайтириш, бу борадаги ишларни фаоллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш вазифаси белгилаб берилган [4]. Шу маънода бошланғич синф ўқувчиларини маънавий тарбиялашга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб турибди. Чунки маънавий тарбия ўқувчиларни жамият талабларига мос равишда вояга етказиш омили ҳисобланади.

Маънавий тарбия шахсни миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар асосида тарбиялаш, уни жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт ва фаолиятга тайёрлаш жараёнидир. Унга кўра, шахснинг қалбига, онгига соғлом эзгу ғоялар сингдирилади, унинг виждон, ирода ва эътиқод кўникмалари шакллантирилади.

Маънавият сўзи – арабча «маънолар мажмуи» - кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуини англатади. Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихида ҳаётий тажриба тўплаб, табиат билан ҳамкорлик қилиб, жисмлар, уларнинг олдидаги ҳоссалари, ҳаёт, ўлим, ўзининг Ватан, миллат, қариндош-уруғлари олдидаги бурчлари ва бошқалар туғрисида тасаввур, билим, тушунчаларни тўплаб, ёш авлодга ўргатиб келган.

Ўзбек ҳалқи ҳам барча миллатлар орасида ўзига хос ва мос билимлар бойлиги, маънолар мажмуини тўплаб, асраб, йиллар давомида миллий маънавият билан узвий ривожлантириб келмоқда. Бироқ 130 йилдан ортиқ давом этган тутқунлик миллий маънавиятимиз асоси ва унинг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Шу вақт мобайнида табиий, миллий, маънавий ривожланиш синфийлик натижасида эди. Миллатни ўз аждодларидан маънавий узоқлаштириш сиёсати амалга оширилди. Шу сабабли мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб миллий маънавиятни –

тиклаш, тўлдириш ва бойитиш давлат сиёсатига айланди. Чунки, ҳар бир миллатнинг ўз маънавиятини аниқлаши, билиши ва ўз ақл-фаросатининг, онгининг таркибий қисмига айлантириш миллатни мустаҳкамлайди, унинг ўзига бўлган эътиқод ва қадр ҳиссини бойитади. Бу эса ибтидод давридаги ҳукмрон мафкурага зид эди. Ана шу сабабли «маънавият» сўзини тилимиздан сиқиб чиқаришга интилишган эди.

Умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий ишларнинг амалий-педагогик мақсади – бу мактаб ёшидаги болаларда маънавий тарбия ва маданиятни шакллантиришдир. Маънавий-маърифий ишлар натижаси боланинг маънавий тарбияси ва унинг таркибий қисмларига педагогик таъсирининг самарали етиб боришига боғлиқ. Ушбу педагогик шарт-шароитни таъминлаш мақсадида муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда биз педагог олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган ўқувчилар маънавий тарбиясини шакллантиришнинг янги методологик ёндашувидан келиб чиқдик. Унга кўра, шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиш, маънавий фаолият ва маънавий қадрият каби асосий таркибий қисмлар тизимидан иборат.

Яъни, шахснинг маънавий эҳтиёжи маънавий қизиқишни вужудга келтиради, у шахс фаолияти жараёнида намоён бўлади ва натижада маънавий қадрият юзага келади. Маънавий қадрият ўз навбатида юқори маънавий эҳтиёжнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Маънавий ривожланишнинг бу айланиш даври узлуксиз давом этади.

Педагогикамизда маънавий-маърифий ишлар, авваламбор, ҳалқимизнинг маънавий-маърифий меросини ифодалайди. Чунки бу мерос миллий мафкуранинг ҳам, маданиятнинг ҳам, умуман бутун маънавиятимизнинг мустаҳкам манбаидир. Давр синовига бардош бера олмаган, вақтинчалик қимматга эга бўлган ҳодисалар ҳеч қачон меросга айланмайди. Вақт ўтиши билан изсиз йўқолиб кетади, қадриятлар эса муайян халқнинг асл белгиларини ўзида акс эттиради. Демак, маънавий-маърифий ишларни муваффақиятли ташкил этиш учун шахс ижтимоий фаоллигининг

ижтимоий-психологик механизмларини, шунингдек, жамоавий фаолиятни изчил фаоллаштириш шароитларини билишга таяниш зарур экан.

Демак, бошланғич синфларда маънавият – бу болаларнинг эстетик туйғусини ўстириш, маънавий оламини бойитиш демакдир. Маънавият орқали бола ўз онги ва бадиий туйғусини бойитиб борар экан худди ўзига эстетик қадриятларни мужассам қилган, уларни ўзининг касб фаолиятига татбиқ этишни мақсад қилиб қўяди. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш билан қуйидагиларга эришиш мумкин:

- ўқувчиларга маънавият ҳақида тушунча бериш;

- ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиш ва тушунчаларини ўстириш;

- ўқувчиларни турли хил тадбирлар асосида маънавиятини шакллантириб боришга ўргатиш;

- ўқувчиларни мустақил меҳнат қилишга кўниктириш [53].

Ўзбекистон Республикасининг«Таълим тўғрисида»ги Қонунида бошланғич таълимнинг асосий вазифасиси сифатида ўқувчиларда «саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантириш» белгилаб қўйилган [9]. Шу маънода бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини бойитиш асослари бўйича муайян даражада саводхонлигини ошириш, билимлар бериш ва меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бунинг бир нечта сабаблари бор: *биринчидан*, мамлакатимизда маънавий тарбия ишларини бунёдкорлик ва фаровонликга ўргатиш билан боғлаб олиб бориш орқали ўқувчиларда ўз меҳнатлари орқали бунёдкорликга ўргатиш жуда муҳим.Ўқувчиларни ёшликдан бошлаб фақат истеъмолчи эмас, айни пайтда, яратувчанликга ўргатиш керак; *иккинчидан*, бошланғич синф ўқувчиларида муайян даражада истеъдод, қобилият ва лаёқат ривожланган бўлади, таълим жараёнида эса уларни ривожлантириш лозим; *учинчидан*, бошланғич синф ўқувчилари бугунги кунда мобиль алоқа воситаси, компьютер ва бошқа техник жиҳозлар билан эркин мулоқатга

киришаётгани сир эмас, бу уларда дизайнерлик маҳоратини шакллантириш имконини беради [52; 114-116 б.].

Маънавий тарбия ижтимоий-тарихий, қонуний ва объектив жараён сифатида бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялашда муҳим асос ҳисобланади. Зеро, бошланғич синф ўқувчиларини маънавий тарбиялаш, биринчидан, ижтимоий-педагогик зарурият ҳисобланади; иккинчидан, бошланғич синф ўқувчиларини вояга етказиш маънавий тарбияга асосланади; учинчидан, бу муаммо жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида асосий вазифалардан ҳисобланади.

Маънавий тарбия-шахсни миллий қадриятлар, урф одат ва анъаналар асосида тарбиялаш, уни жамият эҳтиёжларига мос равишда ҳаёт ва фаолиятга тайёрлаш жараёнидир [123; 22-б.]. Президентимиз Ш.Мирзиёев таълим-тарбия тизимида маънавий тарбия тушунчасини асослаб берган.Унга кўра, маънавий тарбия «шахснинг қалбига, онгига соғлом эзгу ғоялар сингдирилади, унинг виждон, ирода ва эътиқод кўникмалари шакллантирилади» деб таъкидлаб ўтган [3]. Чунки ҳозирги глабаллашув жараёнида ва технологик ривожланиш шароитида шахс қалбида ноинсоний туйғуларни уйғотиш, онгига эса вайронкор, ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш сусайганича йўқ [148; 36-б.]. Бундай кучларнинг мақсади шахснинг виждонийлик кўникмасини нотўғри шакллантириш, иродасини мўрт ва эътиқодини носоғлом қилишдан иборатлиги сир эмас. Шу маънода маънавий тарбия шахснинг Виждон, Ирода, Эътиқод каби кўникмаларини миллий умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида таркиб топтиради. Маънавий тарбия йўналиши қуйидагича мақсад-муддаоларни рўёбга чиқаради:

1) жамиятда ўзига хос маънавий муҳитни сақлаш ва ривожлантириб бориш;

2) шахснинг ҳаётда ўз ўрнини топишини амалга ошириш;

3) мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш;

4) жамиятнинг потенциал кучларини рўёбга чиқариш;

5) фуқоролик жамиятининг назарий-методологик асослари билан шахсни қуроллантириш.

Маънавий тарбия бу олижаноб мақсад-муддаоларни бажарар экан, унинг маъно-мазмуни ҳам ўзига хос ҳисобланади. Чунки «Бугунги кунда сохта ғояни, нотўғри фикрни тайзиқ билан ёки маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди» [3]. Шу сабабли маънавий тарбия эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, мустақил фикрлаш ва маънавий ахлоқий фаол бўлиш кўникмаларини шахсда шакллантиришни назарда тутади.

Республикамиз таълим-тарбия жараёнида маънавий тарбиянинг кўлами кенг, айни пайтда, унинг асосий вазифаларини қуйидагилар ташкил қилади:

-маънавий тарбиянинг асосий функциялари;

- шахсни ахлоқий жиҳатдан етук вояга етказиш;

- шахсда жаҳолатга қарши маърифат кўникмасини шакллантириш;

- шахсда мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш;

- маънавий етук шахс кабилар.

Эътибор берилса, маънавий тарбиянинг шахсни шакллантиришдаги ўрни ўта муҳим ҳисобланади. Шу сабабли республикамиз таълим тизимида маънавий тарбияни амалга оширишга доир бир қатор ташкилий ва назарий-методологик ишлар амалга оширилди. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир: биринчидан, таълим-тарбия жараёнига мутлақо янги типдаги «Тарбия», «Табиий фан», «Технология» каби фанлар киритилди; иккинчидан, 2017 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республиккаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари учун филология фанлари ва аниқ фанлар бўйича машқ дафтарларини, янги дарсликлар нашр этиш ҳамда етказиб бериш, мультимедиали диск иловаси билан таъминлаш эса ўқитувчиларни ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби асосида амалга оширилди; учинчидан,таълим муассасаси раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари лавозими,

«Маънавият соати», «Маънавият ўқувлари», «Маънавият куни» тадбирлари ва маънавий тарғибот ишлари йўлга қўйилди; тўртинчидан, шахсни мунтазам равишда тарбиялаб бориш ишлари жамият миқёсида жорий этилди.

Маънавий тарбия жамиятимизда ўзига хос портлаш эффектини берди. Бунинг маъноси шуки, жамият бутунлай *янгича* онг, фикр ва ахлоққа эга шахсларга эга бўлди.Маънавий тарбия шахснинг жинси, дини, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мақеи ва турар жойи қандай бўлишидан қатъий назар амалга оширилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040 сонли «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида маънавий тарбия масаласига доир қуйидагича вазифалар қўйилган:

1) инсонни ҳар томонлама уйғун камол топтириш;

2) шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш;

3) эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш;

4) инсонни интелектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва ҳоказо [3].

Бунинг натижасида шахс маънавий-ахлоқий жиҳатдан кутилган даражада шакллантирилади.Бизнинг ёндашувимизга кўра, маънавий тарбия таълим турларига мос равишда тизимли ва узлуксиз амалга оширилиши билан аҳамият касб этади. Эътибор беринг:

а) умумий ўрта таълимда*:* шахс онги ва маънавиятини шакллантириш, унинг кўникмаларини таркиб топтириш ва лаёқатига мос касб-ҳунарга йўналтириш;

б)умумий ўрта таълимда*:* шахснинг онги, дунёқараши ва маънавий фазилатларини ривожлантириш, такомиллаштириш,касбга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш;

в) олий таълимда: шахснинг онги, дунёқараши ва маънавий фазилатларини бойитиш, корекциялаш, кўникмаларини малакага айлантириш ва фаолиятга йўллаш [24; 52-б.].

Шундай қилиб, Республикамиз таълим-тарбия тизимида маънавий тарбия шахсни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Бунда маънавий тарбия тушунчаси қуйидагичаакс эттирилган (1.1-расм).




**1.1-расм. Маънавий тарбиянинг асоси**

Шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом шакллантириш маънавиятлиликни, таълим-тарбия жараёнида аждодларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ва фаолиятига асосланиш ижтимоий етукликни, халқнинг миллий қадриятларига таяниш эса таълим-тарбиянинг самарадорлигини келтириб чиқаради. Шу сабабли таълим- тарбия миллий-маънавий негизларга эга бўлиши керак.

Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари *маънавий меъросда* мужассам бўлади. Маънавий мероснинг асосий турлари қуйидагиларни ташкил қилади (1.2-расм).

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепциясида мутафаккирларимизнинг қарашларидан таълим-тарбия жараёнида оқилона фойдаланишга даъват қилинган. Чунки бу мерос таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан

биридир. Жумладан, Абу Наср Фаробий (870-950) «Фозил одамлар шаҳри» асарида шахсни «фазилатли инсон сифатида вояга етказиш» масаласини илгари сурадиr. [49; 160-б.]. Унинг фикрича, бундай фазилатларнинг асосийлари адолатлилик, билимдонлик, хушмуомалалик, фаоллик, ўзгаларга ибратлилик.




**1.2-расм. Маънавий мерос турлари**

Форобий таълимотига кўра, бу фазилатлар шахсда мажбурлаш ва жазолаш методига асосан шакллантирилади. Унга кўра, ижобий фазилатли шахс эришган ютуқлари ва ижобий фаолияти учун рағбатлантирилади, эзгу ва инсоний фазилатли бўлишга мажбурланади. Аксинча, ёмон хулқи ва фаолияти учун шахс жазога муқаррар. Мутафаккирнинг бундай ёндашуви асрлар давомида эътиборни тортиб келмоқда. Ўзбек олимлари М.Хайруллаев, Н.Комиловларнинг тадқиқот ишларида Фаробийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари таҳлил қилиб берилган [94; 32-б.].

Абу Али ибн Сино (980-1038) «Донишнома» асарида фарзанд тарбияси учун зарур булган асосий тарбия йўналишларини асослаб берган. Булар, жисмоний тарбия, ақлий тарбия, ахлоқий тарбия ва нафосат тарбиясидир. Бундай тарбияни амалга оширишда устозлар ва ота-оналар биргаликда иштирок этади [48; 110-б.]. Ибн Синонинг бу ёндошуви Осиё давлатлари таълим тизимида қабул қилинганлигиниҳам таъкидлаш жойиз.

Тадқиқотчилар А.Ирисов, С. Раҳимовларнинг тадқиқотларида Ибн Синонинг таълим-тарбия асосларига доир қарашлари тадқиқ этилган бўлиб, бугунги кунда таълим-тарбия жараёнимизда ҳам Ибн Сино тавсиялари тўлиқ татбиқ этилган [74; 32-б.].

Аҳмад Яссавий (1103-167) ўзининг педагогик қарашларида шахс эътиқодини соғлом, тўғри ва оқилона шакллантириш масаласини таҳлил қилган [178]. Унинг фикрича, соғлом эътиқод негизлари худога ишониш, билимли бўлиш, ахлоқли бўлиш ва ночорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдир.

Худога ишонишда мутаассиб (фанат) бўлмаслик, билим олишда диний ва дунёвий билимларни уйғун эгаллаш, юксак даражада ахлоқли бўлиш, ночорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш эътиқотлиликнинг мезонидир дейди мутафаккир.

Кофир бўлса, берма озор
Дилозордин Худо безор

Демак, нотўғри эътиқодга эга одам ҳам ҳақорат қилинмаслги лозим. Яссавийнинг фикрича, энг эътиқодли ва ахлоқли одам тупроқдек ҳокисор (беозор) бўлади:

Туфроқ бўлғил, онам сени босиб ўтсин

Чунки, ислом дини ақидасига кўра, Одам Атонинг вужуди тупроқдан олинган [178]. Бугунги илм-фанда инсон вужудида тупроққа оид барча унсурларнинг мавжудлиги исботланган. Шу маънода Ясавийнинг маънавий мероси шахснинг соғломэътиқоди ва ахлоқий фазилатларнинг шакллантиришда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Мутафаккир Алишер Навоий (1441 - 1501) «Ҳамса» асарида Фарход, Ширин, Мажнун, Лайли, Бахром ва Дилором каби Комил инсонлар тимсолларини яратган. Мутафаккирнинг фикрича, Комил инсоннинг асосий сифатлари билимлилик, меҳнатсеварлик, масъулиятлилик ва фаолликдан иборат. Билим шахсни мақсад-муддаосига етказади, меҳнат бахтли қилади, маъсулият шарафлайди ва фаоллик машҳур қилади.

Алишер Навоийнинг фикрича, Комил инсон бўлиш учун нафсни енгиш керак, нафсни енгиш ва маънавий бой бўлишнинг йўли қаноатли бўлишдадир:

Кимки иши бўлди қаноат фани,
Билки, они қилди қаноат ғани.

Комил инсоннинг идеали халқ хизматини адо этишдир:

Одами эрсанг, демагил одами -
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами [114].

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепсиясида Комил инсон ғояси жамиятнинг асосий ғояларидан бири сифатида қабул қилинганини эслатиб ўтиш жоиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) «Бобурнома» асарида шахсни мард ва жасур киши сифатида вояга етказишни таълим-тарбиянинг асосий вазифаси сифатида кўрсатади. Унинг фикрича, мардлик ва жасурлик негизлари оилапарварлик, ватанпарварлик, болапарварлик, кўтаринки руҳликдан иборат.

Бобур мана шундай мезонларга жавоб берадиган шахсни одамий (етук инсон) деб атайди. Аждодлари Темурий мирзоларга ана шундай мезонлар асосида баҳо беради ва Ватанни бор-будича тасвирлайди. Жумладан, отаси Умаршайх Мирзони шундай тасвирлайди: «Паст бўйлуқ, тегирма (сийрак) сақоллик, кўбаси (нака) қизил юзлик, мард ва адолатлиқ киши эрди» [80; 610-б.]. Ёки Фарғона вилояти тўғрисида шундай дейди: «Бешинчи иқлимдандур, Маъмуранинг канорасида (аҳолисининг кўплиги) билан воқеъ бўлибдур...Мухтасар вилоятдур, отлиғ ва меваси фаровон». Қобул шаҳрида ҳолик бўлиб турган ўғли Хумоюн Мирзога ёзган мактубида: «Ҳамеша кечиримли бўл, чиройли ва равон ёз, хатингни ўқиган киши қийналмасин ва осон тушунсин…» дейди [80].

Жадид маърифатпарвар педагоги Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) мақолаларида Замона кишисини вояга етказиш масаласини кун тартибига қўяди. Унинг замона кишисини вояга етказиш асослари сифатида илмли

бўлиш, тил ўрганиш, дунё цивилизациясидан хабардор бўлиш ва касб-ҳунарга ўргатишларни белгилайди.

Беҳбудийнинг фикрича, шахсга диний ва дунёвий илм берилиши керак, унга тўрттагача тил ўргатиш лозим, шунингдек, шахс ривожланиш ютуқларидан хабардор бўлган ва уни керакли касб-ҳунарга ўргатиши шарт [109; 134-б.].

Биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитрат (1884-1938) «Раҳбари нажот» асарида ижтимоий фаол шахсни вояга етказиш масаласини олға суради. Унинг фикрича, қуйидагилар ижтимоий фаоллик асослари тафаккур, эътиқод, фаолият ва ташаббус.

Тафаккур билиш ва мустақил фикрлаш ҳосиласидир, эътиқод ишонч ва умиддан иборат, фаолият касб ёки ҳунар воситасида ҳалол яшаш, самарали меҳнат қилиш ташаббус эса янгича ғоя ҳамда ёндашувлар мажмуидир. Бундай сифатларга эга шахс ижтимоий фаол киши ҳисобланади [44; 256-б.]. Тадқиқотчилар Б.Қосимов, Ҳ.Баратбоевлар келтирган намуналардан маълум бўладики, ёзма маънавий меросимизда таълим-тарбиянинг асосий маънавий асослари тавсиф қилиб ўтилган. Бугунги кунда улардан оқилона фойдаланаётганлигини таъкидлаш жоиздир.

Мутафаккирларимизнинг шахс маънавий тарбиясини шакллантириш тўғрисидаги педагогик қарашларида шахсни маънавий тарбиялаш муҳим педагогик муаммоларданбири эканлигини кўрсатади. Негаки бу масала қуйидагиларга боғлиқ:

1) маънавият тушунчалари ва тамойиллари одамлар онгига сингдирилиши керак;

2) бу иш педагогик қонуниятлар, усуллар ва воситаларга асосан амалга оширилса, кутилган самарани беради;

3) таълим-тарбия жараёнида шахсни маънавиятли қилиб тарбиялаш, ривожлантириш ва вояга етказиш бирламчи ҳисобланади;

4) маънавий тарбия тушунтириш, кўниктириш, одатлантириш ва рағбатлантириш каби асосларга таянади.

Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан шахсни маънавий тарбиялашда қуйидагиларни асосий мақсад сифатида белгилаш мумкин:

1) маънавиятнинг инсонпарвар ва демократик харектерда бўлиши;

2) маънавият таълим ва тарбия беришга асосланиши;

3) маънавият ишининг узлуксиз ва изчил амалга оширилиши;

4) маънавий тарбияни ривожлантиришда билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш [9].

Шахсни маънавий тарбиялашнинг педагогик муаммо эканлиги яна шу билан асослики, бу масалада педагог-тарғиботчи кадрлар ҳам етишмайди. Бу ишга киришиш, уни методологик асосларини ишлаб чиқиш вақти келди, деган фикрдамиз. Бунинг учун илмий, назарий, педагогик ва технологик имкониятлар етарли.

Маънавий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг мезони, аввало, уларнинг эл-юрт турмушига ўтказадиган хаётбахш таъсири билан белгиланади. Ёшларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашмасликларини таъминлаш, уларни шиддаткор замоннинг бўрону тўфонларидан ҳимоя қилиш лозим. Айниқса, диний ақидапарастлик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

## 1.2-§. Медиатаълим тахнологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари

Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнида ўқув машғулотлари давомида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқаришга алоқадор бўлган умумий ўрта таълим мактаблари ходимларига маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг педагогик-психологик хусусиятларини тушунтириш вазифаси қўйилган. Мазкур вазифа кўламига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-майдаги ПҚ-4307 сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва

2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ёшларнинг аҳлоқий фазилатлари ва онгини маънавий тушунчалар асосида шакллантириш вазифаси қўйилди. Бунда ахлоқий фазилатлар негизини инсонпарварлик, ватанпарварлик ва халқпарварлик ташкил қилишини ҳамда ўқувчилар онгида идеал ғоялар, қарашлар ва мақсад-муддаолар тизимли бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шахс айнан инсон, Ватан ва халққа бўлган муносабати билан маънавий аҳамиятга эга бўлади [3; 5].

Бугунги кун талқинида маънавиятшахснинг ижтимоий онги, ахлоқий етуклиги ва фаолиятда масъулиятлилигини ифодалайди. Унга кўра, шахснинг қалби ва онгига соғлом ҳамда эзгу ғоялар сингдирилади, унинг виждон, ирода ва эътиқод кўникмалари шакллантирилади.

Республикамиз ҳозирги тараққиётининг янги босқичида шахс, жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутувчи маънавият асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бунда маънавият шахс тарбиясида, жамиятнинг ижтимоий муҳитида ва давлатнинг стратегик тараққиётида асосий ўрин тутади [16]. Жумладан призидентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040сонли«Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш, қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш,оммавий

ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш муҳим эканлиги таъкидлаган [6].

Маънавият (арабча «маънолар мажмуи») тушунчаси «инсоннинг руҳий ва ақлий олами,ахлоқий ҳолат ва ахлоқий хусусиятлари, ижтимоий ҳодиса ва инсоннинг ички оламига тааллуқли бўлган яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари ҳамда ҳис-туйғуларидир» [181]. Бу ёндашувларнинг барчаси маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятларини белгилаб олиш имконини беради. Унга кўра, маънавий тарбия шахс учун ахлоқлилик омили, унинг руҳий ва ақлий оламини шакллантиради, ижтимоий ҳодиса сифатида ахлоқини таркиб топтиради ҳамда ҳаётга йўналтиради [17] (1.3-расм).




**1.3-расм. Маънавий тарбиянинг педагогик мазмуни**

Ушбу расмда маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари концептига асосланамиз. Бизнинг ёндашувимизга кўра, маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятларида ахлоқ ва тарбия омили муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчилари маънавиятига турли воситалар орқали бўлаётган маънавий таҳдидлар мазмунини англаб олиш зарур.

«Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият, маърифат, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиши ҳамда камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият

фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди» [18; 27-28 б.]. Шу маънода маънавий тарбияга таҳдидларнинг шакллари ички, ташқи ва ботиний эканлигини таъкидлаш лозим.

Ички таҳдидлар бир жамият ичидаги носоғлом мухолифат ҳосиласи ҳисобланиб, унда ахлоқ, миллий менталитет ва қадриятларни инкор қилиш бош мақсад ҳисобланади.

Ташқи таҳдидлар зўровон кучлар томонидан ташкил қилиниб, у муайян жамият ҳаётини издан чиқаришга йўналтирилган бўлади.

Ботиний таҳдидлар инсон ва жамият тафаккурини заифлаштиришга қаратилган бўлиб, уни ички носоғлом мухолифат ва ташқи зўравон кучлар амалга оширади.

Бугунги кунда шахс маънавий тарбиясига бўлган ички, ташқи ва ботиний таҳдидлар қоришиқ ҳолда учраши кузатилмоқда. Шу сабабли америкалик социолог Карл Поллер ғаразгўй носоғлом мухолифат ва зўравон кучлар вакилларини «очиқ жамият душманлари» деб атайди. Шу маънода шахс маънавий тарбиясига таҳдидлар бозор иқтисодиёти ва демократикжамият шароитида авж олади. Бу ўринда маънавий тарбияга таҳдидларнинг икки муҳим хусусияти намаён бўлади:

1. Моддий манфаатдорлик;
2. Ҳуқуқни суистеъмол қилиш.

Моддий манфаатдорлик маънавий тарбияга таҳдидларнинг энг яшовчан кўринишидир. Чунки, моддий манфаатдорлик мавжуд булган жамиятда қонун-қонуниятлар бузилади. Инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, миллий манфаатлари поймол қилинади. Ҳуқуқни суистеъмол қилиш эса мавжуд имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишда намоён бўлади.

«Ҳозирги глобаллашув даврида инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг

маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлади [124; 268-б].

Бундай мураккаб вазиятда шундай босимга бардош бероладиган жамиятни шакллантиришда, турли маънавий бузғунчилик, вайронкорлик ҳаракатлари ва хуружларининг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ўниб-ўсиб келаётган ёшларимизда уларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, эзгу ғояларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим [14; 17; 18].

Маънавий тарбияга таҳдидлар маънавиятга зарарли бўлган учта восита орқали амалга оширилади:

1) ниқобланиш;
2) жозибали шиорлик;
3) ғоявий пардалик.

Бошланғич таълим тизимида «Тарбия» фанини ўқитишнинг йўлга қўйилиши, «Она тили ва ўқиш саводхонлиги», «Технология», «Табиий фан», фанларидаги мавзулар ёшларни бошланғич синфдан бошлаб турли маънавий таҳдидларга қарши ҳар томонлама кучли курашиш маънавий тарбиялаш мақсадининг тўла амалга ошишини таъминлайди.

Мазкур фанларни ўқитишдан мақсад бошланғич синф ўқувчиларига билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш билан биргаликда маънавий тарбияга доир тушунча ва амалий билимлардан хабардор қилиш, уларда мустақил дунёқараш, эркин фикр юритишни шакллантиришдан иборат. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларини халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари, миллий қадриятларнинг мазмуни билан қуроллантиришга, бугунги глобаллашув шароитида ёшларни ўзига тўғри йўл танлай олишга ўргатади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг фикри, атроф-оламга қарашлари ўзгариб бориб, камол топишига хизмат қилади.

Маънавий тарбия бошланғич синф ўқувчиларини мустақил дунёқарашга, соғлом фикрлашга ўргатади. Баркамол авлодга тўғри тарбия бериш учун маънавий тарбиянинг мазмуни, унинг педагогик хусусиятлари,

маънавий тарбияни шакллантириш шакллари, ўқувчилар тақдирига таъсири, маънавий тарбияни шакллантириш масалалари ўқувчилар онгига етказилади.

Шундай экан, маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари жамият тараққиётида ёш авлоднинг қандай тарбияланишига боғлиқ. Негаки, бугунги кунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, «соғлом фикрли, ахлоқий юксак ва ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш»бизнинг асосий мақсадимиз» бўлиб турибди [14]. Чунки маънавият қуйидаги хусусиятларга эга: 1) Маънавият халқимизнинг ўтмиши ва бугунги мавжуд ҳолатини боғлиқ ҳолда тушуниш; 2) Ёш авлодни юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун фидоий қилиб тарбиялаш; 3) шахсни ижтимоий ҳаёт ва фаолиятга тайёрлаш.

Мазкур хусусиятлар маънавий тарбиянинг характерини ифодалайди ва бошланғич синф ўқувчилари маънавиятини шакллантиришнинг ўзига хос мазмунга эгалигини белгилайди. Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбияни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари билим бериш, йўналтириш, тарбиялаш, шакллантириш ва тайёрлаш характерида бўлиши лозим (1.4-расм).




**1.4-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари**

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг бундай мазмунга эга бўлиши бир неча омиллардан келиб чиқади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич синф ўқувчиларининг онги шаклланиш босқичида бўлади;

- уларнинг онги ҳар қандай ахборотларни тўғридан-тўғри ва тез қабул қилиш хусусияти билан ажралиб туради;

- ўқувчилар онги ахборотни қандай қабул қилишга одатланса, у кейинчалик шунга кўникиб қолади.

Шу маънода маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари ўқувчиларнинг онги, дунёқараши ва аҳлоқини маънавият асосий тушунчалари асосида шакллантиришни ташкил қилади. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиниши керак:

1) ўқувчиларнинг руҳий, маънавий, ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларининг ҳисобга олиниши;

2) маънавий тарбияга оид тушунчаларни идрок қилиниши;

3) таълим-тарбия ишларининг мақсадли ҳамда оқилона ташкил этилиши;

4) таълим жараёнида маънавий тарбиянинг самарадорлигига эътибор бериш.

Маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятларини белгилашда бир неча методологик асосларга таяниш керак. Ана шундай асослардан бири маънавий тарбияга оид *педагогик қарашлардир* [153; 154; 167].

Шарқ ва Ғарб педагогик қарашларида маънавий тарбия тушунчаси турли атамалар билан ифодалансада, лекин унинг функциялари сифатида қуйидагилар белгилаб кўрсатилади:

- шахс онгини шакллантириш;

- шахс ахлоқини таркиб топтириш;

- шахсни фаолиятга тайёрлаш.

Бу уч масала инсон фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, *шахс онгини шакллантириш* ақл туйғусини ўстириш, билим бериш ва ғоявий мослаштириш каби асосларга таянади.

Ақл туйғусини шакллантириш воситалари кўп, лекин бугунги кунда унинг уч тури амалда: 1) таълим бериш; 2) йўналтириш; 3) коррекциялаш. Бу таянчлар инсон ақлини ривожлантиришда амалий аҳамият касб этади. Шахсга билим бериш ҳам уч асосга эга: 1) янги маълумотлар бериш; 2) билмаганларини ўргатиш; 3) ўрганганларидан фойдаланишкўникмасини таркиб топтириш.

Бугунги кунда илмий асосларга эга билимларни бериш оммавий тус олган. Айни пайтда, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик ҳаракатлардан сўнг Жаҳон Таълим Ташкилоти шахсга «соғлом ғояларга асосланган диний билимларни бериш зарурияти» тўғрисида тавсияни ишлаб чиқди.. Шу маънода шахс маънавий тарбиясини шакллантиришда илмий-назарий ва диний-маърифий билимлар уйғун бўлиши керак. Шахс ўз даври, жамият талаблари ва ижтимоий эҳтиёжларига мослаштирилиши керак. Акс ҳолда, шахс ўз жамиятидан бегоналашиб, нафақат миллати ёки халқи, балки умуминсониятга даҳл қилувчи мавжудодга айланади. Бунинг ёрқин мисолини ИШИД халқаро экстремистик ташкилоти аъзолари мисолида кўриб турибмиз [77].

Шахс ахлоқини шакллантириш маънавий тарбиянинг муҳим педагогик хусусиятларидан биридир. У ҳам уч асосга эга. Яъни: а) ахлоқий онг; б) ахлоқий фазилатлар; в) ахлоқий муносабат [108].

Шахс ахлоқий онги йўналтириш, бойитиш ва такомиллаштириш асосида шакллантирилади. Шу сабабли шахс ахлоқий онгини шакллантириш тизимли равишда босқичли амалга оширилади. Бунда, йўналтиришда шахс онги эзгу ғояларга асосланиши, бойитишда идеал мақсадларни таркиб топтириши ва такомиллаштиришда эса ўзлаштирилганларга амал қилишга одатлантиришга асосланилади. Шахс ахлоқий муносабатларини таркиб топтириш деганда ўзини анлаш, ўзгалар билан мулоқот ва жамиятга

муносабатлар тушунилади [169]. Бунда ахлоқ меъёрлари устувор бўлиши керак.

Маънавий тарбиянинг муҳим педагогик хусусиятларидан яна бири шахсни фаолиятга тайёрлашдир. Бунда қуйидаги асосларга таянилади:

а) ҳаётга йўналтириш;

б) касб ўргатиш;

в) ижтимоийлаштириш.

Шахсни ҳаётга йўналтиришда уч муҳим вазифа амалга оширилади: 1) жисмоний ўстириш; 2) кўниктириш; 3) одатлантириш. Бу масалалар жамиятнинг, жумладан, таълим-тарбия тизимининг муҳим вазифаларидандир. Шу билан бирга касбга ўргатиш ҳам молиявий манба билан қуроллантириш, фаровон яшашга ўргатиш ва мустақил фаолиятга тайёрлаш каби муҳим омилларга таянади. Шахсни фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоийлаштириш негизи қуйидагиларга асосланади: 1) жамоавий онглиликка ўргатиш; 2) ижтимоий меъёрларга кўниктириш; 3) ижтимоий йўналтириш.

Эътибор берилса, маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари ўзига хос методологик омилларга таянади. Бунда Шарқ ва Ғарб педагогик қарашларини уйғун қабул қилиш керак бўлади [187].

Илмий адабиётларда маънавий тарбиянинг асосий компонентлари таъкидлаб ўтилган.Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев фикрларида ҳам маънавий тарбиянинг«фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий ва диний»каби жиҳатлари кўрсатилган [17]. Бу компонентлар албатта, маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари негизларидан ҳисобланади. Айни пайтда, бу ўринда маънавиятнинг педагогик хусусиятларидаги бирламчи жиҳатларга эътиборни қаратамиз.

**1. Маънавий тарбия – ахлоқ ва тарбия омили.** Ахлоқ шахсда шакллантирилади ва бунда *тарбия* жараёнига асосланилади [2; 11]. Инсоннинг маънавий олами ва вужуди ривожланиш характерида яратилган. Унинг маънавий олами айниқса, ахлоқ ва тарбия воситасида ўстирилади.

Бунда маънавий тарбия асосий омил сифатида роль ўйнайди, чунки маънавият фақат инсонга хос бўлган ҳодисадир. Алишер Навоий (1441-1501) «Ҳайрот ул-аброр» достонида дейди:

Файз ҳаримида тажаллий анга,
Ким ёрубон машъали маъни анга [116].

Маъноси: «Инсон – муқаддас Файзлар маконининг зуҳур (намоён) бўладиган мавжудотки, у мана шу Файзлар маконидан келадиган нурлар туфайли ёриб маънили жанзотга айланади».

Эътибор берилса, Алишер Навоий инсон фақат маънавий тарбия («маъни») туфайли бошқа жонзотлардан ажралиб туриши ва маънавият фақат унга хослигини асослаб кўрсатган. Шу сабабли маънавий тарбия шахс ахлоқи ва тарбияси учун негиз ҳисобланади [38; 83-б.].

Мутафаккир педагогларимиздан Юсуф Хос Ҳожиб (1019-1088) «Қутадғу билиг» асарида маънавият тушунчасини ўзбекча «билиг» тушунчаси билан ифодалайди. Унга кўра, *билиг–*бу билим ва одоб мажмуасидир [89]. Инсон ёшлигиданбилим ва одоб ўрганиши керак, бу ишда унга махсус Бегатка (Устоз) ёрдам беради. Мутафаккир ҳатто дейдики: «Ўғил-қиз билим ва одоб ўрганмаса, жазоланиши керак». Албатта, бу ўринда педагогик жазо назарда тутилган ва мутафаккир уни қатъий равишда таъкидлаб ўтади [51; 89]. Шу жиҳатдан мумтоз педагогик меросимизда маънавий тарбия – ахлоқ ва тарбия омили эканлиги таъкидлаб ўтилган.

**2. Маънавий тарбия – руҳий ва ақлий шакллантирувчи асос**. Инсон руҳ ва ақл унсурларига эга , унинг бу икки туйғуси ривожлантирилиши керак. Шаркда мана шундай ёндашув устувор бўлган, лекин собиқ Шўро даврида фақат ақл ва уни ривожлантиришга устувор даражада аҳамият берилди. Мустақиллик йилларида яна шахснинг руҳий ва ақлий жиҳатларини ривожлантиришга эътибор берилиб келинмоқда. Бу маънавият ҳодисасига асосланган бўлиб, унга кўра, руҳий ва ақлий шаклланиш иррационал ҳамда рационал имкониятларга таяниши керак [95; 14-15 б.]. «Маънавий олам» тушунчаси шахснинг руҳий ва ақлийжиҳатларини ифодалайди. Шахснинг

руҳий имкониятлари мантиқ доирасидан ташқари тушунчаларни ҳам қабул қилади, ақлий имкониятлари эса фақат мантиқ доирасидаги кўникмаларни ифода этади. Маънавий тарбия руҳий ва ақлий туйғуларни ривожлантиришда иррационал ва рационал услублар уйғунлигига асосланади. Ақл мантиққа, руҳ эса тасаввурга таянади. Мисол учун, «Қуёш қиздиради» дейилса Ақл кўрсатиб бер дейди, Руҳ эса шундай бўлиши мумкин. Шу сабабли профессор Н.Комилов таъкидлашича, Шарқ ислом педагогикасида шахснинг руҳий ва ақлий камолоти уч босқичда амалга оширилган:*биринчи босқич*: илм ул – яқин, яъни билим бериш;*иккинчи босқич* – айн ул –яқин, яъни асослаб тушунтириш;*учинчи босқич* – ҳаққул ул – яқин, яъни тажриба ўргатиш

Бу босқичлар шундай мисол билан тушунтирилади: 1) «Ўқиб-ўрганиб билдимки, олов куйдирар экан»; 2) «Кўрдимки, олов куйдиради»; 3) «Тажрибадан билдимки, олов куйдиради» [95; 216-б.]. Демак, шахснинг руҳий ва ақлий элементлари билим, восита ва тажриба асосида шакллантирилади.

**3. Маънавий тарбия –ахлоқий вояга етказиш негизи**. Маънавий тарбиянинг педагогик хусусияти унинг шахсни ахлоқий вояга етказиш негизи эканлиги билан аҳамиятга эга. Айнан маънавий тарбия инсон онгида ахлоқий фазилатларни, дунёқарашида эса маънавий таомилларни ҳамда ҳатти-ҳаракатида ижтимоий муносабатларни таркиб топтиради. Ахлоқий фазилатлар, маънавий таомиллар ва ижтимоий муносабатлар шахсни маънавиятли вояга етказишнинг негизи ҳисобланади.

Маърифатпарвар педагог Абдулла Авлоний (1876-1930) «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида шундай дейди: «Бани одамда ахлоқ туғма бўлмайди, лекин унинг асоси бўлган туйғу инсон фитратида (табиатида) туғма мавжуд бўлади. Тарбия воситасида ана шу туйғулар ривожлантирилади шу тариқа ахлоқ юзага келади»**.** Педагогнинг фикрича, боланинг туғма ва соф туйғулари яхшиликка йўналтирилса яхши фазилатларни ўзлаштиради, аксинча, тарбия суст бўлса боланинг туйғулари ёмонлик хусусиятларини юқтиради ва унинг хулқ-атвори бузилади**.** Шу

маънода у тарбиячини заргар деб атайди.Унга кўра, заргар нодир металларга ишлаб бериб ноёб буюмлар яратганидек, тарбиячи ҳам боланинг туйғуларини яхши фазилат қилиб шакллантиради [51; 94-б.].

Мутафаккир Аҳмад Яссавий (1103-1166) эса «Девони ҳикмат» асарида шундай дейди:

Муҳаммадни билинг, зоти арабдур,
Тариқатнинг йўли кулли адабдур.

Бунинг маъноси: «Бизга тарбия йўлини олиб келган Муҳаммад (САВ) араблардан эди, унинг тарбия йўли ахлоқлар мажмуасидан иборат» [178]. Шу маънода маънавият ахлоқлар мажмуи сифатида намоён бўлади.

Зеро, маънавий тарбия шахсни ахлоқий вояга етказиш негизи сифатида педагогик аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор тарбиячининг тарбияси самарадорлигига қаратилади.

**4. Маънавий тарбия – ҳаётга йўналтириш тамали**.

Шахс маънавий тарбия тамаллари асосида ҳаётга йўналтирилади. Эзгулик, Адолат, Ҳақиқат ва Бахт каби тамаллар шахсни ҳаётга йўналтирувчи таянчдир. Бу билан шахс ҳаётга билим, кўникма ва малака жиҳатдан йўналтирилади.

Эзгулик – яхшилик бахш этувчи хайрли иш бўлиб шахс учун идеал мақсад-муддао сифатида қабул қилиниши керак. «Авесто»да сабоқ берилганидек, унинг асосини яхши ният, яхши фикр ва яхши амал ташкил этади [105]. Шахс ёшлигидан яхши ният қилишга кўниктирилиши керак, унинг фикрлаш малакаси шакллантирилади, у вояга еткач ана шу кўникма ҳамда малакага таяниб фаолият юритади. Бу қадим замонлардан келаётган халқ педагогикасининг ўзига хос йўриқномасига амал қилади.

Адолат– (арабча «адолат» одиллик, тўғрилик) ахлоқий фазилатва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири бўлиб, мавжуд ижтимоий воқелик инсон моҳиятига ва ҳуқуқларига мос ёки мос эмаслигини ажратишда мезон бўлиб хизмат қилади.

Адолат жамиятнинг шахсга, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муносабининг баҳолаш мезонидир. Адолат инсоннинг маънавий қадриятларининг олий кўриниши бўлиб, бахт, озодлик, тенглик, тинчлик тушунчалари каби, инсон эрки ва иродасини ўзида ифода этади. Бобораҳим Машраб (1640-1711) ўзининг ғазалларида адолат-иймон, виждон ва эътиқоддан иборат эканлигини таъкидлайди**.** Унинг фикрича, инсон иймон воситасида инсонлигини намоён қилади, ўзгаларга виждон билан муносабатда ва ҳаётда эътиқод билан яшайди. Буларнинг барчаси адолат мазмунини белгилайди [60].

Ҳақиқат– ростгўйилик, поклик ва диёнатлиликдан иборат. Абдурауф Фитрат (1884-1938) «Раҳбари нажот» асарида болани ҳақиқатгўй қилиб тарбиялаш уни ҳақгўйиликка ўргатиш ота-она, ўқитувчи ҳам жамоатчилик вазифаси деб белгилаб кўрсатади**.** Унинг фикрича, бунда тарбия жараёни ва ижтимоий муҳитнинг бир-бирига мос бўлиши муҳим ўрин тутади [44].

Ҳақиқат инсон онгида воқеликнинг тўғри, ҳаққоний акс этиши, муносабатлар ва воқеликларнинг қандай бўлса шундай тушуниши демакдир. Ҳақиқат маънавият энг кўп эътибор қаратиладиган тушунчалардан бўлиб, у инсон маънавий тарбиясини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Бахт – маънавият категорияси бўлиб, инсоннинг ўз турмушидан мамнунлик, қониқиш билан яшаш, мурод-мақсадига етганлик, ҳаётининг бекаму кўстлигива муайян маъно касб этганлигини билдиради [102; 82-б.]. Бунинг учун шахс билим, ахлоқ ва касб-ҳунар билан қуроллантирилиши керак. Буюк аждодларимиз ижодида ҳамбахт тушунчаси ўзига хос тарзда талқин этилган. Форобий инсоний фазилатларни тўрт турга: назарий, тафаккур, касб ва ҳунар фазилатларига бўлиб, инсон улар ёрдамида мавжуд оламни ўрганиш, касб-ҳунар, илмларни ўзлаштириш орқали бахтга эриша олишини таъкидлайди [49]. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Инсон – бугун бахтли яшаши керак» - деган ғояни илгари суради [15]. Бунинг маъноси шуки, кечаги кун ўтди, келажак эса мавҳум ва шу сабабли инсон ҳозирги кунда бахтли яшаши керак. Бунда у

олган билими, ўзлаштирган ахлоқи ва ўрганган касб-ҳунарига таянади. Шундай қилиб, бахт инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган, унинг фаолияти, турмуш-тарзи, шароитлари мажмуасидир.

Эътибор берилса, маънавий тарбия ана шундай тўрт идеал тамал асосида шахсни ҳаётга йўналтиради. Зеро, маънавий тарбия педагогик хусусиятларини яхлит тарзда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (1.5-расм).




**1.5-расм. Маънавий тарбиянинг компонентлари**

Хулоса қилиб айтганда, маънавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари шахс камолотига йўналтирилган ахлоқий, тарбиявий ва натижавий хусусиятларни қамраб олади.

## 1.3-§. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга қўйиладиган талаблар

Республикамизнинг мустақил тараққиёт йўлини таъминлаш интеллектуал салоҳиятли ва маънавий жиҳатдан етук мутахассис кадрларга боғлиқ. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган, маънавият тушунчаларини эгаллаган кадрлар тизимини яратиш асосий вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунининг 2-моддасида «таълим-тарбиянинг инсонпарвар ва демократик характерда бўлиши» белгилаб қўйилган [9]. Бу принциплар ўқувчи шахсининг маънавий тарбияси негизи эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда маънавий тарбиянинг нақадар долзарблиги биринчи президентимиз таъкидлаганидек «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно, албатта бахтли бўлиб яшашлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга асосланган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»лиги борасидаги теран қарашлар билан ҳам белгиланади.

Республикамиз таълим тизимида бошланғич таълим асосий таълим тури ҳисобланади ва айнан бу босқичда бошланғич синф ўқувчиларнинг қобилиятлари дастлабки тарзда намоён бўлади, уларнинг онги, дунёқараши ва ахлоқи шаклланишнинг кўникма даврини ўтайди. Шу сабабли мазкур тоифа ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга бир қанча талаблар қўйилади. Мазкур талаблар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- маънавиятга оид давлат сиёсати;
- таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:
- илмий-педагогик тадқиқотлар;
- педагогик мерос.

Бугунги кунда маънавиятга оид давлат сиёсатининг негизини шахсни инсонпарвар, ватанпарвар ва халқпарвар сифатида вояга етказиш ташкил этади [2]. Бу ғоят табиий ва айни пайтда, мураккаб масаладир. Чунки, ушбу тамойилларни шахс онгига изчил ва босқичма-босқич сингдирилиб бориш тақозо этилади.

Таълимга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибида Давлат таълим стандартлари муҳим ўрин тутади. Унга кўра бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда уларнинг ёш, жисмоний, руҳий ва ижтимоий хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

Илмий-педагогик *тадқиқотларда* бошланғич синф ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда замонавий педагогик, ахборот коммуникацион ва инновацион технологияларга асосланиш мезонлари асослаб берилган [6; 12; 57; 58; 59; 67; 68; 82; 87].

Педагогик меросимизда бола шахсини самарали шакллантириш ва бунда ўргатиш, тушунтириш, ўгит, намуна кўрсатиш каби услублар алоҳида таъкидлаб ўтилади [132]. Буларнинг барчаси бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга қўйиладиган талабларни белгилаб олиш имкониятини беради (1.6-расм).




**1.6-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга қўйиладиган талаблар**

Ахлоқий шакллантириш бошланғич синф ўқувчиларининг фазилатларини таркиб топтиришга, *ижтимоий ривожлантириш* дунёқарашини ўстиришга, *тарбиялаш* талаби эса болани ижтимоий ҳаётга мослаштиришга асосланиши керак. Айнан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда Ахлоқ, Дунёқараш ва Тарбия масаласи муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги замон илмий-педагогик тадқиқотларида шахсни вояга етказиш талаблари меьёридан ортиқ даражада қўйилаётганитанқид қилинмоқда ва бунда илмий-аналитик кузатишларга асосланилмоқда. Шу маънода ўқувчилар маънавий тарбиясини шакллантиришга қўйиладиган педагогик талаблар идеал даражада бўлиши табиий. Мисол учун, Алишер Навоий (1441-1501) Фарход ва Ширин достонида Фарходни комил инсон тимсоли сифатида тасвирлар экан, унинг бир ёшгача сут ва меҳр билан парвариш қилинганлигини такидлаб ўтгач, дейди:

Бу янглиғ чун бир ўлди ёши онинг,
Шараф дурриға етти боши онинг.
Чу уч ёшиға чекти даври афлок,
Такаллумқилди андоқким дури пок [114; 620-б.].

Демак, Алишер Навоийнинг педагогик қарашларига кўра, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши бир ёшдан бошланади. Бу «шараф дурри», яьни маьнавий оламини шакллантириш деб аталади. Таькидланганидек, шахс маьнавий оламини Руҳ ва Ақл ташкил қилади. Руҳни улғайтириш ва Ақлни ривожлантириш бугунги кунда«шахс маьнавий тарбиясини шакллантириш»дир. У ҳолда Шарқ педагогикаси тажрибасига кўра, шахснинг маьнавиятини шакллантириш бир ёшданбошланишини эътироф этишимиз керак бўлади. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчилари маьнавий тарбиясини шакллантиришга қўйиладиган талабларнинг юксак даражада бўлиши тақозо этилади.

Алишер Навоий шахс уч ёшидан бошлаб«даври афлок»,яьни ижтимоий ҳаётга қадам қўйишини таъкидлайди. Бу қадам (такаллум), яьни билим олиш билан бошланади. Билим Руҳ ва Ақлни шакллантириш омилидир. Умуман, Алишер Навоий Фарходнинг 12-13 ёшларгача қуйидаги илмларни тўлиқ эгаллаганини алоҳида ўқтиради: а) илми ҳайьат (астрономия): б) илми ҳикмат (фалсафа):в) илми дин (диншунослик).

Фарходнинг шиори бундай бўлган:

Ўқиб ўтмак, укуб ўтмак шиори,

Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори [114; 768-б.].

Эътибор берилса, Фарход кичик ёшидаёқ ўз даври учун муҳим бўлган фанлардан тўлиқ тушунчага эга бўлган. Бунда унинг маьнавий тарбияси ўқиш, уқиш ва хотира каби асосларга кўра шаклланган.

Шу маьнода бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг маьнавий тарбиясини шакллантиришга доир талабларда бошланғич синф фанларинингимкониятларидан оқилона фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўқиш кўникмаси, уқиш малакаси ва хотирасини шакллантиришга эьтибор бериш лозим [38; 83-85 б.].

Бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш борасидаги талабларида уч масала муҳим ўрин тутади:1) муҳит; 2) шароит; 3) восита.

Бошланғич синф ўқувчилари учун таълим жараёнида ўзига хос тарбиявий муҳит яратилган бўлиши керак. Бундай муҳит ўқитувчи, мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида билан биргаликда яратилади. Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбиясини шакллантириш билан шуғулланса, мактаб жамоаси ва ота-оналар унда бевосита иштирок этади [131; 18-б.].

Бошланғич синф ўқувчиларига тарбиявий муҳитни яратишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- синф хонасинингзамонавий ва қулай жиҳозланган бўлиши;

- синф жиҳозларининг тарбиявий аҳамиятга эгалиги;

- ўқувчилар билан имкон қадар индивидуал шуғулланиш;

- тарбия жараёнида мактаб жамоаси ва ота-оналар ёрдамидан оқилона фойдаланиш [33; 15-17 б.].

Буларга амал қилиш кутилган даражада тарбиявий муҳитни яратиш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда аниқ ва қулай шароит ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак:

-таълим муассасасининг мавжуд шарт-шароитларидан оқилона фойдаланиш;

-маънавий тарбия жараёнига мактаб жамоаси ва ота-оналарни кенг жалб қилиш;

-маънавий тарбия ишини мақсадли ва босқичли амалга ошириш.

Тарбия шароитини яратишда мактаб жамоаси кенг жалб қилиниши керак. Шунда маънавий тарбияда изчиллик ва узвийлик бўлади. Бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбиясини шакллантиришда қўлланиладиган воситалар ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай воситалар техник жиҳозлар, методлар ва технологиялардан иборат. Шу сабабли ўқитувчи қуйидагиларга амал қилиши керак:

-«ўқувчи маънавиятини шакллантириш дастури» га эга бўлиш;

-бола ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилиш;

-замонавий педагогик усуллар ва технологияларни қўллаш;

-маънавий тарбия воситасида шакллантириладиган маънавият даражасини мониторингини олиб бориш [156].

Буларга асосланиш бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг самарадорлигини таъминлайди. Бу ўринда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий билим даражасини ўрганиш учун биз томонимиздан тузилган «Ўқувчи маънавиятини шакллантириш дастури» намунавий лойиҳасига эътиборингизни қаратамиз (1-жадвал).

**1.1-жадвал.**

**Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш дастури**

| т/р | Тадбирлар номи | Ўтказиш шакли |
|---|---|---|
| 1. | Ўқувчи шахсини ўрганиш. | 1.Ўқувчи билан суҳбатлашиш;<br>2.Жисмоний имкониятларини ўрганиш;<br>3.Оилавий шароитини билиш; |

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Ўқувчинингмаънавий-руҳий даражасини аниқлаш. | 1.Ўқувчининг маънавий билим даражасини ўрганиш;<br>2.Қизиқишларини аниқлаш;<br>3.Ахлоқий сифат ва иллатларинибилиш. |
| 3. | Ўқувчини ақлий ва ахлоқийривожлантириш. | 1.Биргаликда дарс тайёрлаш;<br>2.Китоб ўқишга кўниктириш;<br>3.Ютуқларини рағбатлантириббориш. |
| 4. | Ўқувчи руҳиятини мустаҳкамлаш. | 1.Стрессларини йўқотиш;<br>2.Иродалиликка ўргатиш;<br>3.Ўзгаларга муносабатини шакллантириш. |
| 5. | Ўқувчини ижтимоий фаоллаштириш. | 1.Мулоқотга ўргатиш;<br>2.Ташаббускорликка кўниктириш;<br>3.Мустақил фаолиятга одатлантириш. |
| 6. | Самарани ўрганиш. | 1.Таҳлил қилиш асосида хулосагакелиш. |

Ушбу дастур асосида бошланғич синф ўқувчилар маънавиятини мақсадли шакллантириш имконияти мавжуд. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси қуйидагиларга амал қилиши керак:

- махсус кузатиш дафтари тутиш;

- ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш;

- тарбия ишларини ойлик, чораклик ва йиллик муддатларда амалга ошириш;

- тарбия ишида ота-оналар ва мактаб жамоаси билан ҳамкорлик қилиш [141; 142].

Шуни таъкидлаш керакки, бошланғич синф ўқувчилари маънавиятини шакллантиришда ўқитувчининг ҳуқуқи устувор бўлиши шарт. Чунки ота-оналар ва мактаб жамоаситурли тарбиявий усулларга эга, мақсаднинг турлича бўлишига ҳамда умумий ёндашувга салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Шу маънода ота-оналар ва мактаб жамоасининг бу борадаги фаолияти қуйидаги асосда бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- шароит яратиш;
- услубий ёрдам кўрсатиш;
- ташкилий кўмаклашиш жамоатчилик [142].

Бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда ўқитувчи томонидан юқоридаги белгиланган асосларга таянилса кутилган самарани беради [75; 137; 138]. Зеро, бошланғич синф ўқувчиларининг маьнавий тарбиясини шакллантиришга доир талаблар ДТС талабларидан келиб чиқиб белгиланади ва тажриба давомида такомиллаштирилиб борилади. Бундан асосий мақсад бошланғич синф ўқувчилари маьнавий тарбиясини шакллантириш самарасига эришишдир.

## Биринчи боб бўйича хулосалар

Республикамиз тараққиётининг ҳозирги янги босқичида бошланғич синф ўқувчиларини баркамол шахс сифатида вояга етқазиш стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда бошланғич синф ўқувчиларимаьнавий тарбиясини шакллантириш вазифаси долзарб ва заруriят ҳисобланади. Мазкур ишнинг назарий-методик масалаларни аниқ ва содда белгилаб бериш керак.

Маьнавий тарбиянинг обьекти шахс руҳи ҳамда ақлидир, у руҳни улғайтиради ва ақлни ривожлантиради. Буларнинг барчасидан бошланғич синф ўқувчилари маьнавий тарбиясини шакллантиришнинг назарий-методик масалалари бўйича қуйидаги хулосаларга олиб келади:

***Биринчидан,*** маьнавий тарбиянинг педагогик хусусиятлари тарбия омили, шахснинг руҳий ва ақлийоламини шакллантириш ҳамда ахлоқини таркиб топтириш билан белгиланади. Бунда омил, асос, негиз ва йўналтириш тушунчалари педагогик компонентлар ҳисобланади;

***Иккинчидан,*** ҳозирги замон ижтимоий тараққиётимимиз босқичида шахс маьнавиятини шакллантириш муҳим педагогик муаммолардан биридир.

Бунинг асосини маънавий тарбия ташкил қилади ва у шахсни ахлоқий жиҳатдан кутилган даражада вояга етказиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда мафкуравий иммунитетини таркиб топтиришга асосланади;

***Учинчидан,*** бошланғич таълим босқичида ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга доир талабларни биз шахсни ахлоқий шакллантириш, ижтимоий ривожлантириш ва уни тарбиялаш деб белгиладик.

Умуман бизнинг ёндашишимизга кўра, маънавий тарбиянинг педагогик негизи ахлоқ ва тарбиядир.

# II БОБ.МЕДИАТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## 2.1-§. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларининг имкониятлари

Ўзбекистонда бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбиясини шакллантиришвазифалари, мазмун-моҳияти таълим тизимимиз олдида турган стратегик вазифаларданбири ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизнинг келажаги ҳар жиҳатдан баркамол ва кенг дунёқарашли, интеллектуал салоҳиятли, соғлом авлодни тарбиялашга боғлиқдир. Ўз Ватанига, халқига, истиқлолга, буюк аждодларидан мерос бўлган моддий ва маьнавий бойликларига садоқатли, эркин ва мустақил фикрлайдиган комил инсонларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун юртимизда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «...Таьлим тизимидаги туб ислоҳотлар бошланғич синф ўқувчиларини маьнавий жиҳатдан тарбиялашда асос бўлиб,бу борада бугунги кунда таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи ҳар бир киши қуйидаги саволлар устида бош қотириши табиий: Бола 1-4 – синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим? Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак?» [7; 10; 12; 13]. Шу маънода бошланғич синф ўқувчиларига маънавий тарбия бериш зарурият бўлиб турибди.

Маънавият – бу шахсда эстетик туйғуни ўстириш, маънавий оламини шакллантириш демакдир. Маънавият орқали бола ўз онги ва туйғусини бойитиб борар экан, худди ўзида эстетик қадриятларни жамлагандай бўлади, уларни ўзининг касб фаолиятига татбиқ этишни мақсад қилиб қўяди [5]. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш билан қуйидагиларга эришиш мумкин:

- ўқувчиларга маънавият ҳақида тушунча бериш;

- ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиш ва тушунчаларини ўстириш;

- ўқувчиларда турли хил тадбирлар асосида маънавий тарбиясини шакллантириб бориш;

- ўқувчиларни мустақил меҳнат қилишга кўниктириш.

Бу ишларни амалгаоширириш билан бошланғич синф ўқувчиларининг онги, дунёқараши ва маънавий тарбиясини дастлабки босқичда шакллантиришга киришилади. Бу эса бевосита маънавият тарғиботи билан боғлиқ ҳодисадир. [174]. Чунки маънавиятнинг субъекти айнан қуйидагилардир (2.1-расм):




**2.1.-расм. Бошланғич синф ўкувчиси маънавиятинингсубъекти**

Бунда бошланғич синф ўкувчисининг онгида миллий ғоя асосида маънавият тушунчасини шакллантириш, унинг дунёқарашида соғлом ғоялар ва билим олишга иштиёқнинг ортиб боришини таркиб топтириш ҳамда ахлоқида эса милллий одоб меъёрлари ривожлантирилади. Чунки, «жамият ва давлат ўзлигини англаган, ватанпарвар, миллат, халқ манфаати, иқтисодий ижтимоий, маданий равнақи учун масъулиятли, илмий билим, меҳнат ва касб кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллаган, руҳий соғлом, жисмонан етук, умуминсоний ва хулқ-атворида, фаолиятида маънавий тарбияни мужассам этган етук шахсни тарбиялаб етиштиришдан манфаатдордир» [3; 11]. Бунинг учун мамлакатимиз таълим-тизимида

фойдаланиш мумкин бўлган илғор педагогик тажрибаларва замонавий ахборот технологиялар етарли [134].

Шу маънода бошланғич синфларда медиатаълим технологияларини эгаллашга асосланган илғор таълим тизимларини тадбиқ этишга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга республикамиз таълим тизимида етарли имкониятлар мавжуд, чунки ҳозирда медиатаълим технологияларини ўрганиш ҳамда улардан амалда фойдаланишга оид билим, кўникма, малака ва компетенциялар узлуксиз таълим тизимининг бош бўғини бўлган бошланғич синфтаълим олувчиларига тақдим этилмоқдава бу борада бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш имкониятлари мавжуд [72]. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш имкониятларининг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич таълим етарли даражада инфратузилмага эга;

- бу тизимда замонавий билим ва малакалипедагог кадрлар фаолият юритмоқда;

- бошланғич синфларда замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар (масалан, медиатаълим технологияси), кўргазмали қуроллар яратиш ҳамда уларни ишлабчиқиш билан таъминланганва ҳоказолар.

Чунки тезкор маълумотлар манбаи бўлган ахборот ва компьютерлар вояга етиб келаётган шахс онги, дунёқараши ва ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши маълум. Шу маънода бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбияси шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади [39; 68].

Таълим муассасаларида олиб борилган кузатишлар ва қисқа муддатлисиновлар шуни кўрсатдики,бошланғич синф ўқувчиларидамазкур масаланинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Ижобий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- компьютер бошланғич синф ўқувчилариниўзига тез жалб қилади;

- бошланғич синф ўқувчисикомпьютер билан қизиқиб муносабатга киришади;

- бошланғич синф ўқувчисида мустақил ҳаракат қилиш вафикрлаш тарзи тезлашади;

- бошланғич синф ўқувчиларида диққатни бир жойга жойлаш ҳолатлари юзага келади ва ҳоказо.

Булар бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шаклантириш учун муҳимэлементлардир. Айни вақтда, қуйидаги салбий жиҳатлар ҳам кузатилди:

- бошланғич синф ўқувчиларда компьютерга боғланиб қолиш ҳисси уйғонади;

- кичик мактаб ёшидадаги ўқувчилардакомпьютер ёнида кўпроқ бўлиш истаги пайдо бўлади;

- бошланғич синф ўқувчиларда дафтарга ёзиш, чизиш ва ҳисоблаш туйғуси пасаяди;

- болада таълим муассасасидан ташқари бошқа жойларда компьютерга интилиш юзага келади ва ҳоказо [37].

Зеро, муайян илмий ва педагогик тажрибалар асосида ўқувчилар ҳаракатларининг ижобий жиҳатларини кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, бунда қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

1. Болага компьютерни тўғри таништириш. Бумасалада машғулот олиб борадиган ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак:

-бошланғич синф ўқувчиларида компьютернинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида тушунча уйғотиш;

- ўқувчиларни компьютер билан муайян вақтларда мулоқатда бўлишга одатлантириш;

- бошланғич синф ўқувчиларида компьютер технологиялари таълим-тарбия воситаси эканлиги тўғрисида тасаввур уйғотиш;

- ўқувчиларини компьютер билан ишлаш режасига риоя қилишга кўниктириш [99].

2. Бошланғич синф ўқувчиларига компьютер орқали таълим-тарбия бериш. Дарсни ташкил этадиган ўқитувчи компьютерда қуйидагиларга диққат қилиши лозим:

- бошланғич синф ўқувчиларникомпьютерда ёзиш, чизиш ва ҳисоблашга ўргатиш;

- ўқувчиларни компьютерда қунт ва диққат билан ишлашга кўниктириш;

- бошланғич синф ўқувчиларини компьютердаги тасвирларниҳикоя қилиб беришга ўргатиш;

- бошланғич синф ўқувчиларини компьютернинг кенг имкониятлари билан етарли даражада таништириш ва ҳоказо [98; 24-б.].

3. Компьютерда таълимий роликли ўйинларни ташкил қилиш. Мазкур масалада ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши даркор:

- компьютергаёзиш, чизиш ва ҳисоблашдан сабоқ берувчи роликли тасвирларни жойлаштириш;

- қисқа муддатли таълимий фильмларни компьютерга киритиш;

- компьютерга киритилган турли роликларда бошланғич синф ўқувчиларини фикрлашга ундовчи саволларнинг кўпроқ бўлишини таъминлаш;

- бошланғич синф ўқувчиларнинг компьютер билан ишлаётганида у билан изчил мулоқатда бўлиб туриши ва ҳоказо [168].

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавиятини медиатаълим технологиялари воситасида шакллантиришда ўқитувчи-мураббийлар учун бир неча талаблар қуйилади. Бундай талабларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1) Бошланғич синф ўқувчиларга компьютерда сабоқ бериш ҳафтада икки мартадан ошмаслиги керак;

2) Компьютерда сабоқ бериш 20-25 минутдан ошмаслиги лозим;

3) Бошланғич синф ўқувчиларини дарс жараёнида фикрлаш ва сўзлаб беришига эришиш;

4) Бошланғич синф ўқувчиларининг компьютерда мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириш ва ҳоказо [79; 81].

Компьютер технологиялариайнан мазкурмақсадларда тезкор эришиш имкониятларига эга.Бунда асосий масала мутахассислар ёрдамида тузилган ўқув дастури ва материалларига эгабўлишади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавият тарбиясини шакллантиришда «маънавият» тушунчасига берилган нуфузли таърифдан келиб чиқиш керак. Шунга кўра, маънавият - инсонни руҳан поклайдиган, қалбан улуғлайдиган ва ички дунёсини бутун қиладиган беқиёс кучдир. Унинг натижасида инсон ирода, эътиқод виждон каби сифатларга эга бўлади. Бу ўринда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1) бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг мақсади бошланғичсинф ўқувчиларининг онги, дунёқараши ва ахлоқини тўғри шакллантириш;

2) бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг мазмунибошланғич синф ўқувчиларининг руҳан ўстириш, қалбини пок туйғулар асосида улғайтириш ва ички дунёсини мустаҳкамлашдан иборат;

3) бошланғич синф ўқувчиларининг маьнавий тарбиясини шакллантириш вазифасибошланғич синф ўқувчиларининг ирода,эътиқодва виждон каби ахлоқий сифатларини таркиб топтириш [70].

Маънавий тарбия тущунчасига берилган таърифда бу масала «таълим ва тарбиянинг муҳим кўриниши» эканлиги таькидланиб, унинг мазмунини «ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усуллар, ҳаракатлар мажмуи» ташкил қилиши уқтирилади [16; 128-б.]. Бундай эзгу ғояларнинг асосийлари миллий ғоямизда ифодаланган бўлиб, улар юрт тинчлиги, ватан равнақи ва халқ фаровонлигидан иборатдир.

Маънавий тарбия шундай олижаноб мақсад-муддаоларини бажарар экан, унинг маъно-мазмуни ҳам ўзига хос ҳисобланади. Шу сабабли маънавий тарбия эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, мустақил фикрлаш ва

маънавий ахлоқий фаол бўлиш кўникмаларини шахсда шакллантиришни назарда тутади. Маънавий тарбияга қуйидаги асосий хусусиятлар хос бўлади:

1) таълим бериш ва тажрибани узатиш воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий салоҳиятини ўстириш;

2) миллий анъаналар, урф-одатлар ва қадриятлар асосида ўқувчиларнинг ахлоқини ривожлантириш;

3) мўътадил тафаккур ва соғлом ғояларга таяниб бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқарашини ҳосил қилиш;

4) турли тадбирлар ва тарбиявий ишлар орқали ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш.

Бу хусусиятлар тарбияланувчини муайян халқнинг типик вакили сифатида вояга етказиши билан аҳамиятга эга.

Бизнинг назаримизда, маънавий жиҳатдан тарбияланган типик шахсни Абдулла Қодирий (1896-1938) «Ўтган кунлар» романида Отабек тимсолида тасвирлаб берган. Асарда Отабек кўз ўнгимизда қуйидагича намоён бўлади:

- ўқимишли, зиёли ва ўз касбини чуқур билувчи;

- мустақил фикрли, соғлом дунёқарашга эга меҳнаткаш инсон;

- ахлоқли, андишали ва ўзгаларни қадрловчи инсонпарвар.

Мисол учун, асарда шундай эпизод бор: Марғилонга савдо иши билан келиб, карвонсаройга тушган Отабекни Раҳмат тоғаси Ҳомид билан сўроқлаб келади. Меҳмонлар ҳужрага олиниб, ҳол-аҳвол сўрашилгач «Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайтиб соғлиқ сўрашгандан кейин сўради:

- Бу киши кимингиз бўладилар, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

- Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди.

- Қулингиз?

- Шундоқ [170].

Диққат қилинса, бу ўринда Отабекнинг маънавий тарбия кўрганлиги яққол намоён бўлади. Чунки: 1) Отабек меҳнати сингиб келаётган хизматкори Ҳасаналини ҳам ранжитмайди, уни қадрлайди; 2) агар Отабек Ҳасаналининг олдида дарҳол «қулимиз» деб жавоб берганида у маънавий тарбия олмаган ҳисобланади; 3) бунинг акси бўлган Ҳомид Отабекнинг Ҳасаналига бўлган муносабатидан ажабланади, у маънавий тарбия кўрмаган кишиларнинг ёрқин вакилидир [113].

Бу мисол маънавий тарбиянинг мазмун-моҳиятини аниқ кўрсатади. Шу сабабли педагог олимлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг маънавий тарбия йўналиши қуйидагича мақсадларни рўёбга чиқариши лозимлигини таъминлаб кўрсатади:

1)Жамиятда ўзига хос маънавий муҳитни сақлаш ва ривожлантириб бориш;

2) Шахснинг ҳаётда ўз ўрнини топишини амалга ошириш;

3) Мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш;

4) Жамиятнинг потенциал кучларини рўёбга чиқариш;

5) Фуқоролик жамиятининг назарий-методологик асослари билан шахсни таништириш [8].

Зеро, педагог олимлар маънавий тарбия «инсонни дунёқарашини мақсадли ўзгартирувчи жараён» эканлигини таъкидлаб, унда шахснинг қуйидаги мезонларига кўра маънавий тарбияланганлигини аниқлаш мумкинлигини қайд этишади:

1) ўзгаларга эзгу мносабатда бўлиш (гуруҳда, жамоада ва бутун жамиятда);

2) ҳар бир хатти – ҳаракатни баҳолашда ҳақиқатга суяниш;

3) тарбияда гўзаллик категориясини бирламчи билиш.

Айнан Эзгулик, Ҳақиқат ва Гўзаллик маънавий тарбиянинг асоси бўла олади.

Маънавий тарбия «ижтимоий-тарихий, қонуний ва объектив жараён сифатида» бошланғич таълимда ўқувчиларни ҳар томонлама етук шахс

сифатида тарбиялашда муҳим асос ҳисобланади. Зеро, бошланғич синф ўқувчиларини биринчидан,маънавий тарбиялаш ижтимоий-педагогик зарурият ҳисобланади; иккинчидан, бошланғич синф ўқувчиларини вояга етказишда маънавий тарбияга асосланилади; учинчидан, бу муаммо жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, маънавий тарбияни шакллантириш нафақат билим бериш, балки шахсни бирон-бир ҳатти-ҳаракатга ундашдан ҳам иборат Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчилари билимли, фикрли ва ахлоқли бўлишига маънавият тарғиботи воситасида даъват қилинади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларда маънавий тарбияни шакллантиришда қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) маънавият соҳасидаги янгиликлар ва ахборотларни қабул қилиш ва ўзлаштириш;

2) бошланғич синф ўқувчиларининг онги, дунёқараши ва ахлоқини миллий ғоя асосида шакллантириш;

3) маънавий тарбияни шакллантириш учун оптимал методлардан фойдаланиш;

4) маънавий тарбияни шакллантириш фаолияти жараёнининг самарадорлигини баҳолай олиш.

Албатта,бошланғич синф ўқувчиларини маънавий тарбиялаш таълим-тарбия жараёнида ташкил қилинади Бунинг учун дарс машғулотлари ва тарбиявий соатларидан унумли фойдаланиш керак бўлади. Бу ишлар мақсадли равишда имкон қадар экскурция, суҳбат ва турли тарбиявий тадбирлар воситасида амалга ошириш керак [154; 27-б.]. 2013 йил 1-январдан бошлаб бошланғич синфлар учун ҳафтасига бир соатлик «Маънавият» машғулоти киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 06 июлдаги 422-сонли «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан ягона «Тарбия» фани 1-9 синфларда 2020-2021 ўқув

йилидан, 10-11 синфларда эса 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ўтилиши белгиланган. Ажратилган умумий соатлар доирасида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ва маънавият асослари» ҳамда «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштиради. Мана шу Қарор мақсадидан келиб чиққан ҳолда бошланғич синфларда дарс машғулотларидан унумли фойдаланишучун тадқиқотимиз доирасида яратган намунавий дастурни тавсия қиламиз.

Бу дарсни ўтказишда тажрибали ўқитувчилар, мутахассислар ва фаол ота-оналар ёрдамидан унумли фойдаланиш керак. Уларнинг дарсларида иштирок этиши ўқувчиларни фаоллаштиш билан бир қаторда мавзуларни кутилган даражадатушунтириш имкониятини яратади.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда уларни ахлоқий меъёрларга риоя қилишни ва маънавий сифатларга одатлантириш керак. Мазкур масалада бошланғич синф ўқувчиларида қуйидаги уч сифатни таркиб топтириш билан юқори самарадорликка эришиш мумкин:1) ирода;2) эътиқод;3) виждон.

Ирода бу – «одамнинг ички ва ташқи интилишлари, имконият ва салоҳиятни мақсад йўлида сафарбар этиш, қатъият билан ҳаракат қилиш, синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, ҳар қандай шароитда ҳам руҳий мувазанатни сақлашга асос бўладиган қувватдир».

Ирода– инсоннинг бир мақсад сари онгли интилиши, бошлаган ишини охиригача етказиш қобилияти, билимлар, тажрибалар, кузатишлар, тарбия ва ўз-ўзини бошқаришнинг натижасидан иборатдир [189; 193-б.].

Эътиқод – «муайян мақсад ва қадриятга чексиз ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур тарзи» [10; 671-б.].

Эътиқод– шахснинг ўз қарашлари, тамойиллари ва дунёқарашига мос равишда ҳаракат қилишга ундовчи англанилган эҳтиёжлар системасидир.

Эътиқод эркинлиги – киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, ҳатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими.

*Виждон*–кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар ва жамоатчилик онгида маъсулият сезишидир. Айни пайтда, *Виждон* бу– кишининг кундалик фаолияти, қилмиши феъл-атвори учун оила, жамоат, Ватан олдидаги маънавий масъулиятни ҳис этишидир [189; 101-б.]. Шу юксак ахлоқий тушунча шахсни ижобий ҳатти-ҳаракатларга ундаб шунга мойил қилиб, ўз фаолиятига ўзи баҳо беришига олиб келади. Виждонли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабланади, уларга қаршилик, норозилик билдиради, ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб, хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, яъни виждони азобга учрайди.

Виждон – ахлоқий тушунча, яхшилик нима-ю, ёмонлик нималигига жавоб берадиган ички ишонч, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун ахлоқий масъулиятни англаш. Виждон шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қила олиш, ўзида ахлоқий бурчни мустақил шакллантириш ҳамда ўзидан уни адо этишни талаб қилиш ва ўз ҳатти-ҳаракатларига баҳо бериш қобилиятини ифодалайди. Виждон дастлабки ахлоқий майл бўлиб, ташқи таъсир туфайли ривожланиши ёки сўниши мумкин. У эҳтирос, ҳиссиёт шаклида шахснинг ўз ҳатти-ҳаракатлари учун уялиш, пушаймон бўлиш ёки ахлоқий қониқиш сифатида намоён бўлади. Виждон яхшилик, бурч, бахт, ҳалоллик каби бошқа ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиши, маънавий, ахлоқий юксалиши билан виждон тушунчасининг мазмун-моҳияти бойиб боради. Унинг моҳияти ижтимоий муҳит билан белгиланади [181; 448-б.].

Бошланғич синф ўқувчиларини иродали, эътиқодли ва виждонли бўлишга одатлантириш давр талаблари бўлиб, унинг натижасида 7-11 ёшли ўқувчиларнинг мўътадил характерли, етук табиатли ва баркамол хулқ-atворли бўлиб вояга етишига эришилади. Бунинг учун уларнинг қуйидагиларга одатланишига алоҳида эътибор бериш керак:

- эзгулик ва яхшиликка интилиш, ёмондан ҳазар қилиш;
- ҳалол бўлиш ва жамоани севиш;
- тўғри сўзлаш;

- ёрдамга тайёр туриш ва ҳаракатчан бўлиш.

Маълум бўладики, бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш тушунтириш, шакллантириш ва одатлантириш орқали амалга оширилади (2.2-расм).




**2.2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш вазифалари**

Бизнинг ёндашувимизга кўра, **тушунтириш, шакллантириш** ва **одатлантириш** тушунчаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда:

**1. Тушунтириш**.Бунга кўра, дарс машғулотларива тарбиявий ишлар жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг онгига маънавий тарбия сингдириб борилади. Эзгулик, яхшилик, одамийлик, дўстлик, тинчлик, ватан каби тушунчаларнинг маьно-мазмуни ўқувчиларга тушунтирилади. Бунда, айниқса, давлат рамзлари - байроқ, герб вамадҳиятўғрисида ўқувчилар кенг тушунчага эга бўлишлари лозим. Мисол учун, бошланғич синф ўқувчилари қуйидаги саволларга аниқ жавоб бера олиши керак:

1) байроқнинг ранглари, ой ва юлдузлар қандай маънони англатади?

2) давлат мадҳиясининг маъно-мазмуни нималардан иборат?

3) герб тасвири маънолари нималарни билдиради?

Бошланғич синф ўқувчиларитабиатан қизиқувчанлиги сабабли ўқитувчи томонидан берган ҳар бир саволга тўғри, аниқ ва лўнда жавоб берищи керак. Бунинг учун қуйидаги меъёрларга амал қилиш тақозо этилади:

-тушунтиришда ўқувчига тушунарли бўлган сўз ва иборалардан фойдаланиш;

-сўзлаган образни мисоллар билан ифодалаш;

-имкон қадар реал шароит, имконият ва вазиятдан келиб чиқиш;

-ўқувчиларни фаоллаштириш.

Педагог олимлар тушунтиришнинг илмий ва рационал шаклларини фарқлаб кўрсатишади. Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни маънавий тарбиялашдаҳар икки шаклдан хам фойдаланиши керак. Унга кўра, тушунчалар аниқ изоҳланиши (илмий тушунтириш) ва улар мисоллар билан ифодаланиши (рационал тушунтириш) керак. Масалан, Ватан тушунчасини тушунтиришда Ватан харитаси ёки обод жойлар тасвирларидан албатта фойдаланиш лозим. Ҳозирда ҳам таълим жараёнида тушунтириш оммавийлиги биланажралиб туради.

**2. Шакллантириш**. Мазкур ёндашувга кўра маънавий тарбия воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг онги ва дунёқарашишакллантирилиши керак. Онг «ақлва тафаккурни ифода этади» дунёқараш эса «олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизими»га эга бўлишдир. Демак, бу ўринда **билим** бериш асосий вазифа ҳисобланади.

Билим – бошланғич синфларда турли фанлар орқали ўқувчиларда ақл, тафаккурва қарашни шакллантириш манбаи ҳисобланади. Маънавий тарбиядабилиш қуйидагиларни қамраб олади:

1) ўзликни англаш ва бошланғич синф ўқувчиларига олам ҳамдаодам ҳақида билим бериш;

2) бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш, англаш, тушуништуйғуларини таркиб топтириш;

3) ўқувчиларнинг табиий лаёқати, қобилияти ва истеьдодиривожланишини йўлга қўйиш.

«Боланинг онги асосан 5-6 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг қалбида маънавий тарбиянинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди» **-** дейди Призидентимиз [2; 15-б]. Шу маънода

бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ўқувчилар онгида миллий ғояга асосланган маънавий тушунча, билим ва ғояларни ҳосил қилиш;

- ўқувчилар дунёқарашини соғлом ғоялар, идеаллар, фикрлар вамушоҳадалар асосида шакллантиришни йўлга қўйиш;

- ўқувчиларда билим олиш иммунитетини пайдо қилиш;

- ўқувчиларнинг ақлини ўстириш [2; 53-б.].

Демак, 7-11 ёшли «бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари барча воқеа-ҳодисалар, улар замирида тассуротларини ўзига шимиб, сингдириб олиши»ни унутиб бўлмайди [2; 53-б.].

**3) Одатлантириш.** Бунга кўра, бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбияни амалга оширишвоситасида ўқувчиларнинг ахлоқи шакллантирилади.Бунинг учун бошланғич синфўкувчиларининг характери, табиатива хулқ-атворинимаънавий мезонлар, фазилатлар ҳамда сифатлар асосида йўналтиришига алоҳида эьтибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Президентимиз бола ахлоқида яхшилик ва эзгулик,олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби маънавий тушунчалар қарор топиши шартлигини алоҳида такидлайди [4]. Шу маънода бошланғич синфларда маънавий тарбияни ташкил қилишда одатлантиришқуйидагиларни назарда тутади:

1) ўқувчилар характерини оқилана ривожлантириш;

2) ўқувчилар табиатида инсонийликни шаклантириш ;

3) ўқувчилар хулқ-атворида муҳиммаънавий сифатларни таркиб топтириш.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш вазифалари мавжуд шароит, имконият ва вазиятлардан келиб чиқиб танланиши керак. Шуни унутмаслик керакки, маънавий тарбиясини шакллантириш жараёниўқувчининг мактабда бўладиган барча вақтларида

кечади. Шу сабабли ўқитувчи бу вазифаларни мустақил танлаш ҳуқуқига эгадир.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич синф ўқитувчиси қуйидагиларга риояқилиш шарт:

1) бошланғич синф ўқувчиларининг руҳий, маънавий ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олиш;

2) бошланғич таълимга қўйиладиган давлат таълим стандартларини чуқур билиш;

3) маънавият асосларидан етарли даражада хабардор бўлиш;

4) бошланғич синфларда ўқувчилар маънавий тарбиясини шакллантиришни ташкил қилиш.

Тарбиявий ишларда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бирламчи ҳисобланади. Чунки маънавий тарбиянинг асосини маънавиятлилик ташкил қилади. Шу маънода педагог олимларимиз тўғри қайд этишганидек «фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосини ташкил этмоғи керак» [16]. Тарбиявий ишларда маънавий тарбияни шакллантириш дидактик ўйинлар, мусобақалар, кўрик танловлар ўтказишга асосланиши керак. Шунда ўқувчиларнинг ҳаракатчанлиги ошади [62]. Бу борада бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш борасидаги вазифаларўқитувчларга, мактаб жамоасига ва ота-оналарга юкланади.

Бу иштирокчиларнинг вазифалари умумий характерга эга бўлса-да, лекин улар ўзаро фарқланади. Мисол учун, ўқитувчи маънавиятни шакллантиради, мактаб жамоаси ёрдам беради ва ота-оналар кўмаклашади. Шу тариқа бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш жамият вазифасига айланади [132].

Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар: биринчидан, бошланғич синфларда манавият тушунчаларини шакллантириш зарурияти

манавий тарбия жараёнини кучайтириш ва бу жараёнда амалий самарадорликнинг кенгайтириш билан белгиланади; иккинчидан, бошланғич синфларда маънавият тушунчаларининг мазмунини 7-11 ёшли болаларнинг маънавий онги, маънавий дунёқараши ва ахлоқини соғлом шакллантириш ташкил қилади; учинчидан, бошланғич синфларда маънавият тушунчаларини шакллантиришда илмий, услубий ва конкретлик тамойилларига асосланади [156].

## 2.2-§. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологиялари

Ҳозирги замон глобаллашуви даврида инновацион технологияларни таълим ва тарбия жараёнига татбиқ этиб бориш заруriят ҳисобланади. Ана шундай технологиялардан бири медиатаълим технологиясидир.

Мамлакатимизда ҳам барча соҳаларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191 сонли «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6-июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари қабул қилинган бўлса, айни вақтда Ўзбекистон РеспубликасиПрезиденти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 30 июндаги ПҚ-5099 сонли «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори шундан далолатдир [6].

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 6 июндаги буйруғига асосан мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан 2-4 синфларда ҳафтасига бир соатдан информатика ва компьютер

саводхонлигини ошириш фанининг ўқитилиши бошланғич таълимда ахборот-технологияларининг жорий этилишида айни муддао бўлди.

Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда энг таъсирчан, энг қулайва энг мақбул восита бу – медиатаълим технологияларидир. Бу технологиялар мамлакатимиз учун янги бўлиб, унинг асослари ҳозирга қадар етарли даражада тадбиқ қилинганича йўқ. Педагог олимларимиз ҳозирча бу тушунчага таъриф бериш билан чекланишмоқда.

Медиатаълим XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб компьютер ва интернет воситаси кашф этилиши натижасида Германия, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Франция ва кейинчалик Россияда янги ахборот-коммуникацион технологиялар шакли сифатида пайдо бўлди [162]. Бу технология – *шахс онгини таълим жараёнида оммавий коммуникация ва ахборот воситалари ҳамда уларда эълон қилинган матбуот материаллари асосида ривожлантириш жараёни*дир [157; 90-91 б.]. Бир сўз билан айтганда, медиа – бу «ахборот ва унинг воситаси»,таълим эса ўқитиш демакдир. Шу маънода медиатаълим – оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларга таянган ҳолда шахс онгини мақсадли шакллантириш технологиясидир [34; 122-126 б.].

1973 йилда ЮНЕСКОнинг медиатаълимга берган таърифида медиа, яъни телевидение, радио, кинометрография, оммавий нашрлар ва электрон ахборот тизимлари орқали шахсга таълим-тарбия беришнинг асосини ташкил қилиши таъкидланган [177; 18-19 б.]. Бугунги кунда бу таърифга компьютер воситасини қўшимча қилиш ўринлидир. Медиатаълим педагогик қонуниятларга таянсагина таълим ва тарбия технологияси ҳисобланади. Акс ҳолда, бу технология фақат даъват қилувчи воситага айланиб қолади [22; 27-44 б.].

Медиатаълим бўйича тадқиқот олиб борган нуфузли педагог олимлардан бири Ю.М.Усов ҳисобланади. У таълим-тарбия жараёнида медиатаълимни аста-секин татбиқ этилувчи бирламчи восита деб билади

[157; 90-91 б.]. Бунда ахборот воситалари, материаллари ва маълумотлари таълим бериш учун асос бўлади, лекин таянч омил бўла олмайди. Демак, медиатаълим педагогик қонуниятлар билангина таълим ва тарбия воситасига айланади.

Мазкур технология бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда ҳам муҳим воситалардан биридир. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кундашахс маънавий тарбиясини шакллантириш учун медиатаълим технологиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки унда қуйидаги йўналишлар асосий ўринни эгаллайди:

1) бошланғич синф ўқувчиларга ахборот-коммуникацион технологиялари асосида маънавий тарбия ва унинг асосий тамойиллари ҳақида чуқур билим бериш;

2) бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари,коммуникация ва матбуот материаллари билан ишлаш кўникмасиниҳосил қилиш;

3) бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда замонавий технологиялар билан самарали ишлаш.

Зеро, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбияга оид чуқур билим, юксак кўникма ва компетенцияларини шакллантиришни қуйидагича ифодалаш мумкин (2.1-жадвал).

**2.1.- жавдал.**

**Бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Билим | -маънавият ва унинг асосий тамойилларини чуқур ўзлаштириш;<br>-маънавий тарбия ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш;<br>-глобал ғоявий таҳдидлардан изчил ва мунтазам хабардор бўлиш. |
| 2 | Кўникма | -компьютер, турли техник воситалар билан ишлай олиш;<br>-медиатаълим технологияси асосида материалларни таҳлил қила олиш; |

| | | |
|---|---|---|
| | | -маълумотларни излаш, топиш ва амалиётда қўллаш. |
| 3 | Одатлантириш | -энг қулай усуллар билан маънавиятни тушунтириш;<br>- медиатаълим технологиялари материалларини янгилаб боришни ўрганиш;<br>-мақсадли ҳаракат қилиш. |

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошланғич синф ўқувчиларнинг медиатаълим технологияларини билиши бу уларнинг қобилиятларини такомиллаштириш билан боғлиқ. Ўқувчи томонидан медиатаълим технологияларини қанчалик юқори ўзлаштирилса, унинг натижаси билим даражасини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, медиатаълим технологиялари бошланғич синф ўқувчисининг ҳаётий фаолиятини сифатли характерловчи, яъни, қабул қилиш, узатиш, сақлаш, ахборотлардан фойдаланиш, умуминсоний, маънавий қадриятлар ҳисобланади.

Медиатаълим технологиялари – бу аниқ мақсадга қаратилган таълим жараёнида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш, шунингдек ахборотлар билан ишлашда ахлоқий эстетик ва илмий билимлар тизимини шакллантириш демакдир [34; 66; 110].

Бошланғич синф ўқувчиларининг медиатаълим технологияларини ўзлаштириши бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотни ўзлаштириш, эгаллаш асосида шахснинг ички дунёсини ривожлантиришдир. Бу борада ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш учун медиатаълим технологияларидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида медиатаълим технологиялариининг бошланғич тушунчалари ва билимларининг мавжудлиги. Бунда ўқувчида:

- ахборот ҳақидаги тушунчанинг мавжудлиги;

- маълумотлар базасини шакллантириш ҳақидаги тушунчага эгалиги;

- маълумотни ахборотга айланиш жараёни ҳақидаги билимларнинг шаклланганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

2. Бошланғич синф ўқувчиларнинг медиатаълим технологиялари асосида ахборот маълумотларни қайта ишлаш ҳақидаги тушунчаларини эгаллаганлиги.Бунда:

- ахборот вамаълумотлар турларини фарқлай олишлиги:

- маълумотларни қайта ишлаш жараёни билан танишлиги:

- маълумотларни қайта ишлаш амаллари хақидаги кўникмаларга эгалиги:

- маълумотларни қайта ишлар воситалари билан танишлиги:

- қайта ишланган маълумотлардан таълим жараёнида фойдалана олишлиги ҳақидаги кўникмаларнинг мавжудлиги.

3. Бошланғич синф ўқувчиларининг медиатаълим технологиялари асосида маънавий тарбия ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш воситаларидан фойдаланаолишлиги. Бунда:

- компьютерлар ва уларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги функционал вазифалари ҳақидаги билимларнинг мавжудлиги:

- компьютер технологиясива уларнинг амалиётда жорий этилиши ҳақидаги билимларни эгаллаганлиги:

- медиатаълим технологияларининг имкониятлари ва таълимий афзалликлари ҳақидаги билмларнинг мавжудлиги:

4. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларини таъминловчи манбалар ва воситалар билан танишлиги. Бунда:

- замонавий ахборот технологиялари ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларининг мавжудлиги:

- инновацион таълим технологиялари ва замонавий ахборот технологиялари уйғунлиги самаралари ҳақидаги билимларнинг мавжудлиги:

- компьютер ўйинлар, интеллектуллаштирилган ўқитиш тизимларидан ва компьютер тренажёрларидан оқилона фойдалана олишлиги ҳақидаги кўникмаларига эгалиги:

- ахборот коммуникацион технологиялари воситаларини қўллай олишликлари ҳақидаги кўникмаларига эгалиги:

- компьютер саводхонлигининг шаклланганлиги:

- ўқув фаолиятига тайёрлашда универсал дидактик қурилмалардан самарали фойдалана олиш кўникмаларининг мавжудлиги [99].

Шу асосда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологиялари муҳим ҳисобланади. У радио, телевидение, интернет ва бошқа ахборот-коммуникацион воситалари асосида ўқитишга асосланади. Бунга кўргазмалилик, тасвирийлик, фактик янгилик, тезкорлик ва узлуксиз алоқадорлик хосдир. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда замонавий медиатаълим технологиялари билан қуроллантириш махсус дастур, лойиҳа асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир [107; 84-88 б.].

Демак, медиатаълимда маълумотлар ва материаллар билан ишлай олиш малакаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу масала бошланғич синф ўқувчиларининг замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш маҳоратини оширишга хизмат қилади. Медиатаълим технологиялари замонавий хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Булар:

- компьютер имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- интернет воситасида жаҳон таълим тизими янгиликларидан хабардор бўлиш ва улардан фойдаланиш;

- миллий педагогик тажрибани оммалаштириш.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидანфойдаланиш ёшлар дунёқарашини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки, ўқувчиларда:

- медиатаълим воситалари орқали маънавий тарбияга оид эълон қилинаётган материаллар мазмунини таҳлил воситасида қабул қилиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга доир медиаматериалларнинг энг тўғри ва мақбулларини англай олиш;

- медиавоситаларда эълон қилинаётган материалларнинг медиатаълим талаб даражасида ёшлар дунёқарашини шакллантиришга эришиш кабилар камол топади.

Бинобарин, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини таркиб топтиришда унинг дунёқарашини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Ушбухусусиятлар кичик мактабёшидаги ўқувчиларнинг медиатаълим технологияларини чуқур ўзлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Зеро, биз томонимиздан «Маънавият» номли компьютерли медиатаълим технологияси ишлаб чиқилди (2.3-расм).




**2.3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг компьютерли медиатаълим технологияси.**

Бунда **1-блок** маълумотлар банки:

$М_1$ -матбуот материаллари асосида тайёрланган маълумотлар;

$М_2$- китоблар, лойиҳалар, чизмалар ва тасвирлар;

$М_3$ - Интернет, ZioNET, www.pedagog.uz, www.bilim.uz, www.gov.uz

$М_4$- методлар, ёндашувлар ва тажрибалар маълумоти;

$М_5$ - машғулотлар режаси, дастурлар ва тадбирлар лойиҳалари;

$М_6$ - хорижлик педагоглар тажрибалари, тавсиялар ва улар олган натижалар;

$M_7$- педагогик мерос манбаларидан олинган материаллар;

$M_8$ - ҳамкасблар тавсиялари, таклифлари ва мулоҳазалари;

$M_9$ - энг зарурий журналлар ва газеталарнинг электрон нусхалари:

$M_{10}$- қўшимча маълумотлар.

**2-блок** таҳлиллар банкидан иборат.

Ушбу «Маънавият» номли медиатаълим технологиялари ўқитувчи томонидан шакллантирилади ва тажриба-синовдан ўтказилади. Шундан кейин унинг воситасида бошланғич синф ўқувчилар маънавиятини шакллантириш ишига киришилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда компьютерга асосланган медиатаълим технологияси тезкорлиги, қизиқарлилиги ва қулайлиги билан аҳамиятга эга. Шу сабабли ундан фойдаланиш кутилган самарани беради. Медиатаълимтехнологиясининг туб мазмуни мултимедиали компьютер таълимини амалга оширишдан иборат.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш жараёнига татбиқ этилган мултимедиа технологияси анъанавий услубларга нисбатан маълум бир афзалликларга эга. Жумладан:

- ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради;
- ўқувчи бир вақтнинг ўзида ҳам кўради, ҳам эшитади;
- анъанавий усулга нисбатан ўқувчиларга ўргатиладиган материалларнинг ҳажми ортади;
- дарсларнинг самарадорлиги ошади;
- бошланғич синф ўқувчиларининг компьютер саводхонлигини шакллантиришга ёрдамберади;
- бошланғич синф ўқувчилари дарсларда толиқиб қолмасликлари учун дидактик материалларнианимациялар орқали кўрсатиш имконияти мавжуд;
- ўрганилаётган материалларни кичик лавҳаларга ажратган ҳолда намойиш этиш ёки қайта намойиш этиш мумкин.

Медиатаълим технологиясини матбуот материалларига асосланиш билан ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади [27; 44-б.]. Эътибор берилса, Интернет, телерадио ва матбуот нашрлари орқали 7-11 ёшли ўқувчилар онги, дунёқараши, ахлоқига турлича таъсир кўрсатувчи ахборот ва бошқа маълумотлар эълон қилинмоқда. Мазкур масала ҳозирги куннинг муҳим педагогик муаммолариданбиридир. Шу сабабли ўқитувчи медиатаълим технологиялари воситасида ўқувчилар маънавий тарбиясини шакллантириш учун компьютер орқали машғулот олиб боришни чуқур билиши керак. Бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак бўлади:

- ахборот ва маълумотларни аниқ таҳлил асосида танлаш;
- ахборот ва маълумотларнинг ишончли бўлиши;
- ахборот ва маълумотлар бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний, маънавий ва руҳий имкониятларига мос келиши;
- ахборот ва маълумотларнинг янгиланиб бориши.

Шу сабабли педагог олимлар қуйидагича ёндашувни тавсия қилишади (2.4-расм).Бундайёндашув ўқитувчи имкониятларини кенгайтиради.




**2.4-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг компьютерли ўқитиш мазмуни**

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда компьютерли технологияданфойдаланиш қатъий дидактик талабларга таяниши керак (2.5-расм). Маълум бўладики, компьютерли технологиясида ўқитувчи учун юксак талаблар қўйилади.




**2.5-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда компьютерли технологиядан фойдаланишнинг дидактик талаблари**

Бошланғич синф ўқувчиларини маънавий тарбиялаш, уларнинг фаолиятини шакллантириш зарурияти таълим жараёнида сўнгги технологияларидан бири – бу мультимедиа воситаларидан, яъни электрон дарсликлар, компакт дисклар, аудио-видеокасеталардан фойдаланишдир.

Бошланғич синф ўқувчиларида мультимедиа воситасидан фойдаланишнинг асосини дарс машғулотлари ташкил этади. Ўқув машғулотлари давлат таълим стандартлари талаблари асосида тузилган дастурлар ва улар асосидатақсимланган соатлар асосида олиб борилади. Бошланғич синфларда олиб бориладиган дарслар янги материалларни ўрганиш дарси, билимларни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи такрорлаш дарси, билимларнинг қанчалик ўзлаштирганлигини текшириш дарсларига бўлинади. Мана шуни ҳисобга олган ўқитувчи мултимедиали дарс машғулотини бир соатга мўлжалланган режа асосида олиб бориши

керак бўлади. Бунда янги материалларни ўрганишда мултимедиали компьютер асосида олиб бориш технологияси қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларини компьютер қаршисига жойлаштиради (компьютер синф хонасида компьютерлар сони етарли бўлмаса ҳар бир компьютер қаршисига 2-3 тадан ўқувчиларни ўтқазади).

2. Компьютер хотирасига жойлаштирган ўқув материалларини компьютер экранига чиқаради.

3. Ўқувчиларнинг диққати компьютер экранида чиққан материалларига қаратилади.

4. Ўқувчиларнинг қандай топшириқларни бажариши учун улар билан савол-жавоб ўтказилади.

5. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган топшириқни компьютерда мустақил бажаришга киришади.

6. Ўқувчиларнинг ўрганган ўқув материаллари саволлар асосида мустаҳкамланади, буни яна бир бор компьютерда бажариб мустаҳкамлайди.

7. Ўқувчиларнинг компьютерда ўзлаштирган билимлари ўқитувчи томонидан баҳоланиб, рағбатлантириб борилади.

8. Ўрганилган материал бўйича мустақил бажариб келиш учун уйга вазифа берилади.

Бу дарс машғулоти тўлиқ компьютер асосида ўтказишга мўлжалланган бўлиши керак. Олиб борилаётган бу машғулотда мавзуга тегишли оғзаки савол-жавоблар, топишмоқлар, шеърлар, турли мазмундаги амалий тадбирлар ўтказилади. Жумладан, ўқувчиларнинг зерикиб қолмаслиги учун қисқа муддатли жисмоний машқлар, кўзнинг толиқиб қолмаслиги учун кўзни очиб юмиш машқлари ўтказилади. Бунинг учун ўқитувчи мавзунинг технологик харитасини тузиб олиш керак. Дарснинг технологик харитасида мавзу, мақсад ва вазифалар, дарснинг мазмуни, машғулот жараёнини амалга ошириш технологияси, натижалар ва уйга вазифа акс этиши керак.

Ҳозирги замон олий педагогик таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий технологиялари кенг кўламда қўллаш имкониятлари мавжуд.

Бунда айниқса, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш имкониятларининг борлиги муҳимдир. Ана шундай технологияларидан бири масофали таълим технологиясидир.

Масофали таълим технологияси олий педагогик таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу технология «ўқитишнинг ўзига хос муаммолашган шаклларидан бири бўлиб, у ўзида янги ахборот технологиялари ва мултимедиа тизимларини мужассам этган» [78; 146].

Масофали таълим технологияси XIX асрнинг 50 йилларида барқарор ва мунтазам почта алоқаларининг ривожланиши натижасида юзага кела бошлаган. 1858 йили Буюк Британиянинг Лондон университетида хоҳловчилар қайси шаклдабилим олишидан қатъий назар, академик даража олиш учун масофадан туриб имтиҳон топширишига рухсат берилган [189; 262-267 б.]. 1938 йилдан буён сиртқи таълим бўйича Халқаро Кенгаш тузилди ва 1982 йили масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш деб қайта номланди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Англияда 40 га яқин ана шундай таълим туридаги таълим муасссасаларида фаолият кўрсатган бўлиб, уларга ҳар йили 65 минг нафар инсонлар ўқиш учун ариза беришган. Масофавий таълим технологиялари таълим олувчиларга қулай вақтда ўқишлари учун катта имкониятлар яратиб берди. Масофали таълим технологияси асосидаги ўқиш жараёнида таълим олувчиларга филиаллар тармоғи, телестудия ва компьютер тармоғи орқали маслаҳатларбериб борилади.

Масафали таълим технологияси Буюк Британия, АҚШ, Германия, Канада, Франция ва Лотин Америкаси каби мамлакатларда кенг тарқалган. Мазкур технология компьютер ва ўқув-техник воситалардан оқилона фойдаланиши билан қуйидаги имкониятларга эга:

-бир таълим муассасасида тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг дарсларини ташкил қилиш;

- муайян ҳудуд (туман, шаҳар, вилоятлар) миқёсида илғор педагогик тажрибалар асосида машғулотлар ташкил этиш;

- республика миқёсида муайян йўналишлар бўйича машғулотлар ўтказиб бориш.

Масофали ўқитиш технологиясини яратишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, таълимнинг компьютер тармоғидан фойдаланиб амалга оширилиши тамойили жиҳатидан ривожланувчи техник тизим тарзида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ўқитишнинг кредит-модул тизими жорий этилаётганлиги муносабати билан таълимнинг барча турларида ўқитиш масаласида ўзгаришлар юзага келмоқда. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усулларини яратиш ва улар асосида янги ўқув материаллари тайёрлаш долзарб бўлиб турибди. Мазкур масалада муайян тажрибалар бўлса-да, лекин масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усуллари бўйича яхлит методология шакллантирилган эмас [2]. Аввало бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг мазмунини белгилаб олиш тақозо этилади. Чунки бунда кредит-модул тизими воситасида ўқитишга ўтилар экан, қуйидаги қатор муаммоларнинг назарий-методик ечимлари топилиши керак:

- масофавий таълим бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятларига мос тушадими?

- бошланғич синф ўқувчилари масофавий таълим воситаларидан кутилган даражада фойдалана оладими?

- масофавий таълимнинг қайси усуллари бошланғич таълимни амалга оширишда қўл келади. Бу муаммоларнинг назарий ечимини топиш мумкин, лекин уларнинг методологик асослари бўйича илмий-амалий ишланмалар яратиш долзарб бўлиб турибди. Шу жиҳатдан мазкур муаммоларнинг ечими бўйича бизнинг ёндашувимиз қуйидагича:

- бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятларига мос тушувчи бошланғич таълим шаклларини ишлаб чиқиш;

- бошланғич синф ўқувчилари масофавий таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлиши;

- бошланғич синфларда масофавий таълимнинг техник воситасига асосланган технология, анимация, мультимедия, электрон-модулли дидактик таъминот каби усулларидан фойдаланишнинг имкониятларини билиши.

Электрон-модулли ўқитиш – бу масофавий таълимнинг негизларидан бири бўлиб, унда асосан компьютерли технологияга таянилади. Шу сабабли мазкур усулда бошланғич синф ўқувчиларини қизиқтирувчи анимация, турли тасвирлар ва мультимедиялардан оқилона фойдаланишнинг имкониятлари мавжуд. Бошланғич синф ўқувчилари дастлабки ўқув давридаёқ компьютер воситасидан фойдаланиш кўникмаси билан қуроллантирилади. Бу масала кейинги пайтларда мактабгача таълим босқичидан бошланаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Бошланғич таълимда масофавий ўқитишнинг электрон-модулли усулида қуйидаги ўқув ва дидактик материаллар мухим ўрин тутади:

- бошланғич синф ўқув фанлари дарсликларини электрон-модулли шаклда қайтадан тузиб чиқиш ва уларни масофавий таълим талабларига мослаштириш;

- бошланғич синф ўқув фанлари бўйича мустақил ишлар ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш методологиясини яратиш;

- бошланғич синф ўқув фанларининг ҳар бир мавзулари бўйича электрон-модулли ўқув-дидактик материаллари тайёрлаш;

- амалий фаолиятдаги бошланғич синф ўқитувчиларини масофавий таълимнинг электрон-модулли усулидан фойдаланишга тайёрлаш.

Буларни амалгаошириш бошланғич таълимда масофавий таълимнинг электрон-модулли усулидан фойдаланиш имкониятларини юзага келтиради ва айни пайтда, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг фаоллигига асос солади. Бошланғич таълимнинг масофавий ўқитиш усулида кўп холларда ўқитувчи ўқув материалларини тайёрловчи ва дарс жараёнини йўналтирувчи

вазифасини бажаради. Ўқувчилар эса бунда асосий вазифаларни бажариши билан ажралиб туради, чунки масофавий таълимнинг электрон-модулли усулида ўқув материаллари қуйидаги хусусиятларга асосан тузилади:

- назарий тушунчалар беришнинг жуда қисқалиги (асосан таъриф бериш билан чекланилади);

- ўқув материалларида мустақил топшириқларнинг турли вариантларда ва кўп ҳажмда берилиши;

- ўқув материалларининг янгиланиб бориши ва ўқувчиларни тезкор ўзлаштиришига даъват қилиниши;

- ўқув материалларидан фойдаланишнинг муддатли эканлиги.

Электрон-модулли ўқув материалларига хос бўлган бу хусусиятлар бошланғич синф ўқувчиларининг кўп вақт дарс билан шуғулланишини тақозо этади. Акс ҳолда, ўқувчи ўқув материалларини ўзлаштиришда ортда қолади. Шу сабабли электрон-модулли ўқув материаллари бир неча вариантларда тузилади, айнан мана шунга биноан ўқувчилар ўзлаштириш жиҳатидан турли гуруҳларга бўлиниб боради. Эътибор берилса, ўқувчиларнинг таълим олиши фаоллашади ва ўқитувчиларнинг назорат вазифаси кучаяди. Бундан маълум бўладики, қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурият бўлиб турибди:

- бошланғич таълимда ўқитиладиган гуманитар фанларнинг ўқув материалларини тўлиқ электрон-модулли шаклда тайёрлаш;

- бошланғич синфларда ўқитиладиган табиий фанларнинг ўқув материалларини электрон-модулли шаклда тайёрлаш жараёнида уларнинг турли вариантларда бўлишига эришиш;

- бошланғич синфларда ўқитиладиган аниқ фанларнинг содда ва оддий электрон-модулли шаклларини тайёрлаш.

Шу маънода бўлажак бошланғич синф ўқитувчилариниўқувчиларда ахборот коммуникацион технологиялар билан ишлашга тайёрлашда масофали таълим технологиясидан фойдаланишнинг икки муҳим шакли мавжуд (2.6-расм).




**2.6-расм. Ўқувчиларни медиатаълим технологиялари билан ишлашга тайёрлашда масофали таълим технологиясидан фойдаланиш имкониятлари**

Бу ишни ташкил қилиш учун махсус ўқув дастури тузилиб, унинг асосида бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбияни шакллантириш асослари, шакллари ва воситалари бўйича ўқув материаллари тайёрланади. Кейин аниқ муддат ва вақтга асосанўқув ташкил қилинади. Бунинг натижасида талабаларда қамраб олиш кўлами ортади. Таъкидлаш жоизки, бундай дастурлар борасида жаҳон педагогикасида ўзига хос тажриба тўпланган. Мисол учун, Англияда 130 та курс ана шундай дастурга эга [189; 266-б.].

Масофали таълим технологияси ўқув адабиётларининг алмашиниш воситаларига (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер кабиларга) таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида бўлажак бошланғич синф ўқувчиларида медиатаълим технологиялари билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришга тайёрлаш самарадорлигига эришишнинг муҳим омилидир. Бундай адабиётларнинг педагогик олимлар таъкидлаганидек, уч блокли кўринишда тайрланиши мақсадга мувофиқдир:

1) коммуникатив блок – масофадан таълим берувчи ва таълим олувчилар ихтиёридаги электорон почта, технологиялар ва дидактик материаллар мажмуаси;

2) ахборотли блок – масофали таълим жараёнидаги ўқув материаллари (назарий, амалий, тасвириш, информацион ва ҳ.к.) анкета, жадвал, диаграмма мажмуи;

3) ўқитиш блоки – масофали таълим жараёнида ўрганиладиган махсус курсни амалга ошириш шакллари, методлари, воситалари мажмуи.

Шу асосда бошланғич синф ўқувчиларини медиатаълим технологиялари билан ишлашга тайёрлашда масофали таълим технологиясидан фойдаланиш қуйидагиларга асос бўлди:

-бошланғич синф ўқувчиларининг медиатаълим технологиялари билан ишлашга қизиқишини ошириш ва уларни кенг қамраб олиш;

-маскур масала бўйича назарий-методик билимларни тезкор бериш;

-бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини кенгайтириб бориш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ушбу масала бўйича фикр ва тажриба алмашишини таъминлаш.

Шу асосда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга тайёрлашда масофали таълим технологиясидан фойдаланиш таълим мақсадини амалга оширишни кучайтиради [159; 139-141 б.]. Бошланғич синф ўқувчиларини медиатаълим технологияси асосида ишлашга тайёрлашда масофали таълим технолгиясидан фойдаланишнинг аҳамияти (2.7-расм).

Эътибор берилса, бу технология кенг имкониятларга эга. Чунки унда аудиовизуал, компьютер ва телекоммуникациятизимларидан оқилона фойдаланиш мумкин. Шу сабабли бу технология қуйидаги хусусиятлари билан диққатни тортади:

-ўқитиш вақтини, жойини эркин ҳамда мақбул даражада белгилаш;

-ҳудудлардаги ёки ўзга факультетлардагибўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига имкониятлар бериш ва қўйилаётган масала бўйича уларнинг эҳтиёжини қондириш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчилариниўқувчиларда медиатаълим технологияси билан ишлашга тайрлашнинг қизиқарли шаклига эга бўлиш.




**2.7-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг медиатаълим технологиялари билан ишлашга тайёрлашда масофали таълим технологиясининг аҳамияти**

Педагог олима М.Эшназарова тўғри таъкидлаганидек, масофали таълим технологиясининг асосий ғояси – дидактик тамойиллар, ўқитиш методлари, педагогик технологиялар ва дидактик воситалар асосида ахборот таълим муҳитини яратишдир [174].

## 2.3-§. Бошланғич синф ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш воситалари ва модели

Ўзбекистон таълим тизимида бошланғич синф ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш шароитлари, имкониятлари ва воситалари мавжуд. Бу ўринда эътиборингизни мазкур тоифа ўқувчилар маънавий тарбияни шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланишнинг асосий воситаларига боғлиқдир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланишнинг уч муҳим воситаси мавжуд:

1) ўқитиш жараёни;

2) махсус тадбирлар;

3) мустақил ишлар.

Бунинг учун ўқитувчи аввало махсус режа ва дастурга эга бўлиши керак. Режа ва дастур ўқув чораклари муддатига мўлжаллаб тузилгани мақсадга мувофиқ ҳисобланади, ҳар чорак якунида «Маънавият» медиатаълим технологиясининг 2-блоки асосида таҳлил амалга оширилади, ўқувчиларнинг маънавий тарбияланганлик даражаси динамикаси аниқланади ва навбатдаги режа ҳамда дастур тузилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда «Маънавият»номли медиатаълим технологиясидан фойдаланишнинг *ўқитиш жараёни воситаси* кундалик ёндашувни тақозо этади. Бунда медиатаълим технологиясидаги маълумотлардан фанлар машғулотларида қўшимча савол-жавоблар тарзида фойдаланилади (2.2-жадвал).

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**2.2-жадвал.**

**«Маънавият» номли медиатаълим технологиясидан фойдаланишнинг ўқитиш жараёни воситаси**

| № | Фанлар | Савол ва топшириқлар | Олинган жавоблар белгиси |
|---|---|---|---|
| 1 | «Тарбия» | 1.Тушунча бериш.<br>2.Ватан деганда нимани тушунасиз?<br>3.Халқ нима?<br>4.Яхши ва ёмон хулқ нима? ва ҳ.к. | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2. | «Табиий фан» | 1.Тушунча бериш.<br>2.Ватан гўзаллигини қандай тушунасиз?<br>3.Аждодларингиздан кимларни биласиз? ва ҳ.к. | |
| 3. | «Конституция алифбоси» | 1.Тушунча бериш.<br>2.Ҳуқуқ нима?<br>3.Урф-одат нима? ва ҳ.к. | |
| 4. | «Мусиқа», «Тасвирий санъат» | 1.Ватан ҳақида қўшиқ биласизми?<br>2.Халқпарварлик ҳақида қўшиқ қандай бўлади?<br>3. Гўзаллик деганда нимани тушунасиз?<br>4.Жонажон диёримиз табиатини тасвирланг. | |

«Маънавият» номли медиатаълим технологиясидан фойдаланишнинг *махсус тадбирлар шакли* асосий восита ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчи қуйидагиларни ҳафта давомида ўқувчиларнинг бўш вақтларида ўтказиб боради:

1) инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик тўғрисида суҳбатлар ва машғулотлар;

2) кечалар, байрамлар ва театрлаштирилган томошолар;

3) танловлар, кўриклар, фестиваллар ва мусобақалар;

4) китобхонлик тадбирлари, иншолар, баёнлар ва фикрномалар.

Бу тадбирлар натижалари ўқувчилар билан муҳокама қилинади, уларнинг фикр ва мулоҳазаларига эътибор қаратилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда «Маънавият» медиатаълим технологиясидан

фойдаланишнинг *мустақил ишлар* воситаси ўқувчилар билан индивидуал ишлаш ва уларга топшириқ беришга асосланади. Бунда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) инсон, халқ ва Ватан ҳақида шеър ёдлаш ва қўшиқ ўтказиш топшириғини бериш;

2) мазкур мавзуларга доир кинолар, спектакллар ва видеофильмларни кўришни тавсия этиб бориш;

3) шеърлар ёзиб келиш, суратлар чизиш ва буюмлар ясашни буюриш ва ҳ.к.

Мустақил ишлар воситаси ўқувчиларни рағбатлантирилиб боришни ва «Синф музейи»ни ташкил қилишни тақозо этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологиясидан фойдаланишнинг муҳим воситаларидан яна бири ўйинли технологиядир. Бошланғич синф ўқувчилар ўйинга қизиқувчан бўлади. Шунинг учун ўйинли технологиядан фойдаланиш маънавий тарбияни шакллантиришнинг самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларда муайян фаолликни юзага келтириш, шунингдек, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилишга хизмат қилувчи восита ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчи ўйинли технологиядан фойдаланишорқали болаларнинг маънавий ва ахлоқий камолотида, уларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришда катта тарбиявий таъсир қудратига эга эканлигини англаб етади. Ўқувчиларнинг турли касбларга бўлган қизиқиши ортади, маънавий дунёси шакллана бошлайди. Педагог олимларнинг таъкидлашича: «Ўйин ижтимоий тажрибани қайта яратиш ва ўзлаштиришга қаратилган фаолият тури бўлиб, унда инсонда ўз-ўзини бошқариш кўникмалари ривожланади» [92]. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда ўйинли технология жуда мос келади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси қуйидагиларни билиши ва уларга риоя қилиши тақозо этилади (2.8-расм).




**2.8.-расм.Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг ўйинли технологияси**

Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларининг маънавиятини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш учун технологик харитага эга бўлиши керак. Бу ўринда шундай технологик харита вариантига диққатингизни тортамиз (2.3-жадвал).

**2.3-жадвал.**

**Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавиятини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланишнинг технологик харитаси**

| Иш босқичлари вавақти | Фаолият | |
|---|---|---|
| | Тарбиячи | Тарбияланувчилар |
| 1-босқич. Тарбия жараёнига кириш (сентябрь) | 1.Мақсадни белгилаш.<br>2. Компьютерли технологияни қўллашга тайёрлаш. | 1. Ўрганади.<br>2.Тушунчага эга бўлади. |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.Бошланғич синф ўқувчиларга мақсадни тушунтириш. | |
| 2-босқич. Тарбия жараёнини амалга ошириш (1-чорак) | 1.Миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдириш.<br>2.Инсонпарварлик, ватан-парварлик ва халқпарварлик фазилатларини сингдириш.<br>3. Ижтимоий фаолликка ўргатиш. | 1.Ўзлаштиради.<br>2.Қабул қилади.<br>3.Фаоллашади. |
| 3-босқич. Якуний (ноябрь) | 1.Натижалар таҳлил қилинади.<br>2.Ютуқлар белгиланади.<br>3.Муаммолар ўрганилади ва навбатдаги тарбия жараёни режалаштирилади. | 1.Ўзаро савол-жавоб ўтказадилар.<br>2. Топшириқларни бажаради.<br>3. Мулоқотда бўлади. |

Бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш, уларнинг маънавиятини шакллантириш зарурияти таълим жараёнида сўнгги технологияларидан бири – бу медиатаълим воситаларидан, яъни электрон дарсликлар, компакт дисклар, аудио-видео касеталардан фойдаланишдир.Зеро, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш воситалари кўп. Лекин уларнинг энг маъқули ва қулайини танлаш тавсия этилади. Шу маънода қуйидаги технологик воситаларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1.*Анъанавий дарс технологияси.* Бу технология мазмунига кўра, синовдан ўтган ва мақбул шакллардан бири бўлган дарс орқали билим бериш мустаҳкамланиши керак. Чунки тушунтириш, шарҳлаш ва ўргатиш, ўзлаштиришгакўмаклашиш, ўқувчилар билан индивидуал ишлаш ҳамда жамоавий ишлаш анъанавий дарс усулига хосдир. Янги мавзуни тушунтириб, изоҳлаб бермасдан ўқувчига кутилган даражада билимбериш мумкин эмас.

Дарслик ва ёрдамчи ўқув адабиётлари матни устида ишлаш анъанавий дарс орқали билим бериш технологиясининг ядросидир.

Анъанавий билим бериш технологияси бошланғич синф ўқувчисининг онгини уйғотади, руҳини улғайтиради ва фикрлашга ўргатади. Бошланғич синф ўқувчисида «нега, нима учун, қандай» каби саволларнинг кўп бўлиши маълум, бу саволларга бир парча матн «ўқи» дейиш билан жавоб бериб бўлмайди. Ўқув-технологик жиҳозлардан оқилона фойдаланиш инкор этилмайди, аммо ўқувчи мавзу бўйича тушунча ҳосил қилдими, унда фикр ёки муносабат уйғотдими – бу муҳим масала.

Мавзулар бўйича тузилган тестлар, саволлар ва топшириқлар намуна тусида бўлмаслиги керак. Бунда ўқитувчи ва мураббий ўзи маъқул топган вариантлар асосида олиши лозим. Чунки ёрдамчи ўқув адабиётларида тақдим қилинаётган тестлар, саволлар ва топшириқлар тавсиявий характерда бўлишини унутиб бўлмайди.

Абу Али ибн Сино «Донишнома» асарида ҳикоя қиладики, «шогирдларга фалсафа илмидан сабоқ бераётган эдик ва улар турли ёшда эдилар.Бир куни балоғатга етмаган гўдаккина келди, ўзини Ибн Зайла деб таништирди ва мусиқа илмидан сабоқ беришимизни сўради. Хўп дедик ва мусиқа илми машҳур асарлари бўйича сабоқ бера бошлади. Сабоқ шакли бундай эди: дастлаб Ибн Зайлага мусиқа илми асарлари бўйича тушунтириш берамиз, кейин унга топшириқ бериб қўйиб, қолган ўқувчилар билан фалсафа илми сабоқлари устида ишлаймиз, қисқа муддатда Ибн Зайла мусиқа илмини ўзлаштириб олди...» [48]. Бунда Ибн Синонинг ютуғи болага матн устида ишлаш усули билан сабоқ берганидир. Чунки таълим стандартларига мос матн бола онгига тез сингади ва уни чалғишлардан сақлайди [81; 28-б.].

Анъанавий билим бериш технологиясининг уч мезони бор: 1) мавзуни ўзлаштириш; 2) мавзу бўйича фикрлашга кўниктириш; 3) навбатдаги мавзуни ўзлаштиришга болани мантиқий-руҳий тайёрлаш [31; 13-20 б.].

2. *Масофали таълим бериш технологияси.* Мазкур технология моҳиятига кўра, илғор педагог, ўқитувчи ва мураббийларнинг

тажрибаларини ўқув-техник воситалардан фойдаланиб оммалаштиришдир. Педагог олимлар тўғри таъкидлаганидек, масофавий таълим технологияси қуйидаги имкониятларга эга: 1) ўқишга ижобий ёндашувни таъминлаш;2) таълим олувчига йўналиш бериш; 3) методологик ва назарий билимларни эгаллашга имкон бериш;4) билиш фаолиятини мустақил ташкил этишни кучайтириш; 5) турли ахборотларга эга бўлиш ва ўзлаштиришдир [55; 25-26 б.].

Бошланғич синф ўқувчиларига масофали таълим бериш технологиясининг турли шаклларидан, шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай шаклларнинг асосийлари қуйидагилар: 1) Ўқув-техник воситалардан унумли фойдаланиб, бир таълим муассасасида тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини ташкил қилиш; 2) Туман (шаҳар)миқёсида илғор ўқитувчиларнинг машғулотларини ташкил этиш; 3) Вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида масофали таълим жараёнини ташкил қилиб, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш;4) Республика миқёсида машҳур педагоглар, олимлар ва мутахассисларнинг машғулотларини ташкил қилиш.

Масофали таълим аниқ режа, мақсадва мавзуга асосан ташкил қилиниши керак, унда ўқувчилар ва бошланғич синф ўқитувчилари бевоситафаол иштирок этиши лозим. Масофали таълим бериш технологияси илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириши, янги маълумотлар бериши ва таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг ўзаро ишончли мулоқатга киришишини таъминлаши билан аҳамиятга эга.

3. Таълим беришнингкомпьютерли технологияси. Бу технология мазмунига кўра, бошланғич таълимда мавжуд шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, компьютерасосида амалга оширилади. Бу борада мутахассислар якдил фикрга келганлар [5].

Компьютерли технология –ўқувчиларнинг саводхонлигини компьютер воситалари асосида шакллантириш жараёни бўлиб, бунда мавзуга оид материаллар компьютер хотирасига киритилиб ўқувчиларнинг эгаллаши

лозим бўлган билим, кўникма, ва малака ва компетенцияларни ўз хотирасида мустаҳкам эсда сақлаб қолишнинг техник-дидактик воситасидир. Бунга асос қилиб мавзуга доир назарий ва амалий маълумотлар, қизиқарли савол-жавоблар, тестлар, бошқотирмалар олиниши назарда тутилади. Компьютерли технология қуйидаги жиҳатлари билан ўзига хос хусусиятларга эга:

1) топшириқни тез ва қисқа муддатда бажаришлиги;

2) ўқув жараёнини оддийдан мураккабга қараб йўналтириб, қўшимча муваффақиятларни назарда тутиши ва мураккаб топшириқларга ўтиб бориши;

3) мақсадлар тизимида (кетма-кетлиги) муваффақиятларга эришишни таъминлаши;

4) ўқувчиларнинг маълумотларни қайта ишлаши, ундан фойдаланишни автоматлаштириши ҳамда унумли фойдаланиши.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини медиатаълим технологиялари воситасида шакллантиришда ўқитувчи-мураббийлар учун бир неча талаблар қуйилади. Бундай талабларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

-бошланғич синф ўқувчиларига компьютерда сабоқ беришҳафтада иккимартаданошмаслиги керак;

- компьютерда сабоқ бериш давомийлиги 20-25 минутдан ошмаслиги лозим;

- бошланғич синф ўқувчиларини дарс жараёнида фикрлашва сўзлаб беришига эришиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг компьютерда мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириши ва ҳоказо.

Компьютер технологиялари айнан мазкур мақсадларга тезкор эришиш имкониятларига эга.Бунда асосий масала мутахассислар ёрдамида тузилган ўқув дастури ва материалларига эга бўлишдир.

Таъкидланганлардан бошланғич таълимда ўқитишнинг анъанавий таълим бериш, масофали таълим ва компьютерли ўқитиш технологиялари

нисбатан мақбуллиги ва қулайлиги билан аҳамиятга эга. Мазкур технологиялардан унумли фойдаланиш учун мавжуд ўқув-техник воситалардан оқилона фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш ва унда машғулотларнинг мавзуларини белгилаб олиш, анъанавий ва замонавий тажрибалардан уйғун фойдаланиш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, таълим технологияларининг имкониятларидан ўринли фойдаланиш орқали ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш, таълим технологияларининг ўқувчи ва ўқитувчи учун қизиқарли бўлишини таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш керак.

Шундай қилиб умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масалада таъкидланганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:*биринчидан*, умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда инновацион воситалар тезкорлиги, янги маълумотларга бойлиги ва илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини амалга татбиқ этиши билан аҳамият касб этади;*иккинчидан*, медиатаълим технологиларибошланғич синф ўқувчиларининг тафаккури, дунёқараши,онгикўникмаларини янгича ёндашувлар асосида ривожлантириб бориш имконини беради; у*чинчидан*, технологик, методик ва амалий самарадорликни кучайтириш имкониятларини яратади.

Юқорида келтирилган маълумотлар, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги моделни таклифини киритамиз (2.9-расм).




**2.9-расм.Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш модели**

Мазкур модел асосида таълим ва тарбия тараёнида бошланғич синф ўқувчиларинингмаънавийтарбиясини шакллантиришда медиатаълим воситаларидан фойдаланишбошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий дунёқарашини, тафаккурини ҳар томонлама мукаммал шакллантириш, тарбиялаш методикасини такомиллаштириш имконияти кенгайтирилади. Медиатаълим воситаларидан тўғри ва унумлифойдаланиш, стратегик мақсаднинг тўғри қўйилиши иш самарадорлигининг оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертацияда, аввало, ижтимоий эҳтиёждан, Давлат таълим стандарти, «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда яъни болаларни ёшликдан маънавий шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси эканлигини эътиборга олган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларини маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим воситаларини таълим жараёнида қуллаш методикасини такомиллаштиришни мақсад қилиб олинган.

Тадқиқот доирасида биз тажриба синов ишларини «Тарбия», «Маънавият», «Алифбе», «Табиий фан»каби фанлардан ва тарбиявий соат дарслари жараёнида, оммавий тарбиявий тадбирларда медиатаълим воситаларидан фойдаландик. Унда бошланғич синф ўқувчиларинин гмаънавий-ахлоқий шаклланганлигини, улар онгига маънавий тарбия тўғрисидаги тушунчаларининг жой олганлигини, уларда маънавий ғояларнинг шаклланганлигини, маънавий тарбияга, маънавий дунёқараш ва тафаккурининг ҳамда маънавий фазилатларнинг ривожланганлигини натижавий мезонлар асосида аниқланди.

Мазкур модел асосида таълим ва тарбия тараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини,маънавий-ахлоқий

тафаккурини такомиллаштириш босқичлари ва уларнинг мазмунига қўйилган инновацион талаблар, шунингдек, тадқиқотнинг мазкур қисмидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда маънавий тарбияни шакллантириш даражалари бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тафаккурини, маънавий дунёқарашини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиларибилан биргаликда «Тарбия», «Тасвирий санъат»,«Технология», «Алифбе», «Табиий фан» фанларидан ва тарбиявий соат дарслари жараёнида, оммавий, тарбиявий тадбирларда медиатаълим воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошланғич синф ўқивчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш учун маънавий билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш муаммоларига оид тадқиқот маънавий тушунчаларнинг синганлик даражаси, .маънавий ғояларнинг шаклланганлик даражаси ва маънавий фазилатларга одатланганлик даражасикаби уч босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда, яънибошланғич синф ўқивчиларининг маънавий тушунчаларнинг синганлик даражаси ишлаб чиқилганда, таълим жараёни ҳолатини белгилаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларида билим олиш фаолиятининг даражаси аниқланди. Иккинчи босқичда нисбатан чуқур, доимий ва ҳар кунлик кузатув учун танланган тажриба ва назорат гуруҳларидагибошланғич синф ўқувчиларида маънавий ғояларнинг шаклланганлик даражаси, маънавий дунёқараши, тафаккури, ғоявий фикрлаш даражалари ўрганилди. Учинчи босқичда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий фазилатларга одатланганлик даражаси яъни маънавий фикрлаши, қобилияти, маданияти, маънавий тафаккурининг ривожланганлиги, топшириқларни мустақил ўзлаштирганлиги, муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиши аниқланди.

Диссертацияда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришгаижобий таъсир этувчи қуйидаги омиллар аниқланди: 1) ўрганилаётган таълим жараёнини янада чуқурроқ тушуниш ва мавжуд билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган медиатаълим топшириқлар: а)

ижодий топшириқлар; б) бошланғич синф ўқувчиларини изланишга ундовчи медиатаълим топшириқлари; 2)бошланғич синф ўқувчилари дарс ва дарсдан ташқари оммавий тарбиявий тадбирларда медиатаълим воситаларидан фойдаланиб, ўқув адабиётлари ҳамда электрон таълим ресурсларидан билим олиши; 3) бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбияни шакллантиришда ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига, хотирасининг мустаҳкам ривожлаишига, фикрлаш қобилиятини ўстиришга, топқирлигига, зеҳнининг ўткирлигига аҳамият бериш; 4) «Тарбия», «Технология», «Алифбе», «Тасвирий санъат», «Табиий фан»каби фанларини ўқитишда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш, медиатаълим воситаларини қўллаш имконияти; 5) ўқитувчи томонидан бошланғич синф ўқувчиларининг мустақиллиги ва фаоллигининг таъминланиши.

Тадқиқот дастурига бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясинимедиатаълим воситалари асосида шакллантиришни ўргатишнинг асосий талаблари киритилган. Шу боис бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясинимедиатаълим воситалари асосида шакллантириш назарий модель сифатида қаралди. Ушбу дастурга мос ҳолда юқорида келтирилган фанлардан олиб борилган ўқув машғулотларида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш жараёнини тадқиқ этишда бир қанча методлардан фойдаланилди. Булар: давлат таълим стандартлари ва ўқув режадаги соатлар миқдорини ҳисобга олиш, бошланғич синф ўқувчилари билан суҳбат, ўқувчиларнинг маънавиятга оид билимларни ўзлаштирганлиги билан танишиш, савол-жавоб, суҳбат, тест, анкета сўровлари ўтказиш.

«Технология», «Тарбия», «Алифбе», «Тасвирий санъат», «Табиий фан» дарсларидабошланғич синф ўқувчиларинингмаънавий тарбиясини шакллантиришнинг амалдаги ҳолатини ўрганишда ўқувчиларнингмуаммоли топшириқ ва вазифаларнимустақил бажаришида медиатаълимвоситаларидан унумли фойдаланилди.

## Иккинчи боб бўйича хулосалар

Ҳозирги кунда Республикамиз таълим тизими кенг имкониятлар, мақбул шароитлар ва ижтимоий муҳитга эга. Бу омиллар шахсни кутилган даражада вояга етказишимконини бермоқда.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларидан фойдаланиш кутилган самара бериши билан диққатни тортади. Бу инновацион технологиядан педагогик қонуниятлар асосида оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Республикамиздаги умумтаълим мактабларининг ҳозирги техник жиҳозланиши бунга имкон беради. Шу маънода буларнинг барчаси қуйидаги хулосаларга олиб келади:

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда медиатаълим технологияларининг асосий вазифаси педагогик қонуниятларга асосан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини матбуот материаллари асосида тезкор, аниқ ва мўлжалли шакллантиришдан иборат. Чунки, матбуот материаллари янгилиги, маълумотларга бойлиги, бойиб бориши ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Биз томонимиздан яратилган компьютерли «Маънавият» номли медиатаълим технологияси шакллантирилди, унинг компакт-дискли варианти умумтаълим муассасалари ва ZioNET порталига тақдим қилинади.

«Маънавият»номли медиатаълим технологиясидан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришда фойдаланиш ўқитиш жараёнида, махсус тадбирлар ва мустақил ишлар воситалари асосида амалга оширилади.

# III БОБ.МЕДИАТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ

## 3.1-§. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш кўрсаткичлари

Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизимни ишлаб чиқиш ва унинг натижалари асосида яратилган методиканинг самарадорлигини амалиётда қўллаш тажриба-синов ишларининг мақсадини ташкил этади. Бунинг учун бир қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Мазкур вазифалар тегишли тарзда қуйидаги босқичларда ҳал этилди.

1. Мавжуд ҳолатни ўрганиш босқичи. Бу босқичда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ўқувчиларнинг маънавий тарбия тўғрисидаги билимларининг мавжуд ҳолати ўрганилди. Ушбу вазифани амалга оширишда бошланғичтаълимнинг мазмунини ёритувчи директив-меъёрий ҳужжатлар мазмуни билан танишиш ва ўрганиш, бошланғич таълимда дарс бераётган ўқитувчилар, синф раҳбарлари, шунингдек, ота-оналар ва фан ўқитувчилари иштирокида суҳбат ҳамда баҳс-мунозалар ташкил этиш, улар билан анкета ва ижтимоий сўровларни ўтказиш, педагогик кузатувни олиб бориш, тажриба-синов ишларининг ҳаққонийлигини текширишга имкон берувчи тажриба ҳамда назорат гуруҳларини ташкил этиш, бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбияга оид билимларини таркиб топтириш ҳамда бу ишларни тизимлиравишда олиб боришга доир туркум машғулот турлари, турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, бу асосда дарсларни, тадбирларни ташкил этиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш каби кўринишдаги

фаолиятни кенг кўламда йўлга қўйиш режаси, дастурини ишлаб чиқиш муаммолари ҳал этилди.

2. Имкониятларни ўрганиш босқичи. Бу босқичда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга оид билимларини таркиб топтиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий омиллар аниқланди. Мазкур вазифани ҳал этиш учун машғулотлар жараёнида мавжуд манбалар мазмунининг назарий таҳлилига асосланган ҳолда тайёрланган машғулотлар ва тарбиявий тадбирлар лойиҳаси борасида бошланғич синф ўқитувчилари билан мулоқотларни ташкил этиш, уларнинг мулоҳазаларини инобатга олишга алоҳида аҳамият қаратилди. Чунки, бошланғич синф ўқитувчилари тажриба-синов ишларининг фаол субъектлари сифатида уларни дарслар ҳамда тарбиявий тадбирлар давомида маълум изчилликда, кетма-кетликда шакллантириб борилишига масъулдирлар.

3. Кичик ёшдаги ўқувчиларда фаолиятнинг барча турларининг ривожланишини эътиборга олиб маънавиятга оид билимларнинг қанчалик муҳим эканлигини тушунтириш босқичи. Бу босқичда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга оид билимларини шакллантириш замирида нималар яширинганлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

4. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш борасида юзага келувчи муаммоларни аниқлаб бориш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш босқичи. Бу борада бошланғич синф ўқитувчилари, фан ўқитувчилари, ота-оналар ва ўқувчилар билан суҳбатлар ташкил этиш, интервьюлар олиш, ўзаро тажриба алмашиш асосида амалга оширилди.

5. Медиатаълим технологиялarии асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга оид билимларини шакллантиришга қаратилган дарслар ва тарбиявий

тадбирлар лойиҳаси мазмунига ўзгартиришлар киритиш ва уларни такомиллаштириб бориш босқичи. Бу борада ҳам педагогларнинг олдида ушбу вазифаларни тўлақонли амалга ошириш турибди.

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов, Ғаллаорол туманлари, Тошкент шаҳар Миробод тумани ва Андижон вилоят Пахтаобод тумнидаги умумий урта таълим мактабларидаолиб борилди.

Таъкидловчи тажриба-синов ишларига юқоридаги 3 ҳудуд умумий таълим таълим мактабларининг 1719 та бошланғич синф ўқувчилари жалб этилди. Бошланғич синф ўқувчиларининг 720 нафари билан алоҳида суҳбат, савол-жавоблар ўтказилди ва ўқувчиларнинг маънавий тарбияга оид тушунчалари ўрганилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов учун Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг бошланғич синфлари, Ш.Рашидов туманининг 16-умумтаълим мактаби, Ғаллаорол туманининг 46-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синфлари ҳамда Андижон вилояти Пахтаобод туман халқ таълими бўлимига қарашли 26 ва 28-умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари,шунингдек, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110 ва 328-умумий ўрта таълим мактабларидан жами 1719 та ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқот мавзусининг назария ва амалиётдаги аҳволини ўрганиш, аввало мавжуд ҳолатнинг атрофлича таҳлили асосида умумий ўрта таълим мактаблари шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбияга оид билимларини медиатаълим технологиялари асосида шакллантиришнинг мазмуни ва методларини такомиллаштиришга қаратилиб, унда қуйидаги талабларга асосланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

1. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга оид билимларини шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб

чиқиш. Зеро, бошланғич синф ўқувчиларида тадқиқ этилаётган сифатларни шаклланганлигини белгилашнинг муайян талаблари мавжуд. Ишлаб чиқилган мезонлар шу талабни эътиборга олинишини таъминлайди.

2. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун яратилган Давлат талабларига таянган ҳолда маънавиятга оид бериладиган билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш асосида янгича таълим бериш ишларини йўлга қўйиш. Бу ишлар таълим мазмуни, методларини бойитишни ҳам назарда тутади.

3. Давлат талаблари асосида яратилган «Давлат таълим стандартлари»га минимум сифатида ёндашиб, бошланғич синф ўқувчиларига бериладиган билимларни тизимли ва такомиллашган ҳолда бериб боришга эришиш.

4. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга оид билимларини медиатаълим технологиясиасосида шакллантиришгаоид машғулотларни маънавий-маърифий тадбирлар билан ўзаро алоқадорлигини янада такомиллаштириш.

5. Бошланғич синфларда дарс ва дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишларда маънавиятга оид мавзулар ўртасида узвийлик, узлуксизлик ва тизимлиликка риоя қилиш.

6. Бошланғич синф ўқувчиларнинг маънавиятга оид тушунчаларини шакллантириш бўйича бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбиясини медиатаълим технологиялари асосида шакллантиришга оидкерак бўладиган базани яратиш.

7. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга оид машғулотларига доир янги, замонавий методик қўлланмалар ва адабиётлар билан таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган талабларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилди:

1. Тажриба-синов ишларини ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқилди;

2. Бошланғич синф ўқитувчилари, ўқувчилар учун анкета саволлари тузилди;

3. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш учун шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини медиатаълим технологиялари асосида шакллантиришгақаратилган методика, машғулот ишланмалари ва бошқа жиҳозлар тайёрланди.

4. Шакллантирувчи тажриба-синов ишларини ўтказишда қатнашувчи бошланғич синф ўқитувчилари билан тушунтириш ишлари, суҳбатлар ўтказилди, уларга методик тавсиялар берилди;

5. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шаклланганлик даражасини аниқлашнинг мезонлари ишлаб чиқилди.

Медиатаълим технологиялариасосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга қаратилган методика ва у асосда ишлаб чиқилган дастур, машғулот ишланмаларини тажриба-синовдан ўтказишда тажриба-синов материалларининг бир қисми ҳисобланмиш машғулотлар ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш методикаси ва машғулот ишланмалари, бошланғич синф ўқитувчиларига тақдим этилди.

Бу борада аввало бошланғич синф ўқитувчилари олиб борилаётган илмий тадқиқот ишининг мақсади, вазифаси, методлари ва уларни ўтказишдан кутиладиган натижалар билан таништирилди. Тажриба-синов ишларида бошланғич синф ўқитувчиларитомонидан ўтказилган дарс машғулотлари жараёнидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим жараёнини ташкил этишда дарслардан, (ноанъанавий, замонавий технологиялар асосида қурилган компьютер технологияси мужассам), ўйинлардан (таълимий, сюжетли, саҳналаштирилган ва ҳоказо) фойдаланилади. Дарслар ҳам ўз навбатида ўқувчиларга тушунарли ва

қизиқарли бўлиш мақсадида медиатаълим технологиялари асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Биз қуйида ишлаб чиққан ва у асосда тажриба-синов ишлари олиб борилган экспериментал дастур ҳақида тўхталишданаввал анъанавий таълим амалиётидаги дастурданбир қанча жиҳатлари билан фарққилишини таъкидлаймиз. Яъни «Давлат таълим стандарти»даўқитувчилар учун мўлжалланганқўлланмада маънавият тушунчаларини шакллантиришга оид дарслар аниқ тизимга солиб берилмаган. Шундай бўлса-да, тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини медиатаълим технологиялари асосида шакллантиришгаоид дарс ва тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва олиб боришда бу жиҳатларга ўзгартириш кирита оладилар. Лекин,ёш ва тажрибаси етарли бўлмаган бошланғич синф ўқитувчилари ўз фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги таъкидловчи тажриба-синов ишларини олиб бориш натижасида аниқланди.

Тажрибаларшуни кўрсатдики, медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш ишлари асосан ўқувчи кўриб турган ва унда ўзи иштирок этиши асосида амалга оширилиши, маънавий-маърифий тадбирлар туркумига кирувчи дарсларни бошланғич синфлардаги фанларасосида интеграциялашган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Биз тажриба-синов ишларини ташкил этишда ана шу томонларга алоҳида эътибор қаратдик.

## 3.2-§. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари ва натижалари

Умумий ўрта таълиммуассасаларидабошланғич синф ўқувчиларига таълим ва тарбия бериш жамият ижтимоийтараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатданҳамбошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини

шакллантириш бўйича ўз имкониятини тўларoқ рўёбга чиқаришда юксак даражадаги маънавияттушунчаларини мукаммал англаб етишлари, уни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва фойдали йўлини танлаш уқувини эгаллашидабошланғич синф ўқитувчисининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбияси айнан бирор бир фаннинг таркибида ўргатилмайди. Лекин, бошланғич таълимда ўтиладиган «Она тили», «Алифбе» «Тасвирий санъат», «Табиий фан», «Технология» ва «Тарбия»дарсликларидаги мавзулар ҳамда турли хил тарбиявий тадбирлар асосида бошланғич синф ўқувчилари онгида маънавий тарбияга оид мавзулар бўйича ўз билимларини оширадилар. Бунда анъанавий ва ноанъанавий дарслар, амалий ўйинлар, мавзули баҳслар, ўқув-амалий конференциялар, турли хил тарбиявий тадбирлар, дарс бериш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш билан қўшиб олиб борилиши керак. Айниқса ўқув машғулотларини технологиялар асосида амалга ошириш муҳим. Чунки, ўқув жараёнидаги технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолотланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир. Дарсларни ўтишда ноанъанавий методларни қўллаш, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи учун масъулиятли вазифадир.

Ушбу юксак вазифаларни ҳал этишда ўқитувчи ҳар бир машғулотни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиши, дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган фаннинг хусусиятидан, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган ва лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Ҳозирги замон таълимжараёни кенг имкониятларга эга. Шу маънода бу жараёнда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга тайёрлашнинг ўзига хос **шакллари** ҳам мавжуд. Бу ўринда бу масала таҳлилига эътиборингизни тортамиз.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга тайёрлашнинг муҳим шаклларидан бири **педагогик топшириқдир** [41; 208-б.]. Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларига маънавиятга доир педагогик топшириқ берилиб, унинг натижалари ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилинади ва баҳоланади. Бизнинг ёндашувимизга кўра, педагогик топшириқни қуйидаги мавзулар асосида бериш мумкин:

1.Маънавият ўзи нима?

2. Бошланғич синф ўқувчилари маънавий тарбияни қандай тушунади?

3. Маънавий тарбиянингшахс ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтиринг?

4. Маънавий тарбияни шакллантиришомилларига нималар киради?

5. Маънавий тарбиянинг маъно ва мазмуни ҳақида сўзлаб беринг?

6. Маънавиятли ўқувчи деб кимни биласиз? Мисоллар келтиринг.

Педагогик топшириқ бир неча мезонлар асосида бажарилишини таъкидлаш жоиз. Бундай мезонларнинг асосийлари қуйидагилардир:

-ёзма кўринишида бажарилиши;

- мустақил бажарилиши;

- асл тусга эга бўлиши.

Педагогик топшириқ бошланғич таълимда ўқитиладиган барча фанларни ўқитиш жараёнида изчил ва мунтазам бериб борилади. Баъзи педагогик топшириқлар ўқувчилар гуруҳи томонидан ҳам бажарилиши мумкин.

Педагогик топшириқ ижроси баҳолангач, ўқитувчи томониданўқувчиларда маънавий тарбия ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланганлик даражаси ташхисланиб борилади.

Таълим муассасалари тизими бошланғич синфларда ўқувчиларига маънавий тарбияни шакллантириш муҳим омил вазифасини бажармоқда. Чунки «тинчлик ва фаровонлик аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган ҳар бир инсоннинг орзу-умиди ҳаёт талабига айланиб кетган интилишларини ўзида мужассам этган» Маънавиятнинг асосий мазмуни демократик давлат ва фуқаролик жамиятимизда миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш жараёни ташкил этади [51; 347-б.].

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия ишлари жаҳон андозалари даражасида олиб борилмоқда. Бу борада мустақиллик йилларида ўзига хос тажриба тўпланди. кейинги вазифамиз таълим-тарбия жараёнини янада кучайтириш ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази томонидан ишлаб чиқилаётган таълим ҳужжатлари, адабиётлар ҳамда тавсияларни амалиётга изчил тадбиқ этишдан иборат. Шу маънода бошланғич синфларда маънавият тушунчаларини сингдириш таълим-тарбия ишларини кучайтиришга хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг турли хил **шаклларидан** фойдаланилади. Улардан энг қулай ва мақбулларини реал шарт-шароит ҳамда вазиятлардан келиб чиқиб танлаб олиш керак бўлади. Бунда бошланғич синф ўқитувчилари, мураббийлари ва педагогик жамоанинг ижодий ёндашиши, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масалада биз қуйидаги оммавий ва тажрибадан ўтганшаклларни тавсия қиламиз (3.1-расм).

Ушбу расмдаги шакллардан энг оммавийси дарс жараёни бўлиб, ундан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маънавият тушунчаларини бошланғич синф ўқувчилари онгигадарс машғулотларидасингдириш тажрибада синаб кўрилганлигини қайд этиб ўтиш жоиз:

-Она тили;

-Табиий фан;

-Тарбия;

-Тасвирий санъат;

-Технология.




**3.1-расм. Бошланғич синфларининг маънавий тарбиясини шакллантириш шакллари**

Мазкур фанлар бўйича мавзуларни тушунтираётганда ва матнларни шарҳлашдаюрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ғояларининг маъно-мазмунини тушунтириб, маънавий тарбиянингнима эканлигини ўргатиш имкониятлари мавжуд. Шу жиҳатдан қуйидаги маълумотларга эътибор беринг:

Юрт тинчлиги – миллий ғоямизнинг асосий ғояларидан бири, «тинчлик – инсоннинг хаётий эҳтиёжи эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир» [1; 2; 3; 4; 5]. Юрт тинчлигига оила ва маҳалладаги тинчлик асос бўлади. Юртнинг тинчлиги минтақа ва бутун жаҳон тинчлигига таъсир кўрсатади. Дунёда 250 дан ортиқ мамлакат бор, лекин уларнинг барчасида тинчлик мавжуд деб бўлмайди. Ким тинчликсевар бўлса, у маънавий баркамол ҳисобланади.

Халқ фаровонлиги – миллий ғоямизнинг асосий ғояларидан бири, у «халққа муносиб турмуш шароити яратишни ифодалайди» [4]. Бошланғич синф ўқувчиларига «халқ», «фаровонлик», «муносиб турмуш тарзи» тушунчаларининг маъно-мазмунини, уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини

англатиш билан халқ фаровонлиги ғоясини тарғибот қилиш амалга оширилади.

Зеро, бу маълумотларни дарс жараёнида ўз вақтида билан ўқувчилар онгига сингдириб бориш керак. Бунда ўқувчиларга ҳикоялар ўқитиш ва шарҳлаш, суҳбат ва баён ёзиш каби воситалар кутилган самарани беради.

Бошланғич синфларда маънавий тарбиясини шакллантиришда тарбиявий ишлар шакли муҳим аҳамиятга эга. Бу ишлар мақсадли равишда имкон қадар экскурция, суҳбат ва турли тарбиявий тадбирлар воситасида амалга ошириш керак. 2013 йил 1-январдан бошлаб бошланғич синфлар учун ҳафтасига бир соатлик «Маънавият»дарси киритилгани маълум. Мазкур машғулотдан унумли фойдаланиш ваунинг учун биз томонимиздан тадқиқотимиз доирасида яратган намунавий дастурни тавсия қиламиз.

Тарбиявий ишларда бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бирламчи ҳисобланади. Чунки маънавий тарбия маънавиятлиликнинг асосини ташкил қилади. Шу маънода педагог олимларимиз тўғри қайд этишганидек, «фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосини ташкил этмоғи керак» [18]. Тарбиявий ишларда маънавият тушунчаларинишакллантириш дидактик ўйинлар, мусобақалар, кўриклар ва танловлар ўтказишга ҳам асосланиши керак. Шунда ўқувчиларнинг ҳаракатчанлиги ошади.

Бошланғич синфларда маънавият тушунчаларини таркиб топтиришнинг яна бир муҳим шаклларидан бу –тўгараклар ҳисобланади. Унга кўра, дарсдан бўш вақтларда бошланғич синф ўқувчилари учун, «Маънавият тарғиботчиси» номли тўгарак ташкил қилинади. Тўгаракда маънавият тушунчаларини шакллантириш бўйича машғулотлар, расмлар, шеърлар ва ижодий ишлар танловлари ўтказилади. Асосий эътибор бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришга қаратилади. Бундай тўгаракларнинг мунтазам фаолият юритиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг мақбул ва қулай шаклларини танлаш ўқитувчилар ва мураббийлар зиммасидадир. Улар реал шароит ва имкониятларга мос, кутилган самарани берадиган шаклларни танлаши керак. Ҳозирги таълим-тарбия жараёнининг ривожи бунинг учун имконият бера олади. Ўқитувчи ва мураббийларнинг фидоийлиги бу ишда бирламчи асос ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш мақсадли мезонларга асосланади. Мезонлар – бу муайян таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган эҳтиёжлар, талаблар ва кўрсаткичлар меъёридир. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг дидактик, методологик ва педагогик мезонларини аниқлаштириб олиш долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

Бизнинг назаримизда, мазкур масалада Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонунннинг 4, 5, 12, 26-моддаларидан келиб чиқиб, бошланғич синфлар ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг асосий мезонлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- билим бериш;
- тайёрлаш;
- тарбиялаш;
- кўникма ҳосил қилиш;
- йўналтириш.

Мазкур мезонларни бу ўринда шарҳлаб ўтиш мақсадга муофиқдир.

Билим бериш – маънавий тарбияни дарсларда, тарбиявий ишлар ва тадбирлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларига дастлабки тарзда тушунтиришга асосланади. Бунда мазкур тоифа ўқувчиларининг ёш, имконият ва психологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Энг асосий мақсад маънавият, Ватан тушунчалари, мадҳия, давлат байроғи ва герби ҳақида

ўқувчиларда тўлиқ тушунчаҳосил қилишдир. Бу билан маънавият тўғрисида дастлабки билим беришга эришилади.

Юсуф Хос Ҳожиб (1018-1088) «Қутадғу билиг» асарида «билим кишини бекка айлантиради» - дейди [89; 71-б.]. Бунинг маъноси шуки, ижтимоий онгни шакллантирувчи билим шахсни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиради.

Тайёрлаш – бу бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини кейинги синфларда ҳам чуқур шакллантиришга психологик жиҳатдан тайёрлашдир. Бунда бошланғич синф ўқувчилари маънавият тушунчаси тўғрисида тайёргарликка эга бўлишлари керак. Улардаижтимоийлик, тушунувчанлик ва фикрлаш элементларини таркиб топтириш асосий мақсад ҳисобланади.

Тарбиялаш - бошланғич синф ўқувчилари хулқ-атворида ўз ифодасини топган маънавиятлилик, ватанпарварлик, халқпарварлик, ўзаро ҳамкорлик, инсонпарварлик каби фазилатлар асосида шакллантиришдир. Бошланғич синф ўқувчилари янги жамоага мослашиш босқичида бўлади. Шу сабабли таъкидланган фазилатлар муҳим омиллар ҳисобланади.

Кўникма ҳосил қилиш - бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий онгни шакллантиришдир. Унда билимлар оламига олиб кириш, тушунчалар ҳосил қилиш ва тасаввур уйғотиш бирламчи ҳисобланади. Бу билан бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий онг шаклланиш жараёнига киради ва уларнинг фикрлаш доираси кенгаяди.

Йўналтириш **-** бу бошланғич синф ўқувчиларини эзгу мақсад-муддаога, етуклик, Ватан ва ўзгалар учун фидойи бўлишга даъват қилишдир. Бу борада бошланғич синф ўқувчилари мобил алоқа воситаси ёки компьютер ўйинларидан фойдалансин, лекин улар бундан мақсадли фойдаланишни билиши керак.

Зеро, билим бериш, тайёрлаш, тарбиялаш ва йўналтириш бошланғич синфларда маънавий тарбиясини шакллантиришни таркиб топтиришнинг муҳим мезонлари ҳисобланади. Баъзида бошланғич синф

ўқувчиларидамаънавий тарбияни шакллантириш асослими, -деган мулоҳаза туғилади. Барчага бир ҳақиқат аёнки, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий онг шаклланиш босқичида бўлади. Маънавиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан шахсда ижтимоий онгни шакллантириш эканлигини унутиб бўлмайди.

Болада ижтимоий онг оила ва мактабгача таълим муассасаларида шаклланиш бошланса-да, лекин муайян сабабларга кўра турли даражада бўлади. Шу сабабли бошланғич синфларда ижтимоий онг коррекция қилинади ва бунда маънавият тушунчасига, миллий ғоямизнинг асосий тушунчаларига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошланғич синфларда маънавий тарбияни шакллантириш учун бошланғич синф ўқитувчилари маънавият тўғрисида чуқур билимга, маънавият тўғрисида кенг тушунчага эга бўлиши, уни ҳосил қилиш методларидан хабардор бўлиши ва энг мақбул воситалардан унумли фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши ҳам керак. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчилари ва мураббийлари ўз устида изчил ишлаб боришларини тақозо этади. Шу маънода медиатаълимтехнологияси асосида бошланғич синф ўқувчиларига маънавий тарбияни сингдириш мактабдаташкил қилинадиган маънавий тарбиянинг бирламчи, лекин энг муҳим босқичи эканлиги билан характерланади. Бу босқичда олиб бориладиган маънавият тушунчаларининг самарадорлиги кейинчалик маълум бўлади ва шу сабабли уни **баҳолаш** ҳам вақтинчалик нисбий характерга эга бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш самарадорлигига эришиш учун ўқитувчи аввало бир неча педагогик **қонуниятларга** риоя қилиши керак. Бу қонуниятларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1) « Ҳар бир бола тимсолида шахсни кўриш»;

2) Шахс – бу «ижтимоий, маънавий ва ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган инсон»дир;

3) Маънавий тарбия асосларини чуқур билиши;

4) Маънавият тарғиботчиси кўникмасига эга бўлиш.

Бунда **маънавий тарбия –**«муайян шахс, жамоа гурух, жамият ёки миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлақий ва маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёни» эканлигини билиши.

**Маънавият тарғиботчиси –** « янгиликларни англашга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаатлари йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард ва фидоий бўлиши лозим»  эканлигини англашидир.

Мазкур қонуниятларга ўқитувчи томонидан риоя қилиниши бошланғич синфларда маънавий тарбияни шакллантиришнинг самарали бўлишига олиб келади. Бу масалада самарадорликни оширишда қуйидаги **уч мезонга** асосланиш мақсадга муофиқдир:

1. Бошланғич синф ўқувчилари онгида маънавий тушунчаларнинг эгалланганлик даражаси;

2. Бошланғич синф ўқувчилари дунёқарашида соғлом ғояларнинг шаклланганлик даражаси;

3. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий фазилатларга одатланганлик даражаси.

Бу мезонлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш ишлари тартиблиташкил қилинса маънавий тарбиянинг самарадорлигини ошириш мумкин (3.2-расм).

Бунда:

1) «Нисбатан» – аъло;

2)«Талаб даражасида» – яхши;

3) «Қониқарли» – ўрта;

4)«Қониқарсиз» – қуйи.

Мазкур аниқлаш моделини биз 2014-2016 ўқув йилида, 2016-2018 ўқув йилида, 2018-2021 ўқув йилларида юқорида номлари қайд этилган мактабларнинг бошланғич синфларида олиб бордик.




**3.2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш самарадорлиги**

Бунинг учун аввало бошланғич синфларнинг тарбиявий соатларида машғулотлар ташкил қилинди, савол-жавоблар, тренинглар, учрашувлар ва машқлар ўтқизилди .

Синов ишларида иштирок этган бошланғич синф ўқувчилари билан олиб борилган тажриба натижалари қуйидаги кўрсатгичларни берди:

маънавий тушунчаларни ўзлаштириш: нисбатан – 14,1 %, талаб даражасида – 13,9 %; қониқарли – 64,1 %, қониқарсиз – 8,9 %;

2) маънавий фазилатларнинг шаклланганлиги: нисбатан – 18,3 %, талаб даражасида – 16,4 %; қониқарли – 63,1 %, қониқарсиз – 4,1 %;

3) маънавий сифатларга одатланганлиги: нисбатан – 21,0 %, қониқарли – 58,1 %, қониқарсиз – 3,6 %.

Зеро, ўтказилган тажриба-синов ишлари кутилган ижобий натижасини берганлигини қайд этиш жоиз. Яъни, умумий натижа фоиз ҳисобида: аъло – 53,4 %, яхши – 47,6 %, қониқарли – 18,54 % ни ташкил этган.

Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий тарбияни шакллантиришнинг самарадорлигини бахолашда икки муҳим ва анъанавий жиҳатни ҳисобга

олиш мақсадга мувофиқ ҳисоланади. Булар: а) бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тушунчаларни эгаллашга кўникканлиги; б) бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий фазилатларга одатланганлиги.

Ушбу кўниктириш ва одатлантириш кўрсаткичлари маънавий тарбияни шакллантириш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳисобланади. Бундай баҳолаш бошланғич синфўқитувчиларининг маънавий тарбиядаги маҳоратини намоён қилади. Агар бошланғич синф ўқитувчиси маънавий тарбиямасаласида касбий етук бўлса, бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий онги, маънавий дунёқараши ва маънавий ахлоқи талаб даражасида шаклланади. Шу жиҳатдан мазкур тоифа ўқитувчиларига маънавият тушунчаларини сингдирувчи сифатида қуйидаги касбий талабларни қўйиш мумкин:

-бошланғич синфларда маънавий тарбияни илмий, услубий ва аниқлик тамойилларига асосан ташкил қилиш;

-маънавий тарбияни шакллантиришга доир мос методлар, усуллар ва воситаларни танлай олиш;

- бу жараёндаги маънавият тушунчаприни сингдириш самараларини баҳолай билиш.

Бу касбий талаблар бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий ва фаолият кўламини кенгайтиради.

Шундай қилиб бошланғич синфларда ташкил қилинадиган маънавият тушунчалари самарадорлигини баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятдарда илмийлик, обьективлик, реал шароит ва вазиятлар билан боғлиқлик, таълим-тарбиявийлик ҳамда амалий натижавийлик бирламчи ҳисобланади.

## 3.2-§. Медиатаълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари натижалари

Тажриба синов ишлари республикамизнинг умуий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида ташкил этилиб унда Жиззах, Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманидаги мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари қатнашди. Бу ўқувчилар тажриба ва назорат синфларига ажратилди. Қуйида тажриба-синов ишларида иштирок этган респондент ўқувчилар тўғрисидаги маълумот келтирилди:

1. Жиззах вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари жами: 562 нафар, шундан тажриба синфларида 280 нафар, назорат синфларида 282 нафар ўқувчи иштирок этди.

2.Тошкент шаҳар Миробод туманда жойлашган умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари жами: 725 нафар, шундан тажриба синфларида 363 нафар, назорат синфларида 362 нафар ўқувчи иштирок этди.

3.Андижон вилоят Пахтаобод туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари жами: 432 нафар, шундан тажриба синфларида 215 нафар, назорат синфларида 217 нафар ўқувчи иштирок этди. Жами: 1719нафар, шундан тажриба синфларида 858 нафар, назорат синфларида 861 нафар ўқувчи иштирок этди.

Ушбу ўқувчилар тажриба синов ишларидаги 3 та мезон буйича тажриба-синов бошида ва тажриба-синов ишлари охирида ўтказилган сўровлар, сухбатлар, турли хилдаги топшириқларни бажариши натижасида олинган бахоларга нисбатан шакллантирилди. Уларнинг натижалари қўйидаги жадвалда келтирилди (3.1-жадвал).

**3.1-жадвал.**

## Тажриба-синов бошида олинган натижалар

| № | Мезонлар | | Маънавий тушунчаларнинг синганлик даражаси | | Маънавий ғояларнинг шаклланганлик даражаси | | Маънавий фазилатларга одатланганлик даражаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Сони | % да | Сони | % да | Сони | % да |
| Жиззах вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблар | Тажриба синфлари | аъло | 15 | 5,4 % | 13 | 4,6 % | 10 | 3,6 % |
| | | яхши | 45 | 16,1 % | 40 | 14,3 % | 36 | 12,9 % |
| | | Қониқарли | 200 | 71,4 % | 196 | 70,0 % | 193 | 68,9 % |
| | | Қониқарсиз | 20 | 7,1 % | 31 | 11,1 % | 41 | 14,6 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 16 | 5,7 % | 12 | 4,3 % | 12 | 4,3 % |
| | | яхши | 47 | 16,7 % | 42 | 14,9 % | 35 | 12,4 % |
| | | Қониқарли | 198 | 70,2 % | 195 | 69,1 % | 192 | 68,1 % |
| | | Қониқарсиз | 21 | 7,4 % | 33 | 11,7 % | 43 | 15,2 % |
| Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари | Тажриба синфлари | аъло | 19 | 5,2 % | 16 | 4,4 % | 13 | 3,6 % |
| | | яхши | 52 | 14,3 % | 46 | 12,7 % | 40 | 11,0 % |
| | | Қониқарли | 268 | 73,8 % | 255 | 70,2 % | 250 | 68,9 % |
| | | Қониқарсиз | 24 | 6,6 % | 46 | 12,7 % | 60 | 16,5 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 20 | 5,5 % | 17 | 4,7 % | 14 | 3,9 % |
| | | яхши | 51 | 14,1 % | 45 | 12,4 % | 38 | 10,5 % |
| | | Қониқарли | 271 | 74,9 % | 256 | 70,7 % | 251 | 69,3 % |
| | | Қониқарсиз | 20 | 5,5 % | 44 | 12,2 % | 59 | 16,3 % |
| Андижон вилоят Пахтаобод туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари | Тажриба синфлари | аъло | 19 | 8,8 % | 11 | 5,1 % | 10 | 4,7 % |
| | | яхши | 52 | 24,2 % | 35 | 16,3 % | 32 | 14,9 % |
| | | Қониқарли | 268 | 124,7 % | 141 | 65,6 % | 135 | 62,8 % |
| | | Қониқарсиз | 24 | 11,2 % | 28 | 13,0 % | 38 | 17,7 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 13 | 6,0 % | 10 | 4,6 % | 9 | 4,1 % |
| | | яхши | 44 | 20,3 % | 36 | 16,6 % | 33 | 15,2 % |
| | | Қониқарли | 142 | 65,4 % | 142 | 65,4 % | 136 | 62,7 % |
| | | Қониқарсиз | 18 | 8,3 % | 29 | 13,4 % | 39 | 18,0 % |
| Жами | Тажриба синфлари | аъло | 53 | 6,2 % | 40 | 4,7 % | 33 | 3,8 % |
| | | яхши | 149 | 17,4 % | 121 | 14,1 % | 108 | 12,6 % |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Қоникарли | 736 | 85,8 % | 592 | 69,0 % | 578 | 67,4 % |
| | | Қоникарсиз | 68 | 7,9 % | 105 | 12,2 % | 139 | 16,2 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 49 | 5,7 % | 39 | 4,5 % | 35 | 4,1 % |
| | | яхши | 142 | 16,5 % | 123 | 14,3 % | 106 | 12,3 % |
| | | Қоникарли | 611 | 71,0 % | 593 | 68,9 % | 579 | 67,2 % |
| | | Қоникарсиз | 59 | 6,9 % | 106 | 12,3 % | 141 | 16,4 % |

Тажриба-синовда қатнашган респондентлар дастабки натижаларида тажриба ва назорат синфларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари 61 % ни ташкил этди, уларнинг сифат кўрсаткичлари эса яъни ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини шакллантириш, уларнинг дунёқарашида соғлом ғояларнинг шаклланганлиги ва маънавий фазилатларга одатланганлиги ўртача тажриба гурухларида 19,6 % ни, назорат гурухларида эса 19,2 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткичларнинг пастлиги татқиқот ғояларини илгари суриш ва уларнинг умумий кўрсаткичларини ошириш мақсадида ўтказилди (3.3-расм).




**3.3-расм.Мезонлар буйича ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Тажриба-синов ишларида тадкиқот ғояларини илгари суриш ва қўлланилган метод ва воситаларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўқувчилар билан якуний синов бўйича уларнинг билим даражаси аниқланди ва қўйидаги жадвалда келтирилди (3.2-жадвал).

**3.2-жадвал.**

## Тажриба якунида олинган натижалар

| № | Мезонлар | | Маънавий тушунчаларнинг синганлик даражаси | | Маънавий ғояларнинг шаклланганлик даражаси | | Маънавий фазилатларга одатланганлик даражаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сони | % да | сони | % да | сони | % да |
| Жиззах вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблар | Тажриба синфлари | аъло | 58 | 20,7 % | 39 | 13,9 % | 30 | 10,7 % |
| | | яхши | 138 | 49,3 % | 123 | 43,9 % | 121 | 43,2 % |
| | | Қониқарли | 82 | 29,3 % | 116 | 41,4 % | 128 | 45,7 % |
| | | Қониқарсиз | 2 | 0,7 % | 2 | 0,7 % | 1 | 0,4 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 19 | 6,7 % | 16 | 5,7 % | 14 | 5,0 % |
| | | яхши | 56 | 19,9 % | 44 | 15,6 % | 41 | 14,5 % |
| | | Қониқарли | 195 | 69,1 % | 216 | 76,6 % | 221 | 78,4 % |
| | | Қониқарсиз | 12 | 4,3 % | 6 | 2,1 % | 6 | 2,1 % |
| Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари | Тажриба синфлари | аъло | 57 | 15,7 % | 48 | 13,2 % | 38 | 10,5 % |
| | | яхши | 178 | 49,0 % | 165 | 45,5 % | 146 | 40,2 % |
| | | Қониқарли | 126 | 34,7 % | 149 | 41,0 % | 178 | 49,0 % |
| | | Қониқарсиз | 2 | 0,6 % | 1 | 0,3 % | 1 | 0,3 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 22 | 6,1 % | 19 | 5,2 % | 16 | 4,4 % |
| | | яхши | 58 | 16,0 % | 56 | 15,5 % | 48 | 13,3 % |
| | | Қониқарли | 275 | 76,0 % | 280 | 77,3 % | 291 | 80,4 % |
| | | Қониқарсиз | 7 | 1,9 % | 7 | 1,9 % | 7 | 1,9 % |
| Андижон вилоят Пахтаобод туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари | Тажриба синфлари | аъло | 38 | 17,7 % | 33 | 15,3 % | 27 | 12,6 % |
| | | яхши | 120 | 55,8 % | 99 | 46,0 % | 91 | 42,3 % |
| | | Қониқарли | 54 | 25,1 % | 81 | 37,7 % | 96 | 44,7 % |
| | | Қониқарсиз | 3 | 1,4 % | 2 | 0,9 % | 1 | 0,5 % |
| | Назорат синфлари | аъло | 15 | 6,9 % | 12 | 5,5 % | 12 | 5,5 % |
| | | яхши | 51 | 23,5 % | 38 | 17,5 % | 25 | 11,5 % |
| | | Қониқарли | 144 | 66,4 % | 161 | 74,2 % | 173 | 79,7 % |
| | | Қониқарсиз | 7 | 3,2 % | 6 | 2,8 % | 7 | 3,2 % |

<table>
<tr><td rowspan="8">Жами</td><td rowspan="4">Тажриба синфлари</td><td>аъло</td><td>153</td><td>17,8 %</td><td>120</td><td>14,0 %</td><td>95</td><td>11,1 %</td></tr>
<tr><td>яхши</td><td>436</td><td>50,8 %</td><td>387</td><td>45,1 %</td><td>358</td><td>41,7 %</td></tr>
<tr><td>Қониқарли</td><td>262</td><td>30,5 %</td><td>346</td><td>40,3 %</td><td>402</td><td>46,9 %</td></tr>
<tr><td>Қониқарсиз</td><td>7</td><td>0,8 %</td><td>5</td><td>0,6 %</td><td>3</td><td>0,3 %</td></tr>
<tr><td rowspan="4">Назорат синфлари</td><td>аъло</td><td>56</td><td>6,5 %</td><td>47</td><td>5,5 %</td><td>42</td><td>4,9 %</td></tr>
<tr><td>яхши</td><td>165</td><td>19,2 %</td><td>138</td><td>16,0 %</td><td>114</td><td>13,2 %</td></tr>
<tr><td>Қониқарли</td><td>614</td><td>71,3 %</td><td>657</td><td>76,3 %</td><td>685</td><td>79,6 %</td></tr>
<tr><td>Қониқарсиз</td><td>26</td><td>3,0 %</td><td>19</td><td>2,2 %</td><td>20</td><td>2,3 %</td></tr>
</table>

Тажриба-синов ишларида олинган якуний натижаларда тажриба синфларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 61 % дан 72.7 % га ошганлигини, назорат синфларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари эса 61 % дан 64.1 % га ошганлигни кўриш мумкин. Уларнинг сифат кўрсаткичлари эса яъни ўқувчиларда маънавий тушунчалар сингдирилиб, уларнинг дунёқарашида соғлом ғояларнинг шаклланганлиги ва маънавий фазилатларга одатланганлилик даражаси тажриба синфларидаўртача 19.6 % дан 60.2 % га ошганлигни, назорат синфларида эса 19.2 % дан 21.8 % гача ошганлигини кўриш мумкин.

Ушбу қиёсий таҳлил натижаларини нормал тақсимотга бўйсинишини, самарадорлик кўрсаткичларини, олиб борилган татқиқот ишлари дастлабки натижалардан самарали эканлигини исботлаш мақсадида математик статистик усулларидан фойдаланилди.

Статистик гипотеза сифатида $H_0$ - танлаб олинган танланмаларнинг билим даражалари бир биридан фарқ қилмайди,$H_1$ - танлаб олинган танланмаларнинг билим даражалари бир биридан фарқ қилади. Бошқача айтганда $H_0$- тажриба синфларида олиб борилган татқиқот ишлари назорат синфларидаги тажриба ишларидан фарқ қилмайди яъни самара мавжуд эмас, $H_1$- тажриба синфларида олиб борилган тадқиқот ишлари назорат синфларига нисбатан юқори, яъни самарадорликка эга деб олинди.

Ушбу статистиканинг хаққонийлигини текшириш мақсадида Комогоров-Смирновнинг λ-статистикаси орқали текширамиз. Бунинг учун қуйидаги формулалар асосида иш юритилади.

Эмприк нисбий частоталарни ҳисоблаш формуласини биринчи ва иккинчи танланмалар учун:

$f_i = \frac{m_j}{n_i} (i = 1,2)$ бу ерда $m_j$ мос равишда бахолаш мезони бўйича олинган бахо, $n_i$ –бахоларнинг такрорланишлар сони.

$f_j^1 = \sum_k^j f_k^1, f_j^2 = \sum_k^j f_k^2$ бу ҳар бир танланма(тажриба ва назорат синфлари)нинг нисбий частоталар йиғиндиси.

Танланмалар нисбий частотаталар айирмасининг абсалют қиймати частоталар фарқини билдиради ва у $\left|f_j^1 - f_j^2\right| = d_j$ формула билан аниқланади.

Частоталар фарқининг энг каттаси топилгандан $d_{\max} = \max(d_j)$ сўнг, λ-Комогоров-Смирнов статистикаси орқали эмприк қиймат ҳисобланади. $\lambda_{эмп} = d_{\max} \cdot \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{n_1 + n_2}}$. Комогоров-Смирнов статистикаси жадвалидан $\lambda_{крит}$ αнинг қийматдорлик даражасига мос критик қийматаниқланади α=0,05қийматдорлик дарадасига мос келувчи қиймат $\lambda_{крит}(\alpha) = \lambda_{крит}(0{,}05) = 1{,}36$га тенг.Статистик гипотеза сифатида $H_0: \lambda_{крит} \geq \lambda_{эмп}$, $H_1: \lambda_{крит} \prec \lambda_{эмп}$. Агар $\lambda_{крит} \geq \lambda_{эмп}$ бўлса $H_0$ гипотезани рад этишга асос йўқ, акс ҳолда $H_1$ гипотеза қабул қилинади.

Ушбу гипотезанинг олинган натижаларга мослигни ва α нинг қийматдорлик даражаси бўйича ҳисобланган эприк қийматнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида ишонч оралиқ қийматлари ҳисобланади. Агар танлаб олинган гуруҳлар, синфлардаги ишонч оралиқлари бир-бирибилан устма-уст тушса ёки кесишса олинган натижаларда фарқлар мавжуд эмаслиги, агар улар бир бири билан кесишмаса олинган натижалар

фарқлар мавжуд эканлиги исботланади. Бу қуйидаги ишончлилик оралиғи формуласи билан ҳисобланади.

Тажриба синфлари учун: $\overline{X_1} - t_{кр} \cdot \frac{S_1}{\sqrt{n_1}} \le a_1 \le \overline{X_1} + t_{кр} \cdot \frac{S_1}{\sqrt{n_1}}$.

Назорат синфлари учун: $\overline{X_2} - t_{кр} \cdot \frac{S_2}{\sqrt{n_2}} \le a_2 \le \overline{X_2} + t_{кр} \cdot \frac{S_2}{\sqrt{n_2}}$ формулалар орқали ҳисобланди.

Бу ерда $\overline{X}_j = \frac{\sum x_j m_j}{N_j} (j = 1,2)$ танлаб олинган респодент синфлардаги ўртача ўзлаштириш қиймати, $S_j = \frac{1}{n_j - 1}\sum_{i=1}^{k}(m_i \cdot (x_i - \overline{x}_j)^2, (j = 1,2)$ тажриба синовда қатнашувчи синфларнинг танланма дисперсияси, t-Лаплас функциясининг α қийматдорлик даражаси билан аниқланади. Ф(t)=α/2. α=0,05 да Ф(t)=0,05/2=0,025 бўлиб Фишер критериясининг қийматлар жадвалига кўра t=1,96 га тенг. Олинган натижаларнинг самарадорлик коэффиценти сифатида $\eta = \frac{\overline{X}_1}{\overline{X}_2}$ формулаларданфойдаланилди.

Формулалар асосида қўйидаги ҳисоб жадвалини келтирамиз. Бунда хисоблар барча таълим муассасаларининг умумлашган натижалари бўйича олиб борилди(3.3-жадвал).

**3.3-жадвал.**

**Тажриба бошида олинган натижаларга кўра статистик таҳлил кўрсаткичлари**

| Статистик қийматлар | | Маънавий тушунчаларнинг синганлик даражаси | | | | Маънавий ғояларнинг шаклланганлик даражаси | | | | Маънавий фазилатларга одатланганлик даражаси | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 5 | 4 | 3 | 2 | 5 | 4 | 3 | 2 | 5 | 4 | 3 | 2 |
| Эмприк нисбий частоталар | ТС | 0,054 | 0,161 | 0,714 | 0,071 | 0,047 | 0,141 | 0,690 | 0,122 | 0,038 | 0,126 | 0,674 | 0,162 |
| | НС | 0,057 | 0,165 | 0,710 | 0,069 | 0,045 | 0,143 | 0,689 | 0,123 | 0,041 | 0,123 | 0,672 | 0,164 |
| Нисбий | ТС | 1,000 | | | | 1,000 | | | | 1,000 | | | |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| частоталар йигиндиси | НС | 1,000 | | | | 1,000 | | | | 1,000 | | | |
| Нисбий частотаталар айирмасининг абсалют қиймати | | 0,00330 | 0,00409 | 0,00481 | 0,00257 | 0,00132 | 0,00183 | 0,00124 | 0,00074 | 0,00219 | 0,00276 | 0,00119 | 0,00176 |
| Фарқларнинг максимуми | | 0,0048 | | | | 0,0018 | | | | 0,0028 | | | |
| Комогоров-Смирнов статистикаси | | 0,0998 | | | | 0,0380 | | | | 0,0572 | | | |
| Критик қиймат | | 1,36 | | | | 1,36 | | | | 1,36 | | | |
| Ўртача қиймат | ТС | 3,20 | | | | 3,11 | | | | 3,04 | | | |
| | НС | 3,21 | | | | 3,11 | | | | 3,04 | | | |
| Танланма дисперсия | ТС | 0,41 | | | | 0,44 | | | | 0,44 | | | |
| | НС | 0,42 | | | | 0,44 | | | | 0,45 | | | |
| Ишонч оралиғи | ТС | 3,17 | $\le a_1 \le$ | | 3,22 | 3,08 | $\le a_1 \le$ | | 3,14 | 3,01 | $\le a_1 \le$ | | 3,07 |
| | НС | 3,18 | $\le a_2 \le$ | | 3,24 | 3,08 | $\le a_2 \le$ | | 3,14 | 3,01 | $\le a_2 \le$ | | 3,07 |
| Самарадорлик | | 1,00 | | | | 1,00 | | | | 1,00 | | | |
| Хулоса | | $H_0$ | | | | $H_0$ | | | | $H_0$ | | | |

Дастлабки натижаларнинг статистик таҳлили шуни кўрсатдики танлаб олинган тажриба ва назорат синфларидаги ўртача қиймат, танланма дисперция ишонч оралиғи натижалари Колмогоров–Смирнов статистикаси қийматларида кўрсатилган критик қийматдан кичиклиги, ҳар иккала гуруҳлардаги ўртача қийматларнинг бир-бирига яқинлиги, ҳамда ўртача қийматларнинг ишонч оралиқлари бир-бири билан устма-уст тушиши $H_0$ гипотезани қабул қилинишига олиб келди. Бу эса тажриба ва назорат гуруҳларининг билим даражалари бир-биридан фарқ қилмаслигини яъни хеч қандай самардорликка эга эмаслигини билдиради.

Энди тадқиқот ғоялари сингдирилгандан сўнгги тажриба-синов ишлари натижаларининг статистик таҳлилини келтирамиз. Юқоридаги тажриба 3.2-жадвал маълумотларига кўра статистик таҳлил хисобларини келтирамиз (3.4-жадвал).

**3.4-жадвал.**

## Тажриба якунидаолинган натижаларга кўра статистик таҳлил кўрсаткичлари

| Статистик қийматлар | | Маънавий тушунчаларнинг сингалик даражаси | | | | Маънавий ғояларнинг шаклланганлик даражаси | | | | Маънавий фазилатларга одатланганлик даражаси | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 5 | 4 | 3 | 2 | 5 | 4 | 3 | 2 | 5 | 4 | 3 | 2 |
| Эмприк нисбий частоталар | ТС | 0,178 | 0,508 | 0,305 | 0,008 | 0,140 | 0,451 | 0,403 | 0,006 | 0,111 | 0,417 | 0,469 | 0,003 |
| | НС | 0,065 | 0,192 | 0,713 | 0,030 | 0,055 | 0,160 | 0,763 | 0,022 | 0,049 | 0,132 | 0,796 | 0,023 |
| Нисбий частоталар йигиндиси | ТС | 1,000 | | | | 1,000 | | | | 1,000 | | | |
| | НС | 1,000 | | | | 1,000 | | | | 1,000 | | | |
| Нисбий частотаталар айирмасининг абсалют қиймати | | 0,113 | 0,317 | 0,408 | 0,022 | 0,085 | 0,291 | 0,360 | 0,016 | 0,062 | 0,285 | 0,327 | 0,020 |
| Фарқларнинг максимуми | | 0,408 | | | | 0,360 | | | | 0,327 | | | |
| Комогоров-Смирнов статистикаси | | 8,45 | | | | 7,46 | | | | 6,78 | | | |
| Критик қиймат | | 1,36 | | | | 1,36 | | | | 1,36 | | | |
| Ўртача қиймат | ТС | 3,86 | | | | 3,72 | | | | 3,64 | | | |
| | НС | 3,29 | | | | 3,25 | | | | 3,21 | | | |
| Танланма дисперсия | ТС | 0,50 | | | | 0,49 | | | | 0,46 | | | |
| | НС | 0,40 | | | | 0,34 | | | | 0,31 | | | |
1. А.Навоийнинг қандай асарларини биласиз?
2. Она Ватан деганда нимани тушунасиз?
3. Яхши ва ёмон хулқларни айтинг.
4. Миллий ифтихор туйғуси нима?
5. Маънавий бойлик деганда нимани тушунасиз?
6. Маънавий бой инсон тушунчасини изоҳлаб беринг.
7. Мирзо Улуғбек тўғрисида нималар биласиз?
8. Одобнинг боши нимадан бошланади?
9. Ростгўйлик қандай хислат?
10. Фаровонлик тушунчасини изоҳланг.
11. Озодлик деганда нимани тушунасиз.
12. Ёмон одатлардан қандай қутулиш мумкин?
13. Маънавиятли, маданиятли инсонга хос фазилатларни санаб беринг.
14. Нега китоб бизнинг дўстимиз деб айтилади?
15. Бахтимиз қомуси булган конститутция қачон қабул қилинган?

**5-илова.**

**Бошланғич синфларда «Маънавият» машғулотларини ўтказиш учун намунавий дастур**

| Т.р | Мавзулар | *Соат хажми* | Машғулот шакли |
|---|---|---|---|
| 1 | «Маънавият» тушунчасининг маъно- мазмуни | 1 | суҳбат |
| 2 | Маънавиятни шакллантирувчи омиллар | 2 | суҳбат |
| 3 | «Миллий ғоя» тушунчасининг мазмуни | 3 | савол-жавоб |
| 4 | Юрт тинчлиги ғояси | 2 | суҳбат |
| 5 | Ватан равнақи ғояси | 2 | суҳбат |
| 6 | Халқ фаровонлини ғояси | 2 | суҳбат |
| 7 | Ҳамкоролик деганда нимана тушунасиз? | 2 | савол-жавоб |
| 8 | «Миллий» ва «тотувлик» тушунчалари нимани англатади? | 2 | савол-жавоб |
| 9 | Бағрикенглик нима? | 2 | савол-жавоб |
| 10 | Кимни комил инсон дейиш мумкин? | 2 | суҳбат |
| | Жами | 20 соат | |

**6-илова**

## 1 – машғулот: Мавзу:Davлат рамзларига ҳурмат муқаддас бурч

















Ўқувчиларнинг ўз фикр - мулоҳазалари ва саволларини баён этиш учун уларга имконият яратиш зарур. Ўқувчиларга кўрсатилган расмлар, дидактик материаллар дид билан танланиши керак. Улар ўқувчиларнинг диққатини тортиб, қизиқтирадиган бўлиши, уларнинг тасвирланиши завқ бағишлаб, бажаришгақизиқиш уйғотиши керак бўлади.

1. Компьютер хотирасига «Тарбия» дарслиги, ундаги рангли расмлар, байроғни кўтариб тўрган бола монитор экранида ҳаракатлатирилиб, анимация тарзида кўрсатилади. Байроқ тўғрисида ўқитувчи томонидан тушунтирилади.Ҳар қандаймамлакат, агару мустақил бўлса, албатта, ўз байроғига, гербига,мадҳиясига эгабўлишилозим.

Байроқ, герб, мадҳия ...

Мустақилликникўлгакиритиб, байроғи,гербивамадҳиясига эга бўлганхалқўз тарихини ўзибелгилайди.

Сиз компьютер экранидаги лавҳаларда байроқ кўтариб, ҳайқириб олға бораётган аскарларни кўрганмисиз?Ғалаба нишонаси сифатида биринчи бўлиб байроқ кўтарилганинитомошо қилдингиз. Спортда юқори натижага эришган спортчиларни тақдирлаш маросимида байроқ кўтарилади,мадҳия

янграганда ҳам ўша давлатнинг шаъни, ғурури сезилади.. Мактабларингиздаҳам ҳафтанинг ҳардушанбасида байроқ кўтарилади. Миллий байрам ва тантаналарда ҳам юртимиз байроғи кўтарилади.

Ҳозиргинакомпьютер экранида СоҳибқиронАмирТемур дааврида ҳамдавлат катта ижтимоий-сиёсий, маънавий –маърифийаҳамият касб этганлигининггувоҳибўлдингиз. Тарихдан маълумки,давлат байроғини АмирТемурнингэнг ишонганбаҳодир сипоҳлариқўриқлашган. «Темур тузуклари»датаъкидланишича, душман устиданшижоат вамардлик кўрсатиб ғалабақозонганамирлар ва сипоҳилардавлаттимсоллари –байроқ ваноғорабилан мукофотланган. БуСоҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғлиқ баланд туришидан далолат беради. Хўш, бунда қандай рамзий маъно бор? «Байроқ – халқнинг шон – шарафи, ғурури. Байроқни қадрлаш, эъзозлаш ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш» демакдир.

Шундан сўнг компьютер экранида ранглар билан боғлиқ кўрсатув намойиш этилади. Дастлаб осмон тасвирланади. Ўқувчиларга шундай савол берилади: Мовий ранг нимани англатади? Ўқувчилар томонидан мовий ранг мусаффо осмоннинг бир парчаси эканлиги, бу юртнинг осмони тинч бўлсин, демакдир. Яна мовий ранг тип– тиниқ сувни ҳам эслатишини айтишади. Компьютер экранида қип-қизил очилиб шамолда тебраниб турган лола-қизғолдоқлар намойиш этилгандан сўнг, қизил ранг қандай маънони англатади? -деган савол берилади.Ўқувчилар қизил рангнинг шунчакиранг эмаслигини, томирлардан оқаётган тоза қон эканлигини айтишади.

Экранда оппоқ қорлар уюми тасвирланганлиги, ойдин кечада юлдузларнинг чарақлаб турганлиги, оймомонинг тунда ёритиб туриши ва ҳаракатланиши кўрсатилади. Ўқувчилар томонидан бу тасвирларга аниқлиб киритилиб, оқ рангнинг кўнгли ҳам оқ, иши ҳам оқ эканлиги айтилади. **Оймомо ва юлдузлар ҳақида ҳам қуйидаги тушунчаларни айтишади.** Оймомонингэртакларгабоймомоэканлиги,кўриниш учватўрт кунликбўлсаҳамниятларим тўкинлик эканлиги, ойсурсалар ойларига сирдош,

йўлюрсаларйўлларидайўлдошлигиайтилади. Юлдузлар12 та, 12 ой, жамласабирйилгатенглиги,ким қандайяшайди,яхшими,ёмон, иккиланмай 12 юлдузнинг12 буржига тенг эканлиги ҳақида маълумот берилади..

1. Бу тушунчалар асосида бевосита ўқитувчи ёрдамида байроқ, герб ва мадҳия сўзлари ўқувчилар томонидан амалий талаффуз қилиш асосида ўрганилади. Бунда бу сўзларнинг талаффуз қилинишига, қайси бири чўзиб айтилишига ўқувчиларнинг эътибори қаратилади.

Байроқ, герб, мадҳия сўзларини бўғинларга бўлиб талаффуз қилиш асосида бўғин ва товуш муносабати, товушларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида ўқувчиларда тушунча хосил қилинади ва бу сўзлар ҳамда байроқ, герб, мадҳиянинг расмлари ва уларнинг ҳаракатлари, айтилиши комьютер экранида кўрсатиб борилади.

2. Жонли суҳбат асосида ўқувчиларга байроқ, герб, ва мадҳия сўзнинг маъноси ҳақида тушунча берилади ҳамда экранда тасвирланган расмларнинг нарса ёки буюмга оид тарбиявий жиҳатлар сингдирилади. Масалан: «Хумо қуши» расми компьютерда ҳаракатга келтирилиб, осмонда чиройли қуш учиб юрганлиги, қанотлари кенг, кумуш рангда эканлиги тасвирланади. Шунда ўқитувчи хумо қуши тўғрисида қуйидагиларни тушунтириб беради: Қадимда бир юрт бўлган экан. Унинг зўравон подшоси бошқа юртни босиб олиб, бойлигини талабди. Одамларни зиндонбанд олимларни гумдон қилибди. Охириўзининг ҳам паймонаси тугабди... Юрт подшосизқолибди. Ўшанда одамлар энди кимни подшоқиламиз деб турганларида, юрт осмонида хумо қуши пайдо бўлибди. Донолар кенгашиб «Шуқуш кимнинг бошигақўнса ўша подшо бўлади» дейишибди. Жангчилар жар солибди:

Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар тингланглар, майдон сари юринглар. Осмонда бахтқуши чарҳуради.Шу қуш кимнинг бошигақўнса ўша подшо бўлади.

Буни эшитганлар шошиб қолишибди. қанчадан – қанча пулдор одамлар тахт учун тишини қайрашибди. Бахт қушини овлабди. Аммо қуш энг

камбағал, энг саҳий ва одил, тўғрисўз ва доно боланинг бошига қўнибди. Мамлакатда адолат ҳукумрон бўлибди.

- Сен ўшақушсан – а, Хуможон!

- Янглишмадинг, эй мустақил юрт боласи.

Кўп юртларни кездим. Ёлғиз сенинг Ватанинг эртаклардаги мамлакатга ўхшайди.Шу боис сизлар сари талпиниб учдим.

Рахмат, Хуможон

Хумоқушининг айтганлари тўгри, бу юртнинг одамлариқадоққўлли, бағри чўғли, - дея буғдой бошоқлари чайқалиб кетибди.

Биз гербдаги нон – насиба,қут – барака тимсолимиз, - дейишибди улар.

Бизлар ватаннинг ишонч ёрлиғимиз, - дейишибди чаноқлардаги пахталар.

Офтоб эса лов – лов ёниб, зарин нурларини тўкибди.

- Бу юртқуёшли юрт. Бахти ҳам, тахти ҳам, тўкис ва бут. Гербимиз узра икки дарё – Амударё билан Сирдарё бўй кўрсатибди.

Гербимиз узра ой боқади, асойишталик деб осмонингиз, зуҳро юлдуз ярқирайди адашмасиндеб манзилингиз.

4. Компьютер мониторида байроқ, герб, мадҳия сўзлари берилган бўлиб, улардан байроқ мовий, оқ, яшил ранглар билан ифодаланганлиги кўрсатилади. Ўқувчиларга мовий ранг қандай маънони ифода этади? Саволи берилади (Қизил ранг билан). О товуши катакчаларда берилган сўзларда қизил ранг билан ифодаланганлигига эътибор қаратилади. Герб рамзига диққат қилинг. Ге –е-рбсўзида қайси товуш чўзиб айтилди? – Е товуши. Компьютер мониторидаги катакча нечта? Тўртта, демак, герб рамзида нечта товуш иштирок этган. Тўртта г,е,р ва бтовушлари. Бу тўртта товушнинг бирикишидан герб сўзи хосил бўлади. Шундан сўнг компьютер экранида мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Байроқдаги оқ ранг нимани англатади?

2. Яшил рангнинг маъносини айтиб беринг?

3. Компьютер экранидаги катакчаларда берилган сўзларда а ва о унли ҳарфи қандай рангда ифода этилган?

4. «Қувноқ дақиқа» ўйини.

Оқиб келади жилдираб,
Ойна каби ялтираб.
Оқиб келган ойнани,
Олиш мумкин ҳовучлаб.
Топинглар – чи, бу нима?
Арик тўла ойна, сув.

Шеър, топишмоқ компьютер мониторида сувнинг оқиб келиши, унинг жилдираши овозли тарзда ифода этилиб, ўқитувчининг қўл ҳаракати сувнинг оқиш мароми ва жилдирашига мос ҳолда силкитиб айтилади.

Ўқитувчи кўрсатган ҳаракатни ўқувчилар такрорлайди.

5. Ўқувчиларнинг байроқ, герб, мадҳия тушунчаларига оид билимлари саволлар ёрдамида текширилади. Ўқитувчи хулосаси ёрдамида дарс якунланади.

**7-илова**

**МОТИВАЦИО**Н соҳа миллий умумийликнинг сабаблари ва ғояларинннг ўзига хослигини тавсифлайди.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БИЛИШ** соҳаси эса миллат тафаккури билан боғлиқ дунёкдрашнинг ўзига хослигини харакгерлайди. Бу жиҳат улардаги ақлий ҳислатлар билан ифодаланади.

**КОММУНИКАТИВ ХУЛҚ-АТВОР** соҳаси эса ҳар бир халқнинг ўрнатилиб бўлинган ўзаро муносабатларининг меъёрлари, ўз ахлоқ стереотиплари, ўз раҳбарлик шакллари мавжудлигидан далолат беради.

**МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯВИЙЛИК** энг аввало юксак эътикод, иймон, Ватан ва халк олдидаги масьулият, ватанпарварлик, фидоийлик каби фазилатларда намоён булади.

**ЁШЛАРНИ ГОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШ** эса, бу, соглом гоялар тарбияси юксак дунёкараш ва эътикод тарбиясини англатади.

**ДУНЁКАРАШ –** тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва гоялар мажмуи булиб, у шахсни жамиятда узлигини сакдаган колда уни муносиб урин эгаллашга чорлайди.

**БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ** - шахсни маънавий-ахлокий шакллантириш, Ватан мустакиллиггши мустаккамлаш, жамият ва давлат манфаатларига хизмат килувчи, интеллектуал салохиятли. Эркин фикрловчи шахсларни тарбиялашга каратилган тарбиявий жараёилар мажмуасидир.

**АГРЕССИВ ХУЛҚ** – шахснинг маънавий бузуқликка асосланган, бошқаришнинг ички дунёсига очиқдан-очиқ салбий таъсир ўтказиб, тажовуз қилиб, уни издан чиқаришга қаратилган ғайриинсоний хус-ят. А.х.нинг шаклланиш, кучайиши ва намоён бўлиши кўпинча ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда юз беради.

**АВФ ЭТИШ** (кечириш) – бағрикенглик, мардлик ва олижаноблик, юксак гуманизмифодаси бўлган, муҳим тарихий сана ёки умуммиллий воқеалар муносабат и билан суд ҳукмига кўра жазо тайинланган шахс (маҳкум) ёки шахслар гуруҳининг гуноҳидан кечишга қаратилган сиёсий акт.

**АДАБ** (араб.) – шахснинг тарбиявий даражаси, ахлоқий қиёфаси, маънавий баркамоллигининг асосий шарти ва мезониўзбек тилидаги одоб ва ахлоқ сўзларининг ўзгарган шакли, маънодоши. Киши А. орқали эл-юрт ўртасида обрў-эътибор, иззат-ҳурмат топади. Халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан муҳим роль ўйнаб келгани учунмуносабат ларнингдеярли барча шакл ва кўринишларига шу н. назардан ёндашилган.

**АДАПТАЦИЯ** (лот. *adaptatio* – мосланмоқ, созланмоқ) – табиат ёки жамият ҳаётида, инсоннинг маън-й-руҳий оламида кечадиган ўзига хос жараён бўлиб, бирон-бир муҳит ёки шароитга, янгиликка мослашувни англатади.

**АДОЛАТ** – адолат, одиллик, ҳаққонийликни ифодалайдиган т. Бу т.ни қуйидагича ҳам изоҳлаш мумкин: 1) Судда инсоф ва адолат юзасидан ҳукм чиқариш. 2) Тўғрини нотўғридан, ростни ёлғондан ажрата билиш, бирон

томонга ён босмаслик. 3) Зулмни бартараф этиш, инсоф юзасидан иш кўриш, мазлумни ҳимоя қилиш. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Кимки ҳақиқатни ёлғондан, тўғрини нотўғридан ажрата билса, у ўз адли билан Ғарбу Шарқни ёритган бўлади» деган сатрларида мазкур иборанинг маън-й-маър-й моҳияти мужассамлашган.

**АДОЛАТ** (араб. одиллик, тўғрилик ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилиниши)– инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маъ-ят, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири.

**АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ** – адолат, одиллик, холислик асосида масалага фақат ва фақат инсоф ва диёнат н. назаридан беғараз ёндашиш, ҳақиқатни бош мезон деб билиш, шу йўлда беминнат хизмат қилиш. А.т.га амал қилиб, мам-тимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини энг олий қадрият сифатида рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

**АДОВАТ** (араб. душманлик)– ўзаро ёвлашиш, узоқ вақт давомидаги кек сақлаш, нафрат ва гина-кудурат асосидаги душманлик. А.нинг асосида аксарият ҳолларда бир хил эҳтиёж ва манфаатга эга бўлган, иш асосида рақибга айланган одамларнинг тўқнашуви ётади. Рақиблардан бирининг эҳтиёжи қондирилиши иккинчисининг манфаатига зид келиши ва душманликка сабаб бўлиши мумкин

**АДОЛАТПАРВАРЛИК**–одиллик, адолат билан иш кўриш, қонун асосида, жамиятда шаклланган устувор инсоний муносабат лар доирасида барчага тенг ва холис муносабат да бўлиш. А. этика, эстетика, ҳуқуқшунослик, адабиёт ва жамиятшунослик фанларининг асосий категориясидир. Мам-тимизда фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий адолат,демократия, барқарор тараққиёт ва фаровонлик тамойилларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**АДОЛАТСИЗЛИК** – адолатга зид бўлган ижтимоий -маънавий ҳолатни ифодалайдиган т. Адолат меъёрлари, қонун ва жамият тамойилларининг бузилиши, маънавий тамойилларга амал қилмаслик А.ни келтириб чиқаради. А. ижтимоий , иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий ва б. шаклларда намоён бўлади. У гоҳида бутун жамиятга, баъзан шахслар ёки ижтимоий субъектларга (синф, гуруҳ, партия, миллат, давлат ва б.) нисбатан бўлиши мумкин.

**ПРОТЕКЦИОНИЗМ (лот. *protectio*– ҳимоялаш**) ижтимоий ҳаёт учун хавфли бўлган иллат. Махсус адабиётларда протекционизм юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс томонидан ўзга шахснинг муаммоларини

ҳал қилиш учун ноқонуний ҳомийлик кўрсатиш сифатида талқин этилади. Ш-дек, у ҳокимиятни ғаразли мақсад йўлида ноқонуний қўллаш билан боғлиқ ҳолат тарзида ҳам изоҳланади.

**БЮРОКРАТИЗМ. юнон. *byro*–** девонхона, *kratos*– куч-қудрат, ҳокимият – ҳокимиятни суистеъмол қилиш, тўрачилик, расмиятчилик йўли билан муаммонинг ечимини атайлаб мураккаблаштиришни англатади. У жамиятнинг демократлашувига нисбатан жиддий тўсиқ ҳисобланади. Бюрократия ҳал этилмаган ижтимоий муаммоларнинг янада мураккаблашувига, баъзан ҳатто кескинлашувига олиб келади. Кўпинча, у ўзи учун муайян имтиёзларни ноқонуний равишда жорий этишга уринади. Иш жараёнидаги зўравонлик, ишни яхши билмаслик, мансабдорларга кўр-кўрона итоат этиш, расмиятчилик, сансалорлик, буйруқбозлик, кўзбўямачилик каби иллатлар сохта обрўга интилиш, фисқу фасод, такаббурлик, одамларга беписандлик, ёлғон гапириш, шароитга мослашиш орқали пардаланади, натижада протекционизм, маҳаллийчилик, буйруқбозлик каби салбий ҳолатлар юзага келади.

**МАҲАЛЛИЙЧИЛИК.** Маҳаллийчилик бирон-бир ҳудудга мансубликка асосланган салбий ҳолатдир.Ужамият ҳаётининг муҳим соҳаларини ўргимчак тўридек ўраб олиб, соғлом фикр, юксак тараққиёт, умумиллий бирлик ва ҳамжмҳатлик йўлида ғов бўлиши туфайли ўта зарарлидир.

**БОҚИМАНДАЛИК**. Эски тузумнинг оғир асоратларидан бири бўлиб, бозор механизмларининг тараққий топиши билан тобора заифлашиб боради. Боқимандалик ўзини ўзи муносиб баҳолай олмаслик, ўз қобилияти ва жамиятдаги ўрнини нотўғри тушуниш оқибатидир.

**АКСИОЛОГИЯ**(юн. *axio*– қадрият ва *logos* – фан, таълимот) – қадриятшунослик, маънавий ҳодисалардан бири бўлган қадриятлар соҳасини ўрганадиган, унинг қонун ва категорияларини тадқиқ қиладиган илм йўналиши,қадриятлар ҳақидаги фан.

**АЛИФБЕ** (араб алифбосининг дастлабкиикки ҳарфи – *алиф*ва *бе* дан олинган) – бирор-бир тилнинг ҳарфлар системаси маълум бир тартибда жойлаштирилган ёзув белгилари (мас., араб А.си, лотин А.си) ёки бўғин белгилар (мас., ҳинд А.си – деванагари) мажмуи. А. илк бор мил. ав. 2000 йил охирларида қад. угарит ва финикий ёзувининг товуш тизими асосида шаклланган.

**АЛОГИЗМ** (юн. *a*– инкор қўшимчаси, *logos* – мантиқ, идрок) – инсонга хос ақл ва мантиқнинг ўрни ва аҳамиятини инкор этадиган оқим. А. тарафдорлари табиат ва жамияттараққиёти ҳеч қандай қонуният, тартиб ва заруратга боғлиқ эмас, балки уларнинг негизида тартибсизлик ҳукмрон,

деган қарашга таянади. А. интуиция, ишонч, ақидаларни мантиққа қарама-қарши қўяди ва инсоннинг маънавий камолотига бир томонлама ёндашувга асосланади.

**АЛТРУИЗМ** (лот. *alter* – ўзга) – маънавий хокисорлик, фидолик ваинсонпарварликни ифодалайдиган т.. Уни биринчи бўлиб XIX а.да француз файласуфи О. Конт муомалага киритган.Лекин бу маънавий тамойил Шаркда жўмардлик номи билан анча аввал вужудга келган.

**АМОРАЛИЗМ** (лот. *а* – йўқ, *moralis* – ахлоқ) – маънавий ҳаёт ва шахслараро муносабат да ахлоқ меъёрларининг бузилиши ҳамда уларни инкор этиш, умумэътироф этилган хулқ-атвор мезонларига эътиборсизлик ва уларгаенгил-елпи муносабат да бўлиш. Амалиётда А. алоҳида бир шахснинг маънавий етук эмаслиги ёки жамиятдаги муайян кишиларни маънавий тубанликка олиб келувчи ижтимоий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. А.нинг тарихи қадимдан бошланган, унинг индивидуал, гуруҳларга хос ва ижтимоий шакллари маълум.

**АНДИША**(форс. ўй, мулоҳаза, фикр, ор-номус, иффат, шарм-ҳаё, уят, ибо, истиҳола, босиқлик) – юксак маъ-ятга хос, тарбия натижасида шаклланадиган маън-й-ахлоқий т. бўлиб, кишидаги хулқ-одоб, тарбия ва маъ-ят билан боғлиқ сифатларни ифода этади. А. инсон табиатида чуқур илдиз отган, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган, илм ва ҳикматга бой халқнинг тафаккур булоғидан сув ичган маънавий ҳодиса

**АНИМИЗМ** (лот. *anima* – руҳ, жон) – тирик мавжудотлар, предмет ва ҳодисаларнинг гўё руҳ ҳамда жонга асосланишиҳақидаги тасаввурларни англатади.А. барча ибтидоий диний тасаввурларнинг негизини ташкил этади.А.да моддий объектлар руҳий мавжудотлар дунёси билан тўлдирилган бўлади. А. атамаси илк бор немис олими Шталь (1708) томонидан илмий муомалага киритилган. 1871йилда А. атамаси инглиз олими И.Тэйлор томонидан этнография фанида қўлланади.

**АНТРОПОГЕНЕЗ** (юн. *antropos* ва *genezis* – инсон, келиб чиқиш) – инсоннинг келиб чиқиш ва жисмоний ҳамда маънавий рив-ш жараёни

**АНТРОПОЛОГИЗМ** (юн. *antropos* – инсон, одам; *logos* – таълимот) – инсон табиат ва жамиятнинг энг олий қадриятидир, деган қарашга асосланадиган ғоя. Унга кўра, одамзот энг етук ва олий мавжудот, бутун борлиқ инсон ва унинг эҳтиёжлари учун яратилган. Жамиятнинг етуклиги инсонга муносабат , унинг учун яратилган шарт-шароитлар билан белгиланади.

**АНЪАНА** – тарихий жиҳатдан узвийлик ва ворисийликни англатадиган маънавий ҳаёт ҳодисаси, маъ-ятга хос ижтимоий

категория,аждодларнинг тарихан тўплаган маънавий қадриятларини авлодларга узатиш (бериш) воситаси.

**АПАТИЯ** (юн. *apatheia* – бепарволик) – инсондаги эмоционал пассивлик, бефарқлик, ҳиссий лоқайдлик каби кайфиятни ифода этади. Бундай ҳолатда инсон ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз бўлади, ҳеч нарсага қизиқиш билдирмайди, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий фаоллиги пасаяди.

**АСОС** (субстанция) – мантиқий тафаккурнинг муҳим шакли ҳисобланган хулоса чиқаришнинг таркибий қисмларидан бири. Нарса ва ҳодисанинг А.и сабабият қонуни орқали намоён бўлади. Табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганиш, билиш, тадқиқ этиш кўп жиҳатдан а. ва асослаш жараёнига боғлиқ.

**АСОСИЙ ҚОНУН** – мазмуни бўйича «Конституция» т.сига мос келади. Маълумки, Конституция нормалари бошқа барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга ягона ҳужжат шаклида амал қилади.

**АТРИБУТ** (лот. бағишлайман, хус-ят бераман) – нарса ёки ҳодисанинг туб моҳиятини ифода этадиган, энг муҳим характерли хус-яти, белгиси.

**АТРОФМУҲИТНИ АСРАШ** – она табиат олдидаги маънавий қарздорлик асосида шаклланадиган туйғу; ер, ер ости бойликлари, сув,ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиатни сақлаш, қайта тиклаш, атроф-муҳитнинг биологик хилма-хиллигини асрашга қаратилган фаолият.

**АХБОРОТ** (араб. ахбор – хабарлар, маълумотлар) – муайян воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хабар ёки маълумот, уларни тушунтириш, тушуниш ва идрок этишдақадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган, кибернетика ва информатиканинг тараққиёти туфайли кейинги вақтда янги, кенг маъно касб этаётган т. ОАВ орқали эълон қилинадиган кўрсатув ва эшиттиришларнинг номи, журналистика соҳасидаги махсус жанр ҳам шундай аталади.

**АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ** – ҳар бир шахснинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга ҳақли эканини ифода этади. Мустақиллик даврида юртимизда бу борада катта ишлар амалга оширилди. Аввало,А.о.к. нинг қонуний асослари ишлаб чиқилди ва улар амал қилмоқда.

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ** – ижтимоий -иқт-й рив-ш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга «ишлов бериш», сақлаш ва жамият аъзоларига етказишга боғлиқ эканини англатадиган т. Жамиятни ахборотлаштириш жараёни ҳозирги кунда глобал хус-ятга эга бўлиб, илмий-техникавий ва ижтимоий -иқт-й рив-шнинг ўзагини ташкил этмоқда.

**АХБОРОТЛАШТИРИШ** – жамиятнинг маънавий ҳаётида рўй бераётган ижтимоий -техник ҳодиса бўлиб, замонавий информацион-технологик воситалар ёрдамида ижтимоий тузилма ва жараёнларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва кескин кучайтиришни англатади. А.ни янги жамият (ахборот жамияти)ни барпо этиш йўлидаги интеллектуал-гуманистик жараён сифатида тушунган ҳолда, демократиянинг рив-шига ва умуман сиёсий ҳаётга информатиканинг таъсири тўғрисида сўз юритиш мумкин.

**АХЛОҚ**(араб. хулқнинг кўплиги; лот. *moralis* – хулқ-атвор) – маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларидан бири, маъ-ят соҳасига оид т. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат , ш-дек, жамиятга бўлган муносабат ларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси 80,б

**АХЛОҚИЙ АҚИДАЛАР** – маънавий ҳаёт талаблари, инсоннинг юриш-туриши, хулқ-атвори, муомаласини тартибга солиб турадиган, бошқариб борадиган ахлоқий т.лар тизими. Ахлоқ ўзининг меъёр ва қоидалари ёрдамида инсон одобини бошқариб боради. Мас., яхшилик ва ёмонлик, бахт, адолат, бурч, виждон, ор-номус, меҳр-оқибат, шаън, уят, меҳнатсеварлик, жамоа руҳи билан яшаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, тичликсеварлик, комиллик каби т.лар А.а.нинг таркибий элементидир.

**АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ** – ахлоқ меъёрларига асосланган хулқнинг юксак даражаси, мукаммал ҳолати ҳақидаги тасаввур. У маънавий ҳодиса бўлиб, ахлоқий меъёрларнинг инсон орзу қилган ва юксак даражада шакллангани билан боғлиқ тасаввурлар мажмуидир

**АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ** – жамиятдаги ахлоқнинг юксаклик даражасини, фуқароларнинг ахлоқий савиясини акс эттирувчи т. У шахснинг жамиятдаги асосий ахлоқ меъёрларини эгаллаши ва ўзгалар билан шу асосдамуносабат да бўлиши, ўзини ахлоқий томондан мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. А.м.нинг энг муҳим омилларидан бири – муомала одоби.

**АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ**– жамият маънавий ҳаётидаги муҳим ижтимоий ҳодиса бўлиб, одоб-ахлоқ тизимини, ахлоқий фазилатларни замон талаблари асосида ҳар қайси авлод онгига сингдириш шакли. А. т. адабиёт, психология, этика ва эстетика фанлари ўрганадиган илмий категориядир**.**

**АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР –** инсонни яхшиликка чорлайдиган, ёмонликдан қайтарадиганахлоқий қарашларнинг доимий одати, амалий

фаолиятга айланганини билдирадиган т. У инсоний ахлоқ намуналарини ўзида мужассам этади ва маъ-ятнинг ўзагини ташкил этади.

**АХЛОҚИЙ ҚАРАШ –** ахлоқий меъёрлар таснифи, маън-й-ахлоқий ёндашув ва шу асосда шаклланган тафаккур категорияси. Тор маънода фал., социология ва мад-тшунослик фанлари соҳасида умуминсоний ахлоқий тамойилларни ифода этадиган т. Кенг маънода, инсониятга оид барча маънавий ҳодисаларга ахлоқий ёндашувниакс эттиради

**АҚЛ** (лот. *rationalis*, юн. *nus*, *fronesis;* араб. *ал-ақл*–асосланган, мақсадга мувофиқ) – инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англашва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилияти, ноёб маънавий ҳодиса. А. ва А.ий фаолият т.лари қад. юнон фал.сига бориб тақалади. А. т.си Афлотун ва Арасту фал.сида кенг ишлатилган.

**АҲИЛЛИК** – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қардошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик.

**БАДФЕЪЛЛИК** (бадфеъл) **–**ёмонлик, жаҳолат ва жоҳиллик, ахлоқ-одоб қоидаларига зид феъл, ахлоқсизликни ифодалайдиган т.

**БАРКАМОЛЛИК** – камолот, балоғатга эришган, бекаму кўст, етук, мукаммал, комил, маърифатли кишиларга нисбатан қўлланадиган т. У инсоннинг ақлий, маън-й, ахлоқий жиҳатдан етуклиги, ўзи танлаган касб-ҳунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар билан бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлишини ҳам англатади.

**БАХТ**– маъ-ят категорияси, ахлоқий онг т.си; кишининг ўз турмушидан мамнунлик, мурод-мақсадга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекаму кўстлиги ва муайян маъно касб этганидан ҳосил қиладиган қаноати. Б. юксак ижтимоий мазмунга, инсонларни муайян мақсадларга (бахтга эришиш) чорлайдиган, ижобий моҳиятга эга бўлган категориядир. 82б

**БИЛИМ** – ижтимоий -тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликни билиш жараёнида эришилган натижа; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар, т.лар, муҳокама ва наз-ялар орқали ифодаланган инъикоси; кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида тўплаган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши. 98б.

**БИЛИШ** – маън-й-руҳий ҳодиса, инсоннинг оламни англаш қобилияти, сараланган, тартибга солинган, муайян усул (метод) ёрдамида олинган, маълум мезонларга (меъёрларга) мувофиқ тартибга солинган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, одамлар ва бутун жамият томонидан айнан Б. сифатида тан олинадиган ахборот

**БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ –** бошқарув ва раҳбарлик соҳасидамуайян мақсадга эришиш йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган мад-й-маър-й тадбирлар мажмуи ва уларни амалга ошириш жараёнининг намоён бўлишини англатувчи т. Б.м. бошқарилаётган ҳар қандай объектга нисбатан ишлатилади. 107.

**БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ –** маъ-ят тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, жамият ва давлат ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маъ-ят талабларига мос бўлишини англатувчи т. 108б

БУНЁДКОРЛИК – бунёд этиш, яратувчилик, ижодкорликни англатувчи т. Жамият тараққиётининг туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида Б.нинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар сари сафарбар этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади **112б**

**БУРЧ –** маънавий соҳада юксакмасъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилишни; ҳуқуқий соҳада қонун ҳужжатлари, шартнома, иш бўйича юкланган мажбуриятни англатувчи т. Б. – инсон маъ-ятининг таркибий қисми, маъ-ят фал.сининг фундаментал категорияларидан бири. 115б.

**ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР** – бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифода этадиган т. Жамиятни тубанликка етаклаб, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар (ўзининг шахсий ёки ижтимоий манфаатларини ўзгалар ҳисобига қондириш, босқинчилик, талончилик ва б.). В.ғ. инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни қарама-қарши қутбларга ажратиб, бўлиб ташлашга сабаб бўладиган ғоялар мажмуидир.124.

**ВАТАН** (араб. туғилиб ўсган жой, она юрт) – кишиларнингяшаб турган, уларнингавлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мам-тни англатувчи т. В.т.си кенг ватор маънода қўлланади. Кенг маънода – бутун бир халқ, уларнингаждодлари азалданистиқомат қилиб келган макон. 126б

**ВИЖДОН** – инсонга хос юксак маънавий фазилат, кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳиссини англатувчи т.

ГУМАНИЗМ (лот. *humanus* – инсоний) – инсонни улуғловчи фал-й таълимот, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлиги барча тузумлар, давлатлар, жамиятлар учун асосий фаолият мезони бўлиши лозимлигини ифодалайдиган т. 151б

**ГУМАНИЗМ ҒОЯЛАРИ**– мазмун-моҳиятига кўра,башариятга хос бўлган,инсонни инсон қиладиган, унинг ҳаётини теран маъно-мазмун билан бойитадиган юксак маън-й-ахлоқий фазилатларниўзида мужассам этадиган қарашлар ва таълимотларни англатувчи т. 151б

**МАДАНИЙ АНТРОПОЛОГИЯ** — кенг маънода, инсон мад-тининг шаклланиш қонуниятларини унинг антропологияси билан қиёсий равишда ўрганувчи фанни, тор маънода эса, турли гуманитар фанлар ютуқлари ва маълумотларига таянган ҳолда инсоният мад-й рив-шининг умумий муаммоларини ўрганиш билан шуғулланадиган илм. тад.ни англатади.338

**МАДАНИЯТ** (араб. шаҳарга оид, фаровон маскан, тараққиёт ўчоғи) — табиат ваўзаро муносабат ларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодалайдиган т. М. алоҳидаиндивиднинг ҳаётий фаолияти (шахсий М.), ижтимоий гуруҳёки жамиятнинг фаолият усулини акс эттиради 340б.

**МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ —** инсон томонидан кўриб, эшитиб, билиб, ҳис қилиб ва англаниб турган борлиқ, воқелик ёки таассуротларнинг бошқалар учун ҳам тушунарли тарзда тафаккур этилишини англатувчи т.. Мантиқий фикр юритиш қобилияти барча соғлом инсонларга хосдир.348.

**МАФКУРА** (*араб.*фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-наз-й қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш тизими. 360.

**МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ** — шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-наз-й қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммунитет (лот. *immunitas* - озод бўлиш, қутилиш) тиббий т. бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турлитаъсирлардан,ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуитушунилади. 365

**МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН** – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг ўзига хос синов майдони. Одатда,«полигон» деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади.367

**МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ**– муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумнизаифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчиғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.369

**МАФКУРАВИЙ ТАМОЙИЛЛАР —** ҳар қандай мафкуранинг тарбиявий қудрати, унинг таъсирчанлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклигига асосланиши билан белгиланади. Миллий мафкура эса жамият аъзоларининг миллат манфаатлари, орзу-умидлари, истак-хоҳишларини ўзида мужассамлаштиради. 369

**МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ** – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. 370

**МАФКУРАВИЙ ТАСАВВУР —** мафкуравий таъсирнинг инсон онгидаги инъикоси. Бундай инъикос турли шаклларда ўз ифодасини топади ва инсон хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ушбу мафкуравий образлар инсоннинг кундалик амалий фаолиятида ўз ифодасини топади 370

**МАФКУРАВИЙ ТАЪСИР** – мафкуравий жараённинг энг муҳим структуравий компонентларидан биридир. М.т. икки асосий – тўғри, бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита шакллар ёрдамидаамалга оширилади. М.т. самарадорлиги унинг объекти ва субъектига боғлиқ бўлади. 371

**МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД** —ижтимоий -сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини қўрқитув, зўрлик йўли биланбошқаларга тиқиштириш. М.т. жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси.371

**МАФКУРАВИЙ ТИЗИМ** — мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий ин-тлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, мад-й-маър-й уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари (иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат, матбуот, радио, ТВ, кино, музей ва ҳ.к.), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усулларининг (алоҳида, жамоавий, оммавий) яхлит бир бутун уюшмаси. 372

**МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК**– шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлартурли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи т.. М.х.ни таъминлаш деганда, жамиятмаънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетнишакллантиришдекжараёнларназардатутилади.373

**МАФКУРАВИЙ ҚУРОЛЛАР** — фуқаролар онгига сингдириш омиллари (иш вақти, бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат матбуот, радио, ТВ, кино, музей, тарғибот ва ташвиқот муассасалари ва ҳ.к.), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усуллари (алоҳида, жамоавий, оммавий) мажмуаси. М.қ. геосиёсий мақсадлар, геосиёсатнинг ҳам таъсирчан воситаси эканлигини унутмаслик даркор.373

**МАЪНАВИЙ БУЗҒУНЧИЛИК**— умуминсоний ва миллий ахлоқ, қадрият, мад-т, динва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубанлашуви, ижтимоий , маън-й-ахлоқий меъёрларга риоя этмаслик, инкор этиш ёхуд уларнинг илдизлариниемиришга қаратилган ёвуз хатти-ҳаракатларни англатувчи т. М.б. муайян кучлар, марказлар, шахслар томонидан ўз манфаатларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, ғаразли мақсадларни кўзлаб, мам-ти ва ўзга давлат халқи, айниқса, ёшларини чалғитиш, уларнинг онгига ғайриинсоний ва ғайриахлоқий ғоя ва қарашларни сингдиришга хизмат қиладиган усул ва технологиялардир. 375

**МАЪНАВИЙ БУРЧ—** инсонга хос бўлган юксак маънавий фазилат, унинг ахлоқий майл-истакларининг ҳис-туйғуларда акс этишини ифодаловчи т. М.б. шахсни баъзан ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этиши мумкин бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида инсон тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади. 376

**МАЪНАВИЙ ВОРИСЛИК** – миллий-маънавий қадриятлар, урф-одат, анъана, ғоялар, тажриба, билимларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши, маъ-ятнинг узлуксиз жараён сифатидаги ўзгарувчанлиги ва авлодлар ўртасида маънавий ришталарнинг узвий боғлиқлигини ифода этадиган т.377

**МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ –** шахс ва жамиятмаъ-ятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб ишлар, бунёдкорликка сафарбар қилувчи эзгу ғоя, орзу-мақсад ва ижобийнамуналар мажмуини ифодаловчи т. «Идеал» т.си франц. *«ideal»*, лот. *«idealus»* сўзларидан келиб чиқиб,«қиёфа», «мезон», «мукаммаллик» маъноларини англатади. 381

**МАЪНАВИЙ ИЛЛАТЛАР** – жамиятда ўрнатилган ижтимоий , маън-й, ахлоқий, ҳуқуқий, мад-й меъёр ва қоидаларга зид бўлган хатти-

ҳаракатларни ифодаловчи т.М.и. маънавий соғломликнинг акси бўлиб, маъятсизлик, яъни инсон ижтимоий лашувининг заифлашиши, таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида вужудга келадиган маънавий бузилиш ҳодисасидир.382

**МАЪНАВИЙ ИЛЛАТЛАР** – жамиятда ўрнатилган ижтимоий , маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, маданий меъёр ва қоидаларга зид бўлган хатти-ҳаракатларни ифодаловчи т.М.и. маънавий соғломликнинг акси бўлиб, маънавиятсизлик, яъни инсон ижтимоий лашувининг заифлашиши, таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида вужудга келадиган маънавий бузилиш ҳодисасидир.385

**МАЪНАВИЙ ПОКЛИК** – инсон маънавиятининг гўзаллиги, бойлиги, теранлиги, покизалигини тақозо этувчи, эзгу маънавий фазилатлар мажмуини ифодалайдиган т. М.п.инсон дунёга келганидан то сўнгги нафасигача маънавий жиҳатдан қандай яшаб ўтиши кераклиги билан боғлиқ бўлган билимлар, тажрибалар, тасаввурлардан таркиб топади. 392

**МАЪНАВИЙ ТАЖОВУЗ** – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлиги, маън-й, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-наз-й қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган т.393

**МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ** – юксак маъ-ятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи т.394

**МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ –** 1) муайян гуруҳ, миллат, жамият, ирқ, этник гуруҳ, ҳудуд халқларига маънавий т. ва тамойилларни сингдиришга қаратилган тизимли ва мақсадли маър-й фаолиятни ифодалайдиган жараён; 2)юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усул ваамалий ҳаракатлар мажмуини англатадиган т. 399

**МАЪНАВИЙ ТАЪСИР —** муайян киши ёки миллатнинг бошқасига, бир ёки бир неча ҳодисаларнинг бошқаларига таъсирининг турли кўринишларини ифода этувчи т. М.т. кенг кўламли мураккаб т. бўлиб, у ўз ичигамаъ-ятнинг кўплаб турлари (ахлоқ, ҳуқуқ, нафосат ва б.) орасидаги ўзаро таъсир масалаларини қамраб олади. М.т. т.сини икки хил талқин этиш

мумкин: 1) ҳар қандай инсон, унинг камолоти М.т. маҳсулидир; 2) инсон, халқнинг ўзи ҳам бошқалар учун М.т. манбаидир.401

**МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАР** – инсоннинг маънавий қиёфаси, ижтимоий ҳаёт, онг ва муносабат лар билан боғлиқ бўлган, жамияттараққиёти ва турмуши таъсирида шаклланган маънавий хус-ят ва хислатларининг умуминсоний ҳамда миллий феьл-атвор кўринишларини ифодаловчи т.402

**МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК** – инсон, халқ ва жамият аъзоларини маънавий хуружлар, ғоявий таҳдидлардан ҳимояланиш тизимини ифодаловчи т. М.х. миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларнинг ҳимоя қилинишга йўналтирилган фаолиятдир404

**МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИК –**инсон ва жамият онгу тафаккурининг бўйсундирилиши, қарам этилиши, маънавий тамойилларнинг заифлашуви, мустақил рив-ш имкониятларининг чеклангани,тараққиётдан ортда қолиш, ўзгаларнинг ғоявий-мафкуравийтазйиқи оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараённи ифодаловчи т.411

**МАЪНАВИЙЛИК ВА МОДДИЙЛИКНИНГ УЙҒУНЛИГИ** – инсон ва жамият ҳаёти ва фаолиятида моддий ҳамда маънавий асосларнинг бир-бирига нисбатан мослиги, ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини ифодалайди.413

**МАЪНАВИЯТ** (араб. маъно, маънолар мажмуаси) – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми 415

**МАЪНАВИЯТ КАТЕГОРИЯЛАРИ –** инсон камолоти ва жамияттараққиётининг асосини ташкил этадиган маънавий мезонлар ва тамойилларни, шу соҳага хос нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнларни акс эттирадиган энг муҳим ва умумий т.лар тизими. Бу т.лар маъ-ятнинг мазмун-моҳиятини, унинг бошқа соҳалардан фарқини, ўзига хос хус-ятлари ва намоён бўлиш шаклларини яққол ифодалайди.424

**МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ –** маъ-ят соҳасидаги янгиликлар ва ахборотларни тарқатувчи,кишиларни эзгуликка даъват этувчи, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларидаги илғор жараён ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиб, бу борадаги долзарб муаммолар ечимини топиш бўйича хабар, маълумот,таклифларни оммага тарқатувчи шахсни ифодалайдиган т..426

**МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН МЕЗОНЛАР** – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маън-й, мад-й

ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умумлаштирувчи т.431

**МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙЛИГИ –** 1)маъ-ятнингшаклланиши, тарихий тараққиёт жараёнида тадрижий тарзда такомиллашуви, инсоният ҳаёти ва ижтимоий муносабат ларида қарор топиб бориши ва намоён бўлиши; 2) маъ-ятнинг ҳар бир давр ва шароитда ижтимоий турмуш талаб-эҳтиёжларини ўзида ифода этган ғоявий куч сифатида янгиланиб, ижтимоий тараққиётнинг кундалик талабларига мослашган ҳолда намоён бўлишини ифодаловчи т. Маъ-ятнинг тадрижий тараққиётини мутахассислар томонидан даврлаштиришнинг қуйидаги умумий тамойили қабул қилинган: 1. Қад. маънавий тараққиёт. 2. Ўрта а.лар даври мaь-яти. 3. Янги давр маъ-яти. 4. Бугунги истиқлол давридаги маънавий жараёнлар ва ўзгаришлар бу соҳадаги замонавийликни ифодалайди 446

**МАЪРИФАТ** (араб. – билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш) – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуини ифодаловчи т. Тор маънода М. билимли, маълумотли, маъ-ятли инсонга нисбатан қўлланади. Кенг маънода, кишиларнинг билими, мад-тини оширишга қаратилган маориф ва таълим-тарбияга ҳам М. деб қаралади.452

**МАЪРИФАТЛИ ИНСОН** – ўқимишли киши, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил инсон. М.и. кўпроқ маориф соҳасида қўлланади 453

**МАЪРИФАТПАРВАРЛИК —** жамият ҳаёти, унинг маън-й-маър-й соҳаларида намоён бўладиган жаҳолатга, ижтимоий -сиёсий жоҳилликка зид бўлган ижтимоий -фал-ий ва оммавий – демократик ҳаракатларни ифодаловчи т. 454

**МАҚСАД** – инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва натижаси. М. инсонлар маъ-ятида энг муҳим ўрин тутувчи ақлий-тафаккурий ҳодиса бўлиб, уни келажакнинг лойиҳаси, деб таърифлаш мумкин. Эҳтиёж, манфаат, мотив индивид ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-атвори, фаолиятининг муҳим таркибий қисмлари бўлса, М. фаолият йўналишини белгиловчи омилдир. 456.

**МЕЪЁР** – объектнинг сифат ва микдорий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайдиган фал-й т.461